

469

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши
Сафар 1447ҳ
Август 2025м



Кенг қўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Вақъ

Ал-Вақъ сўзи

СУРИЯ МУАММОСИ... БЎҲРОН ВА ЕЧИМ

Трамп маъмуриятининг
ташқи низолатни ҳал
этиш усули

Умнат ўлмас тирик
вужуддир...
Чақалоқ дунёга келишидан
олдин тўлғоқ азоби
бўлиши табиий

Қандай қилиб жиҳод
амири ташқи ишлар
вазирлиги бўлиб қолди?

Қодирлик ва унинг Ислом
давлати барпо бўлганини
эълон қилиш ҳамда шариатни
татбиқ этиш вожиблигидаги
таъсири

Сиёсий тушунчалар ва
сиёсат юритиш учун зарур
бўлган асосий шартлар (4)

Халқларнинг тарихи,
сифатлари ҳамда келишув
ва курашлари



Урибу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Сурия муаммоси... бўҳрон ва ечим 3
- Қодирлик ва унинг Ислом давлати барпо бўлганини эълон қилиш ҳамда шариатни татбиқ этиш вожиблигидаги таъсири 7
- Сиёсий тушунчалар ва сиёсат юритиш учун зарур бўлган асосий шартлар (4)...
Халқларнинг тарихи, сифатлари ҳамда келишув ва курашлари 21
- Трамп маъмуриятининг ташқи низоларни ҳал этиш усули 31
- Уммат ўлмас тирик вужуддир... Чақалоқ дунёга келишидан олдин тўлғоқ азоби бўлиши табиий 35
- Қандай қилиб жиҳод амири ташқи ишлар вазири бўлиб қолди? 51
- «Ривожланиш йўли» лойиҳаси ва «TIR» тизими – инвестиция ниқоби ортига яширинган иқтисодий мустамлакачилик лойиҳасидир 56
- Тушунчалар ўзгариши билан турмуш тарзи ҳам ўзгаради... Хансо бунга ёрқин мисолдир .. 60
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Улуф саҳобий Мусъаб ибн Умайр  64
- **Қуръони Карим суҳбатида:** Аср сураси ҳақида мулоҳазалар 66
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 72
- **Сўнгги сўз:** Ҳазодаги фитна 82
- Уммат ва унинг армияларига нидо: Ҳазо ёрдамга чақирмоқда жавоб берувчи ким бор?! Ким Аллоҳнинг муқаддас даргоҳлари учун нусрат қучади? 84



СУРИЯ МУАММОСИ... БЎҲРОН ВА ЕЧИМ

Муҳаммад Саид Аббуд

Садоқатли қўзғолончилар матонат кўрсатиб, Башар Асад билан нормаллашувга оид барча уринишларни қатъий рад этишлари ортидан, Аллоҳ азза ва жалла бизга Сурия режимини афдаришни насиб этди. Бу воқеа Америка ва халқаро тизим учун сиёсий ва хавфсизлик соҳасида янги бир бўшлиқ юзага келишига сабаб бўлди. Шунинг учун улар бу бўшлиқни тўлдира оладиган ва Умматни яна бир муддат давомида алдаш имконини берувчи янги режимни жорий этишга уринишмоқда.

Шу тариқа, Америка янги воқеликка нисбатан айёрона ёндашиб, Ҳайъати Таҳрируш Шом етакчисини Башар Асаднинг ўрнига қўллаб-қувватлашини эълон қилди. Чунки у бу шахсни қўзғолондаги энг таъсирли, тартибни йўлга қўйиш қобилятига эга ҳамда янги Сурия воқелигини назорат қилишга қодир куч сифатида баҳолади. Зеро, у аввал ҳам минглаб инсонлар қурбон бўлган ички тўқнашувлар ва гуруҳларни йўқ қилиш ортидан Идлибда тузилган «Нажот ҳукумати» орқали кичик миқёсдаги бошқарув тажрибасини орттирган эди.

Бу ҳолат Америка учун маъқул бўлиб, унда реалистик режимлар учун намуна сифатида кўрилаётган шундай шахсларга нисбатан ишонч уйғотмоқда. Зеро, мазкур шахс нафақат глобал жиҳод ва Исломнинг умумийлик ғоясидан воз кечиб, маҳаллий давлатчилик тушунчасини қабул қилганини очиқ эълон қилди, балки халқаро тизим билан ҳамқадам бўлган ҳамда ўзаро ихтилофдаги араб давлатлари ва яҳудий вужуди таъсиридаги воқеликка бўйсунадиган реалистик ва прагматик бошқарув тизимини жорий этишга тайёр эканини ҳам кўрсатди. Бундан ташқари, у мазҳабчилик ва ирқчиликка асосланган ички зиддиятлар, турли мазҳаб ва қарашларга эга диндор тоифалар ҳамда секуляр гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларни, шунингдек, қўзғолончиларнинг Ислом

шариатини ҳукмрон қилишга қаратилган талаб ва интилишларини қамраб олиб, ўз назоратига олишга тайёр эканини ҳам намоён қилди. Сурия ичида ва унинг атрофида юзага келган ва ҳеч қандай ҳолатда уйғунлаштириб бўлмайдиган зиддиятларга тўла манзара мамлакатни ўта мураккаб бир бўҳронга олиб кирган экан, Аҳмад Шара мазкур зиддиятларнинг ҳар бири устидан сиёсий манфаатлар асосида ўйин олиб бориш ва уларнинг тарафдорларига Туркиядаги бошқарув моделига ўхшаш тарзда мослашиш мумкин деб ўйлади.

Суриядаги ўтиш даври раҳбарини бундай нотўғри ва ҳалокатли йўлни танлашга ундаган нарса унинг Шом қўзғолонига қарши тил бириктирган, жинойтчи Башар Асадни қулашига қадар ҳимоя қилган давлатлар, айниқса Американинг розилигини излаб, уларининг кўрсатма ва шартларига бўйсунуши бўлди. Шу билан бирга, у қўзғолонни бағрига олган ҳамда унинг табиий ва кучли таянчи бўлган халқ базасидан юз ўгирди. Бундан ташқари, жинойткор режим ағдарилгандан сўнг Ислом ҳукмдорлигини барпо этишдек қўзғолоннинг асосий тамойилидан ҳам воз кечди.

Аҳмад Шаранинг принципиал (мабдаий) шахс эмаслиги, прагматизмнинг ўзи бўлган ақлий манфаатга асосланган сиёсатга таяниши, бошқарувининг исломий ечим билан боғлиқ аниқ концепциядан маҳрумлиги ҳамда Аллоҳ таоло ваъда қилган ғалаба ва ҳукмронликка бўлган иймони сустлиги — буларнинг барчаси у Сурияда амалга ошираётган сиёсатнинг асосий сабабларидан биридир.

Ечимни фикрат ва тариқат жиҳатидан қамраб олувчи тўлиқ ва равшан исломий лойиҳадан маҳрумлик, жаҳон сиёсий воқелигидан умуман, Ислом Умматининг ҳолатидан эса хоссатан беҳабарлик, шунингдек, Умматнинг ҳақиқий куч-қудрати ва синовлар қаршисидаги бардошини ҳамда Ислом душманларига қарши шу қудратдан фойдаланишини англамаслик — буларнинг барчаси сиёсатчини кучсизлик ва ожизлик ҳиссининг ўлжасига айлантириб қўяди. Бу эса уни Уммат эгаллаб турган қудрат манбаларини бой беришга мажбур қилиб, ўзини қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайдиган давлатларга мутлақ тобелик ботқоғига ботиради. Аслида эса у

шундай йўл тутиши билан хиёнат ботқоғига ғарқ бўлади ва оғир синовлар чоғида унга суянч бўладиган табиий таянчдан маҳрум бўлади.

Фикрлашни фақат миллий доира билан чеклаш Ислом Умматининг ўз муаммоларини ҳал этиш салоҳиятини зое қилди ва Суриянинг Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни барпо этишдаги таянч нуқта сифатидаги ролини издан чиқарди.

Сурия ва бошқа ўлкалардаги муаммоларнинг туб ечими — Аллоҳ таолонинг шариатини татбиқ этиш ва Унинг ҳукмларини жорий этишдир. Бу вазифани амалга ошириш осон бўлиб, уни таъминлайдиган барча зарур шарт-шароит ва асосий омиллар мавжуд. Зеро, ушбу сиёсий лойиҳани елкасида кўтариб бораётган сиёсий партия — Ҳизб ут-Таҳрирдир. Ҳизб Умматга етакчилик қилишга, масъулиятни ўз зиммасига олишга ҳамда Сурия ва бутун Ислом Умматини бу мураккаб бўҳрон ва ғарбга тобелик ботқоғидан олиб чиқадаган жасур ва тўғри қарорларни қабул қилишга қодир ва бунга лойиқдир.

Шунингдек, бу йўлдаги муҳим омиллардан яна бири Ислом Умматидир. Унинг бағрида Роббисининг розилигини излаётган, иззат ва шарафга ташна улкан инсон захираси мавжуд бўлиб, уларнинг қалбларида жиҳод олови ёнмоқда. Шу билан бирга, Уммат душманга қарши тура оладиган етарли ҳарбий салоҳиятга ҳамда улкан моддий имкониятларга эга. Зеро, Уммат эгалик қилаётган юртлар кенг ҳудудларга, табиий бойликларга, энергия манбаларига, озиқ-овқат ва сув захираларига ҳамда турли ресурсларга бойдир.

Режим қолдиқлари соҳилда мужоҳидларга хиёнат қилган кунда Шом кўзғолони аҳлининг кўтарилиши ва Сувайда вилоятида айрим дўзлар бадавий мусулмонларга хиёнат қилган пайтда Суриядаги, ҳатто Ироқ, Иордания ва Кўрфаздаги араб қабилаларининг ўз биродарларига ёрдам бериш учун жадал ҳаракатга келиши қуйидаги ҳақиқатларни яққол исботлади: Ислом Уммати кучларини сафарбар этиш ва улардан ёрдам сўраш, қўшни давлатлар билан чегараларни очиш, ҳатто уларни бутунлай бекор қилиш каби ишлар имконият доирасидаги ишлардир. Шунингдек, миллионлаб мужоҳидларни Америка, унинг арзандаси бўлган яҳудий вужуди ва АҚШнинг минтақадаги малай воситаларига қарши

курашга жалб этиш ҳамда ички агентларни йўқ қилиш бўйича ташаббус кўрсатиш амалий жиҳатдан мумкин бўлган ишлардан ҳисобланади. Сурия армияси қуроллари йўқ қилган ва биринчи бўлиб тажовуз бошлаган яҳудий вужудига қарши кенг кўламли уруш бошлашнинг ҳам иложи бор. Бундан ташқари, Фаластин аҳлини ичкаридан, Миср, Иордания ва Ливан муслмонларини эса ҳар тарафдан ҳаракатга келтириш мумкин бўлиб, бу ҳолат малай режимлар қўриқлаётган тузумларни ағдариш ва ҳатто уларнинг ўзини ҳам йиқитишга олиб боради.

Аллоҳнинг ваъдаси ва ёрдамига нисбатан иймони заиф бўлган айрим кишилар бу фикрни хаёлпарастлик деб ўйлаши мумкин. Аммо Ислом Умматининг тарихида шунга ўхшаш кўплаб жанг ва тўқнашувлар бўлганки, уларда муслмонлар Рум ва Форслардан иборат душманлари устидан ғалаба қозонганлар.

Агар биз Аллоҳга таваккул қилмасак ҳамда ўз салоҳият ва имкониятларимизни ишга солмасак, Америка ҳам, яҳудий вужуди ҳам бизни ҳеч қачон тинч қўймайди. Улар тажовузкор талабларидан воз кечмайди, аксинча, Умматни фалаж ҳолатга тушириб, қарор ва иродадан маҳрум этишга уринишади. Шунинг учун, Пайғамбаримиз ﷺ ва рошид халифалар тутган йўлга юзланиб, Роббимиз шариатини татбиқ этиш ва Ислом давлатини барпо этиш орқали динни қоим қилган ҳолда уларга қарши курашиш — муқаррар ва энг тўғри ечимдир. Зеро, дунё ва охирадаги нажотимиз, кофирларга тобелик занжиридан халос бўлишимиз айнан Ислом давлатида мужассам.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ وَأَنَّهُ إِلَٰهٌ مُّخْشَرُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг Росули сизни абадий ҳаёт берадиган нарсага даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар»

[Анфол 24] □

**ҚОДИРЛИК ВА УНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИ БАРПО БЎЛГАНИНИ
ЭЪЛОН ҚИЛИШ ҲАМДА ШАРИАТНИ ТАТБИҚ ЭТИШ
ВОЖИБЛИГИДАГИ ТАЪСИРИ
ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОЖИЗЛИКДАН УЗРНИ ЙЎҚҚА
ЧИҚАРУВЧИ ҚОДИРЛИККА
СУРИЯ ҚЎЗҒОЛОНИНИНГ ДАВЛАТГА АЙЛАНИШ БОСҚИЧИ
ҲАҚИДА СИЁСИЙ ФИҚҲ СОҲАСИДА ТАДҚИҚОТ: ОЖИЗЛИККА
ОҚЛОВЧИ БАҲОНАЛАР БИЛАН ВОЖИБНИНГ ТАҚОЗОЛАРИ
ЎРТАСИДА**

Соир Аҳмад Салома

Қодирлик – яъни қудрат ва имконият – Ислом шариатидаги асосий тушунчалардан бири саналади. Чунки шаръий таклиф ва унинг татбиқ доираси айнан қодирликка боғлиқ. Аллоҳ Таоло бандаларига улар қодир бўлмаган нарсани юкламасликка ҳукм қилиб,

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

«Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф қилмайди» [Бақара 286]

деди. Суннат ҳам ушбу асл ҳақиқатни Росулulloҳ ﷺ нинг

«مَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَاجْتَنِبُوهُ، وَمَا أَمَرْتُكُمْ بِهِ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ»

«Мен сизларни қайтарган ишдан тийилинг, сизларга буюрган ишларни қодир бўлганингизча бажаринг», деган сўзлари билан тасдиқлаган (Бухорий ва Муслим ривояти). Шунинг учун шариат хитоби тоқат ва қодирлик билан боғланган: ожизга масъулият йўқ, аммо қодир бўла туриб сусткашлик қилган кишига ҳеч қандай узр йўқ.

Ушбу тушунчанинг аҳамияти шаръий таклифнинг барча бобларида, жумладан, якка шахс ибодатларидан тортиб, шаръий рухсат, муомалаларгача, жиҳод ва давлат барпо этиш каби катта жамойи вожибларгача яққол намоён бўлади. Шу ерда бир муаммо кўринади: қодирлик мавжудлигини қандай аниқлаймиз? Агар қодирлик мавжуд бўлса, давлат эълон қилишни кечиктирмаслик вожиб бўладими ёки аксинча, узр мавжуд десак, бу вақтдаги шаръий вожиб нимадан иборат бўлади? Яъни, агар биз узрли бўлсак, уни илмоний давлат сифатида эълон қилиб, ишлар тизгинини Америкага топшираммизми?!

Ушбу тадқиқотда биз Қуръон ва Суннатдаги қодирлик нимага далолат қилишини таҳлил қиламиз; шахс, жамоа, давлат ва Умматнинг қодирлиги орасидаги фарқни ажратиб берамиз; қодирликнинг сиёсий фикрдаги аҳамияти, давлат барпо этиш ва шариатни татбиқ этиш ҳукмидаги таъсирини ўрганиб чиқамиз. Шунингдек, ожизликни сустлик учун баҳона қилиб олишни танқидий муҳокама қилиб, Ислом имконсиз нарсани талаб қилмаслигини, балки қодирликка эришиш учун ҳаракат қилишга буюришини баён қиламиз.

Воқеликда замонавий бир намуна сифатида, Сурия қўзғолонининг Аҳмад Шара ҳукмронлиги остидаги давлатга айланиш жараёнини кўриб чиқамиз. Бу жараён узоқ йиллик тўқнашувлардан тинка қурийдиган бир вазиятда, шаҳарларнинг вайрон қилиниши ва мустабидликнинг мерос бўлиб қолиши шароитида кечди. Кейин эса сионист вужуд қурол омборлари ва ҳарбий саноатга зарбалар бериб, раҳбариятни қувват асосларидан маҳрум этишга ҳаракат қилди. Шунга қарамай, ўта муҳим ижобий таъсир кўзга ташланди: халқ ўзгариш лойиҳаси атрофида жипслашди ва ишлар аввалги ҳолатига қайтмаслигига қатъий интилиш кўрсатди. Бу билан давлат улкан халқчилликка эга бўлди ва унинг орасига жосусларнинг кириши ёки тўнтаришлар орқали уни йиқитиш қийинлашди.

Оғир моддий босимлар билан халқнинг чексиз қўллаб-қувватлаши ўртасидаги ушбу тафовутдан, қодирлик фақат моддий куч билан чекланмаслиги, балки, у ўз моҳиятида жамоий онгнинг самараси ва сафларни бирлаштирувчи ақида эканлиги, ушбу онг ва ақида давлатнинг аввало ички, кейин эса ташқи барқарорлигини яратажаги аён бўлади.

Қодирлик масаласини ўрганишда уни шахсий қувватга хослаш ёки моддий ҳарбий куч билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Гўё улкан давлатга қарши мукаллаф (шаръий вазифалар юклатилган шахс)нинг бир ўзи уруш олиб боради, ёки рақиблар янги давлат билан тўлақонли уруш муносабатида бўлади, деган тасаввур нотўғри. Шариатда эътиборга олинадиган қодирлик анча кенг қамровли бўлиб, Уммат ёки давлат эга бўлган барча куч омилларини ўз ичига олади. Шу билан бирга, тўқнашувнинг табиати ва шакллари, эҳтимолий жавоблар ва уларнинг турли сценарийлари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Ислом давлати барпо этиш йўлидаги асосий тушунчалар ҳужжати:

Кириш

Ислом давлати барпо этиш тасодифий ҳаракат ҳам, сиёсий эҳтирослар ёки инқилобий тўлқинлар таъсирида қўйилган тажриба қадами ҳам эмас. Аксинча, у мураккаб шаръий жараён бўлиб, бу жараён барқарор ижтимоий қонунлар ва тарихий қоидаларга бўйсунганидек, айна вақтда, шариатнинг қатъий аҳкомларига ҳам бўйсундики, уларни четлаб ўтиш ёки уларга нисбатан айёрлик қилиш мутлақо мумкин эмас. Ушбу қонун-қоидаларни четга сурган ёки қатъий аҳкомларни эътиборсиз қолдирган ҳар қандай тажриба охир оқибат мағлубиятга ёки мақсаддан оғишга маҳкум бўлади, гарчи мавжуд ҳокимият ёки режимни ағдаришга муваффақ бўлган бўлса ҳам.

Биринчи тушунча: жамиятни ўзгартириш қонунлари ва унинг давлат қуришдаги таъсири

Тарихий ва шаръий таҳлил шуни кўрсатадики, жамиятлар ва бошқарув низомлари ўзгармайдиган ва алмашмайдиган барқарор ижтимоий қонунларга бўйсунди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ نَّجِدَ لِسْتَةِ اللَّهِ تَبْدِيلًا﴾

«Аллоҳнинг қонунини ҳаргиз ўзгартира олмассиз» [Аҳзоб 62]

Бу қонунлар тахмин билан эмас, балки аниқ ва холис қоидалар асосида ишлайди. Жумладан, янги давлат ўзи пайдо бўлган жамиятнинг табиий ўрни бўлади, ундаги ҳокимият эса Умматнинг ҳокимияти, ишончлари, фикрлари ва ўлчовларини акс эттиради. Шу билан бирга, бу қонунлар бўйича жамиятнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганиш ва унинг даъват билан қандай ўзаро таъсирда бўлиши эътиборга олинади.

Масалан, мустамлакачи кофир ўнлаб йиллар давомида жамиятнинг сақофати ва алоқаларини ўз назорати остида шакллантирди, ҳокимиятдаги назорат нуқталарини муайян жойларга яширди ва унга маълум фикрларни сингдирди. Бундай жамиятлар муайян фикрий курашга муҳтож. Улар зарур фикрлар, услублар ва воситалар ёрдамида ислоҳ этилади. Буларнинг барчаси табиий равишда қудратли жамият таянчи асосида Ислом давлатининг пайдо бўлишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонунларни четлаб ўтиш – масалан,

ҳарбий тўнтариш ёки хорижий аралашув орқали ҳокимиятга келиш, ёки жамиятни фикрий ва ақидавий жиҳатдан тайёрламасдан давлат қуриш – асоси заиф ва қулаши муқаррар давлатни келтириб чиқаради. Бундай давлат фақат ҳарбий куч ёки босқинчининг кучи билан ушлаб турилади ҳамда тазйиқ, уруш ёки оғир турмуш шароитларига дош бера олмайди. Аксинча, кескин ён беришлар йўлига ўтади, бу эса уни келажақда Ислом давлатига айланиш қобилиятидан маҳрум қилади.

Иккинчи тушунча: Ҳукм юритиш масаласида ҳеч қандай савдолашиш бўлмайди. Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм юритиш ҳаром. Шариатнинг ҳукм ва сиёсатга оид қатъий аҳкомлари фақатгина Аллоҳнинг шариати билан ҳукм қилишни буюради. Бу аҳкомлар босқичма-босқичликни ҳам, савдолашишни ҳам, танлаб татбиқ этишни ҳам қабул қилмайди. Улар мажбурийдир, зеро Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм қилиш Исломда қатъий ҳаром қилинган.

Моида сурасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритмаслик кофирлар, золимлар ва фосиқларнинг сифатларидан экани баён қилинган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмас экан, бас, улар кофирдирлар»

[Моида 44]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмас экан, бас, улар золимлардир»

[Моида 45]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмас экан, бас, улар фосиқлардир»

[Моида 47]

Бу нусуслар Аллоҳнинг шариати билан ҳукм юритмаганларни, шунга рози бўлганларни ёки Аллоҳнинг шариатини бошқа нарсага алмаштирганларни маломат қилган қатъий далиллардир.

Бундан ҳам хавфлироғи, Аллоҳ Таоло қуйидаги каломида келган нарса:

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا أُنزِلَ إِلَيْكَ وَمَا أُنزِلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَن يَتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«(Эй Муҳаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб даъво қиладиган (айрим) кимсаларнинг тоғутга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди» [Нисо 60]

Бу оят тоғутдан – яъни Аллоҳнинг шариатидан бошқасидан – ҳукм сўрашни ишташнинг ўзи иймон даъвосига зид эканига қатъий далолат қилади. Шунинг учун Аллоҳ уларнинг иймонини бор-йўғи «даъво» деб атади. Зеро, Аллоҳ нозил қилмаган нарсадан ҳукм сўраш истаги шариатга бўйсуниш асосига бутунлай зиддир. Энди тоғутни давлат конституцияси ва бошқарув низомлари сифатида қабул қилмоқчи бўлган кишининг аҳволи қандай бўлади?! Албатта, бу иш иймондан ниҳоятда узоқдир!

Ҳатто Аллоҳ Таоло Ўз шариатидан бошқача барча қонунларни «динсизлик ҳукмронлиги» деб атади:

﴿أَفَحُكْمَ الْجَاهِلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

«Динсизлик ҳукмрон бўлишини ишташадими?! Иймонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!» [Моида 50]

Бу оят Аллоҳнинг ваҳийсига асосланмаган ҳар қандай қонун «жоҳилият ҳукмронлиги» ҳисобланишини, бундай ҳукмни юзага келтирадиган ва мустаҳкамлайдиган сиёсий тизимда иштирок этиш уни улўғлаш ва қабул қилишда иштирок этиш билан баробарлигини англатади. Ҳолбуки, мўмин бундай бошқарувдан воз кечишга ва унга ишонмасликка буюрилган.

Аллоҳ Таоло Ўзига бўлган иймонни Унинг шариатини ҳакам қилиш билан боғлаб бундай деган:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Йўқ, Роббингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар» [Нисо 65]

Бу оят ҳақиқий иймон фақат Росулulloҳ ﷺнинг Суннати ва шариатини ҳакам қилиш билангина тўлиқ бўлишини, ундан бошқасини ҳакам қилиш иймон асосига зидлигига далолат қилади.

Давлат барпо этилгандан ёки ҳокимиятга келгандан кейин шариатни босқичма-босқич татбиқ этиш мумкин, деган даъво, аслида, Аллоҳ нозил қилмаган нарсa билан ҳукм юритишни вақтинча қабул қилишни англатади. Бу эса ҳеч қандай таъвилни қабул қилмайдиган қатъий нусуслар билан ҳаром қилинган. Бу нусуслар мутлақдир, замон, шароит ёки сиёсий манфаат билан қайдланмаган. Айримлар шариатнинг ароқ ва бошқа нарсаларни босқичма-босқич ҳаром қилганини далил келтирадилар. Бироқ бу ҳолат дин ҳали мукаммал бўлмай, ҳали ваҳий нозил бўлаётган босқичдаги ҳолат эди. Росулulloҳ ﷺнинг вафот этиши билан Аллоҳ динни комил қилгандан кейин эса, шариатнинг ҳар бир ҳукми биринчи кунданоқ кечиктирилмай ёки тўхтатилмай амалга оширилмоғи вожиб.

Саҳобалар фатҳ қилган шаҳарларда Исломни ҳеч қандай босқичма-босқичсиз ёки жоҳилият қонунларини ёки уларнинг баъзиларини қолдирмаган ҳолда динни тўлиқ ва бирданига татбиқ этишга ижмо қилганлар. Шунингдек, босқичма-босқичлик баҳонаси билан ботил қонунларни вақтинча қолдириш одамлар онгида уни мустаҳкамлайди, унинг умрини узайтиради, Умматнинг ўзгаришга бўлган рағбатини сўндиради ва муваққатни абадийга айлантиради. Исломда қатъий нусусга зид келадиган ҳеч қандай ҳақиқий манфаат мавжуд эмас. Аксинча, шаръий манфаат Аллоҳ ва Унинг Росули ҳукм қилган нарсанинг айнан ўзидир.

Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ шариатдан бошқа нарсага боғланган ҳар қандай ҳукмни рад этишда энг олий ибрат

кўрсатганлар. У зотга Маккада ҳукмдорлик қилиш ва ҳокимиятдан бир қисм бериш таклиф қилинди, бироқ бу таклиф даъватнинг бир қисмидан воз кечиш, баъзи аҳкомларни кечиктириш ёки ширк шиорларидан баъзисини сақлаб қолиш шарти билан боғлиқ эди. Росулulloҳ ﷺ бу таклифни қатъий рад этдилар. Шу муносабат билан Аллоҳ Таоло қиёмат кунигача асосий қонун бўлиб қоладиган тўлиқ бир сурани нозил қилди. Бу сура Аллоҳ нозил қилмаган нарсалар билан ҳукм юритишни – қандай васваса ёки қандай нарх бўлишидан қатъий назар – рад этиш учун нозил бўлди:

﴿قُلْ يٰٓأَيُّهَا ٱلْكَافِرُونَ ﴿١﴾ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٢﴾ وَلَا أَنتُمْ عٰبِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٣﴾ وَلَا أَنَا عٰبِدُ مَا عٰبَدْتُمُ ﴿٤﴾ وَلَا أَنتُمْ عٰبِدُونَ مَا أَعْبُدُ ﴿٥﴾ لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ﴾

«(Эй Муҳаммад), айтинг: «Эй кофирлар! Мен сенлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. Ва сенлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмассанлар. Мен сенлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. Ва сенлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмассанлар. Сенларнинг дининг ўзларинг учун, менинг диним ўзим учундир!» [Кафирун 1-6]

Бу – иймон, шариат ва Ислом тўзуми билан куфр эътиқодлари, қонунлари ва тўзумлари ўртасини тўлиқ ва якуний ажратиш эълони бўлди. Аллоҳ Таоло сура охирида

﴿لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِيَ دِينِ﴾

(Сенларнинг дининг ўзларинг учун, менинг диним ўзим учундир!), деган каломи билан масалани ўзил-кесил ҳал қилди. Бу эса Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм қилишни ҳам, унда савдолашишни ҳам қатъий ман қилган илоҳий эълондир.

Ўша пайтда мўминлар кофирлар томонидан кечаю-кундуз қаттиқ қийноқларга солиниб, аҳволлари жуда оғир бўлганига қарамай, қодирлик ва тоқат ҳақидаги аҳкомлар фақат шариат талаб этган ишлар билан боғлиқ бўлди, ман қилинган ишларга асло боғлиқ бўлмади. Чунки ман қилинган ишда куч етмайди ёки имкон йўқ дейишга ҳеч йўл йўқ. Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилганлар:

«مَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَاجْتَبُواهُ، وَمَا أَمَرْتُكُمْ بِهِ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ»

«Мен сизни қайтарган ишдан тийилинг, сизларга буюрган ишимни эса қодир бўлганингизча бажаринг». Бошқа бир ҳадисда бундай деганлар:

«إِذَا أَمَرْتُكُمْ بِشَيْءٍ فَأَتُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ، وَمَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا»

«Агар мен сизларга бир ишни буюрсам, қодир бўлганингизча бажаринглар, сизларни бир нарсадан қайтарсам, ундан тийилинглар». Демак, буйруққа итоат қилиш қодирликка боғлиқ, аммо қайтарилган иш мутлақо тарк этилиши лозим.

Бу Аллоҳ нозил қилмаган нарса билан ҳукм юритиш учун келтириладиган ҳар қандай оқлов мутлақо ботил эканини, ҳатто битта масалада ҳам унга йўл йўқлигини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Зеро, ҳаромни тарк этиш қодирлик доирасига киради, ҳатто шариат уни умуман қодирликка боғламади. Росулulloҳ ﷺ билан саҳобалар жуда оғир шароитларда ҳам собитқадам бўлдилар ва зарурат ёки ожизлик баҳонаси билан ҳаромга йўл қўймадилар.

Росулulloҳ ﷺ Бани Шайбон қабиласининг ёрдам таклифини рад этдилар. Чунки улар қўйган шарт даъватни етказишнинг умумийлигига ва диннинг барча жиҳатлари билан барпо қилинишига зид эди. Улар даъватни фақат араблар билан чеклаб, форсларни истисно этишни талаб қилдилар. Бу воқеа вазъий (инсон ўйлаб топган) қонунлар билан чекланган ҳар қандай бошқарувни қабул қилиш ботил эканини кўрсатади. Ҳатто агар у ўзгаришга биринчи қадам сифатида даъво қилинса ҳам, у аслида ботилни мустаҳкамлайди ва Аллоҳнинг ҳукмронликдаги ҳаққини йўқ қилади.

Уларнинг «тадарруж (босқичма-босқич) баъзи аҳкомларни бугун, қолганини эса кейинроқ татбиқ этишни англатади», деган даъволарига келсак, бу куфр қонунларини босқичма-босқич татбиқ этишни оқлашни англатади. Бу ҳолда улар вақтинча деган баҳона билан – аслида у вақтинча эмас – ботилни чиройли қилиб кўрсатиб, уни татбиқ этишдан нафратланиш руҳини сўндиришади. Устига-устак, бу даъво эгалари Исломдан шахсий ҳолатлар билан боғлиқ баъзи аҳкомлардан бошқа ҳеч нарсани умуман татбиқ этишмайди. Бу татбиқ Ғарбнинг аксар аҳкомларни вазъий қонунлар билан

ҳукм чиқарадиган «низомий судлар» қўлига топширишга ва шаръий судни фақат шахсий ҳолатлар доирасида чеклаб қўйишга қаратилган жадал ҳаракатларига ёрдам бўлади. Натижада мусулмонлар ўз низоларини ҳал қилиш учун вазъий қонунларга асосланган низомий судларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар ва Ислом асосида ҳал қилишдан тўсиладилар. Бу эса исломий юртларда вазъий қонунлар ҳукмронлигини мустаҳкамлайди ва «Аллоҳнинг шариатидан ҳукм сўраш вожиб, тоғутдан ҳукм сўраш ҳаром» деган асосий ақидавий асосни йўққа чиқаради. Одамлар ўртасидаги низоларни ажрим қиладиган вазъий судлар ҳокимиятини тан олиш уларнинг мусулмонлар ҳаётини тартибга солишда қонуний устунлигини тан олишдир.

Бу улкан асл-асосдир: ақида ёки шариат борасида ён беришлар ҳеч қандай ҳолатда жоиз эмас. Ҳатто ён бермаслик давлат барпо этилишини кечиктирса ҳам, ёки унга эришиш йўлини оғирлаштиради ҳам, асл-асос ўз кучини йўқотмайди. Айрим исломий ҳаракатлар эллик йилдан кўпроқ вақтдан бери Исломни босқичма-босқич татбиқ этиш ширини олдинга суриб келмоқда. Бироқ шу ширини натижасида биз фақат динсизлик қонунларини қабул қилиш, «вазият оғир», «ҳикмат» ва «эҳтиёткорлик» деган баҳоналар билан Ислом ва унинг аҳкомларидан узилишдан бошқа нарсани кўрмадик. Ҳамон шариатни ҳакам қилиш йўлида самара берган бирор муқобил қадамни кўрмадик.

Учинчи тушунча: Жамиятни ўзгартиришда Росулulloҳнинг тариқати фарздир, бу борада танлов йўқ

Миср режими ағдарилгандан кейин «Ихвон» жамоасининг шариатни ҳакам қилишга тайёрлигини кўрсатиш учун қўллаб-қувватловга муҳтожлигини кўрдик. Бу, ўз навбатида, уларни оммавий ахборот воситалари босими остидаги тупикка киритиб қўйди, улар жамоани шариатни ҳакам қилиш нияти йўқлигини очиқ айтишга мажбур қилди. Худди шу нарсани Тунисда Наҳза ҳаракатида ҳам кўрдик. Наҳзачилар «сиёсий Ислом уларнинг даъватида йўқ» эканини даъво қилишди, ҳукуматда иштирок этган даврларида эса диққатни миллий демократик давлат қуришга қаратишди ҳамда Халифалик ва шариатни татбиқ этиш йўналишидаги ҳар қандай ҳаракатни рад этишди. Замонавий тарихда кузатилган бу ҳал қилувчи босқичлар шуни яққол

кўрсатадики, ўзгартириш йўлида ҳар қандай ҳаракат Росулulloҳ ﷺ нинг йўлидан четга чиқса, беқарор тўфон шамоли ичига тушади ва давлатнинг табиий ва муқаррар туғилиши ҳамда жамиятдаги таянчи ва таъсиридан оғади.

Росулulloҳ ﷺ нинг тариқати бўйича, иш аввало ўзгартириш билан шуғулланувчи илғор уюшма қуриш ва уни сақофатлантиришдан бошланади. Кейин фикрий ва сиёсий кураш орқали жамиятда Ислом ҳақида раъйи ом пайдо қилинади. Бу раъйи ом жамиятдаги қудрат нуқталарига таъсир ўтказишга кифоя қиладиган даражада ўзгариб, давлатни тиклашдаги исломий сиёсий лойиҳани қўллаб-қувватлаши зарур. Айни қадамлар Қуръон ва Суннатдан тўғридан-тўғри олинган зарурий қадамлар бўлиб, фақатгина тактик йўл эмас, балки шаръий фарзлардир. Қуръони Карим ўзгариш ишларининг тафсилотларини юксак аниқлик билан баён қилди ва фикрий кураш тафсилотларини зикр этди, уни қатъий оятлар билан қувватлади. Маккада ҳақ ва ботил ўртасидаги курашни бошқариб, йўналтирди. Буюк оятлар нозил бўлиб, фикрий ва сиёсий курашнинг асоси бўлди ҳамда Росулulloҳ ﷺ га ҳокимият учун нусрат талаб қилишни ва Аллоҳ Таолонинг каломини ёритишни буюрди. Росулulloҳ ﷺ нинг йўлини аниқ ҳужжатга эга бўлган равшан тушунилувчи йўл сифатида баён қилди:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي ۖ وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поқлайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман» [Юсуф 108]

Бу оят

﴿هَذِهِ سَبِيلِي﴾

(Менинг йўлим шудир).

﴿أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي﴾

(Мен ва менга эргашган кишилар) дея Росулulloҳ ﷺ нинг даъват йўлидан четга чиқиш мумкин эмаслигига ишора қилади. Бинобарин, агар биз у зотнинг даъват қилиш ва давлат қуриш

тариқати бўйича юрмасак, тариқатга хилоф қилган ва бошқа йўлга ўтиб кетган бўламиз. Ушбу тариқат аҳкомлари Суннатдан ҳам олинади ва унда тариқат аҳкомлари мазкур ишлардан четга чиқишни ман этади. Тариқат аҳкомлари сийратдан ҳам олинади. Сийрат бизга Росулulloҳ ﷺнинг қийинчиликка қарамай, айнан шу ишларга қаттиқ туриб, бошқа йўлларни рад этганини етказган. Шу йўлга эргашиш давлатнинг онгли халқ базасига таянган ҳолда барпо этилишини кафолатлайди ва уни биринчи кризисдаёқ парокандалик ёки емирилишдан асрайди. Ҳизб ут-Таҳрирнинг ушбу манҳажни қабул қилиши бутун Ислом оламида, айниқса Шомда, Ислом давлатини интизорлик билан кутаётган раъйи омни шакллантиришда катта таъсир кўрсатди. Бу, Шом мусулмонларининг шариатни татбиқ қилиш зарурлигига бўлган табиий иймониға қўшимча омил бўлди. Демак асос мана шуларнинг барчаси устига қурилиши ва шариатни татбиқ этиш учун мавжуд бўлган халқ базасидан фойдаланиш керак. Куфр ва Баас режими қулагандан кейин – «Сурия ва бошқа юртларда раъйи ом Ислом билан ҳукм юритишга тайёр эмас» деган даъво билан – янги илмоний ҳукумат ўрнатилиши эмас.

Тўртинчи тушунча: қамал ва назоратга қарши туриш учун моддий ва сиёсий тайёргарлик зарурияти

Замонавий воқелик шуни кўрсатдики, мустамлакачи кучлар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ҳар қандай давлатни илк пайдо бўлган пайтдаёқ сиқувга олиб, ўз тизимига қўшилишга мажбур қилади. Янги пайдо бўлган Ислом давлати ўз манбалари хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини муҳофаза қилиш ҳамда энергия ва транспорт ресурсларини назорат қилиш учун аниқ режаларга эга бўлиши шарт. Акс ҳолда, у шартли қарзлар, чекловчи шартномалар ҳамда сақофий ва таълимий тобеликнинг қурбони бўлиши муқаррар.

Бешинчи тушунча: режимни қулатишнинг ўзи етарли эмас, албатта мукаммал альтернатива бўлиши шарт

Ҳокимни ёки бутун режимни ағдаришнинг ўзи ҳақиқий нусрат эмас. Агар биринчи кунданоқ татбиққа тайёр мукаммал шаръий альтернатива – яъни шариатга асосланган дастур, бошқарув низоми, иқтисод низоми ва сиёсат – мавжуд бўлмаса, нусрат ҳақиқий саналмайди. Акс ҳолда, пайдо бўлган бўшлиқни ё навбатдаги мустабид тузум ёки халқаро васийлик

ёхуд аввалги режимнинг янгича қиёфада қайта тикланган шакли тўлдиради. Эски илмоний капиталист ҳокимият Умнат ишларини бошқаришда муваффақиятсизлигини исботлади ва унга бахтсиз ҳаётни, иқтисод, суд, жазо ва бошқа соҳалардаги муваффақиятсизликни мерос қилди ҳамда унинг жаҳон мустамлакачилик тизимига боғлиқлиги исботланди. Шунинг учун бу режимнинг янгича қиёфада қайта саҳнага чиқиши воқеликни фақат таъсирсиз шаклий ўзгаришлар билан чеклайди, аммо уни ўзгартирмайди ва шариатни татбиқ этишга заррача ҳам яқинлаштирмайди.

Олтинчи тушунча: «Нуқсонли қодирлик» ва унинг хатони мустаҳкамлашдаги таъсири

Агар исломий ҳаракат ҳокимиятга келиб, шариатни татбиқ этиш учун тўлиқ қудратга эга бўлмаса, у «нуқсонли қодирлик» тузоғига тушади. Бу ҳолат қуйидагилар сабабли юзага келиши мумкин: уни қулатиш уринишларига қарши туриш учун тайёргарлик ёки стратегик режаларнинг йўқлиги; раҳбарият билан Умнат ўртасида бирдамликни таъминлайдиган раъйи омни фаоллаштирмаслик; барча исломий юртларда даъват ва ўзгариш ишларини бажариш орқали Умнатда табиий асос яратишни эътиборсиз қолдириш; Халифалик барпо этилганда уни қўллаб-қувватлайдиган раъйи омни тайёрламаслик; шу қўлловни амалга ошириш учун мустамлакачиларга босим қилиб, уларни бўйсунтиришга мажбурлайдиган соғлом амалий режа ишлаб чиқмаслик. Ушбу «нуқсонли қодирлик» зарурат ёки босқичма-босқич, деган баҳоналар билан илмоний бошқарувни давом эттиришни оқлайди. Аслида эса бу Умнатни бир хатодан каттароқ хатога олиб боради ва Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатишни асоссиз кечиктиради. Натижада улар Исломни ҳаётга татбиқ этишмаганидан келиб чиққан фожиалар ва унинг жамиятдаги иллатлари учун ҳокимият соҳиби сифатида жавобгар бўлишади. Ислом билан ҳукм юритмаслик, табиийки давлатда илмоний конституция ва қонунларни жорий этишни тақозо этади. Бу эса уларнинг ўзларини ёки шу қонунларни чиқарганларни Аллоҳдан бошқа илоҳ қилиб олишаётганини ва шу тариқа Аллоҳга хос ҳукмронликка шерик бўлишаётганини англатади.

Маҳаллий ёки халқаро вазиятлар, мажбурлик ёки ожизлик каби баҳоналар билан куфрга чақириш ёки унинг қонунларини

татбиқ этишни оқлаш шаръан ножоиз. Бу энг катта ҳаром амаллардан биридир. Бундан ҳам каттароқ ҳаром – мажбурлик ёки ожизлик сабабли куфрни татбиқ этишга рухсат бор, деб Исломга тўхмат қилишдир. Ахир бу ерда қандай мажбурлик бўлиши мумкин?! Ўнлаб йиллар давом этган мустабид бошқарувни тугатишга қодир бўлиб, ўз қудрат ва имкониятлари билан режим армиясини, юз минглаб қабилалар қўшинлари ва фракцияларни «енган» кимсанинг «мажбурмиз», деган даъвосига ким ишонади?! Ҳолбуки, ўзи ҳокимиятдан ташқарида эди, энди ҳокимият тепасига келиб олиб: мен қодир эмасман, Исломни татбиқ қила олмайман, деб турибди! Кейин очиқ-ойдин: мен куфрни татбиқ этишга мажбурман, деяпти ва шу асосда қонунлар чиқаряпти. Ожизлик ҳолатидан ҳукмдорликка чиқиб олиб, Уммат душманларидан ёрдам сўраяпти, улардан «яхши хулқ-атвори учун мақтов» олиб, шу орқали уларнинг розилигига ва кўнглига йўл истаяпти!

«Мажбурлик»нинг маъноси ҳақида Ибн Обидин ўзининг «Ҳошия»сида (5/45) шундай дейди: «Мажбурликдан мақсад – киши агар ҳаромни қилмаса, ўз жонига ёки бирор аъзосига ҳалокат хавфи туғилса». Шунингдек, «чиқиш йўлининг йўқлиги» шарти ҳақида Қарофий «Анвор ул-Буруқ»да (4/200) шундай дейди: «Икки зарардан енгилроғини қилиш фақат зарардан умуман қутулиш имкони бўлмагандагина жоиз. Агар иккаласидан ҳам қутулиш мумкин бўлса, улардан ҳеч бирини қилиш жоиз эмас». Фуқаҳоларнинг кўпчилиги зарарни ўзига тенг ёки ундан ҳам оғир зарар билан бартараф этиш мумкин эмаслигига қарор қилганлар. Хўш, куфр бошқарувига қонунийлик либосини кийдиришдан, уни жамиятга куч билан тиқиштирилган «ташқи мажбурият» мақомидан чиқариб, «ички ихтиёр» мақомига кўчиришдан ҳамда олдин унга қарши чиққан одамлар кўзидан уни чиройли қилиб кўрсатишдан оғирроқ қандай зарар бўлиши мумкин?!

Шаръий мажбурлик ҳеч қачон жамият миқёсида бўлмайдиган, балки шахсий ҳолатда бўлади, ўлакка гўштини ейиш каби. Имом Шотибий шундай дейди: «Заруратлар ҳаромни фақат ўз миқдоридагина мувоҳида қилади». Яна шундай дейди: «Рухсат ҳеч қачон доимий асосга айланиши жоиз эмас».

Еттинчи тушунча: Онгли раъйи ом Ислом давлати барқарорлигининг кафолатидир

Умматнинг вақтинчалик ҳаяжони асосида, исломий фикр ва тушунчаларни Уммат ичида мустаҳкамламасдан тузилган давлат тез орада сиёсий ва диний қонунийлигини йўқотади. У раҳбарият билан Уммат ўртасидаги онгли ҳамкорлик ўрнига мажбурловчи хизматларга таянади. Яъни ўзгаришни жорий қилиш учун қонунларга таянади. Бу эса унинг ички яхлитлигини заифлаштиради ва ташқи таъсирлар учун очиқ қилиб қўяди. Чунки, Ислом йўли аввало ақидалар ва қарашларни ўзгартиришга асосланади. Шунда ўзгаришнинг манбаи Умматнинг ўзи бўлади.

Саккизинчи тушунча: янги раҳбарият ичида мустамлакачиликни қайта тиклаш

Янги раҳбарият аниқ режа ва қарашга эга бўлмаса, йирик давлатлар уни ўз халқаро тизимига тортиб кетади. Натижада уни хавfli шартномалар ва қарзлар ботқоғига ботиради, иқтисодиёт ва инфратузилмасини ғарб манфаатларига боғлаб қўяди ҳамда Исломга зид хавфсизлик ва сақофий сиёсатларни зўрлаб тиқиштиради. Шу тариқа ташқи кўринишдаги «нусрат» ўзгаришни мазмундан холи қиладиган стратегик ён беришлар занжирига айланади.

Хулоса

Исломий давлат барпо этишга қаратилган ҳар қандай лойиҳа агар шу тушунчаларни англаш ҳамда уларнинг шаръан ва Суннатга кўра зарурлигини қабул қилишга таянмаса, дастлаб қанчалик кучли кўринмасин, барибир заиф ва беқарор бўлиб қолаверади. Росулulloҳ ﷺнинг тариқатларини маҳкам тутиш, фикрий, моддий ва жамиятга оид тайёргарликни таъминлаш ҳамда шариат билан ҳукм юритишда ҳар қандай савдолашишдан бош тортиш – ана шу ишларгина мустаҳкам асосга эга, назоратни қабул қилмайдиган ва дунёга ўз рисоласини етказишга қодир давлатни барпо этишнинг ягона кафолатидир. □

**СИЁСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА СИЁСАТ ЮРИТИШ УЧУН ЗАРУР
БЎЛГАН АСОСИЙ ШАРТЛАР (4)
ХАЛҚЛАРНИНГ ТАРИХИ, СИФАТЛАРИ ҲАМДА КЕЛИШУВ ВА
КУРАШЛАРИ**

Луқмон Ҳарзуллоҳ – Фаластин

Тарих ўрганилаётганда, ўрганувчи ундан фойдалисини ажратиб олиши, фойдасизини четга суриши зарур. Бу ажратиш унинг тарихни ўрганишини шу ўрганишдан кўзланган мақсадга боғлаш билан бўлади. Масалан, агар мақсад адабиёт ва балоғат бўлса, у ўз умматининг ёзувчилари тарихига шўнғиб таҳлил қилади. Агар кўнгилочарликни истаса, халқ афсоналарига шўнғийди. Агар қизиқиш уни етакласа, тарихда жавоби йўқ масалаларни излайди. Аммо сиёсатчи бу йўللарга кирмайди, балки унинг мақсади унга кўрсатган йўналиш бўйича юради. Бу йўналиш – кечаги сиёсатни ўрганишдир.

Тарих:

Халқлар, давлатлар ва етакчилар тарихи – ишларни бошқариш ва вазиятларни ўзгартиришга оид ҳолатлар ҳақидаги хабарлардир. Улар ўз вақтида сиёсий воқеалар бўлган бўлса, ҳозир тарихга айланган. Халқлар, давлатлар ва етакчилар тарихини ўрганиш турли соҳаларда фойда беради. Етакчилар тарихи амалий сиёсат билан шуғулланадиган сиёсатчининг онгини кучайтиради. У воқеалар йўналишини ўзгартирган, юртини инқироздан олиб чиққан, халқини кулфатдан асраган ёки уни тараққий эттириб, етакчи давлатлар қаторига олиб чиққан етакчиларнинг ишларига назар солади. Бу эса сиёсатчига сиёсатда мумкин бўлган нарса воқелик эканини ва воқелик сиёсатчи қўлида қандай шаклга кириши мумкинлигини тасдиқлаб кўрсатади. Давлатлар тарихи сиёсатчига халқаро мувозанатнинг ривожланиши, халқаро урф-одатлар ва қонунларнинг шаклланиши ҳақида бевосита амалий тажриба тақдим этади. Шунингдек, у сиёсий йўналишларни ва белгиланган сиёсатларни амалга ошириш учун тарих давомида қўлланилган самарали воситалар ҳақида муҳим маълумот беради. Халқлар тарихини ўрганиш сиёсатчига халқлар ва умматлар ҳақида, уларнинг хислатлари ҳамда халқларга оид воқеаларнинг уларнинг хислатлари билан қандай боғлиқлиги ҳақида қарашни тақдим этади.

Ҳозирги дунё етакчилари аксарият ҳолларда ўз халқларининг тарихий етакчиларидан илҳом олишади. Ислом Уммати етакчилари эса Росулulloҳ ﷺ дан, у зотдан кейинги халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али улардан, шунингдек, Умнат ва давлат ишларини самарали бошқарган сиёсий халифалар Ҳорун ар-Рашид ва Сулаймон Қонуний] кабилардан илҳом олганлар. АҚШ етакчилари ўз қатъияти ва сиёсий йўналишларини Америка давлатини қурган, унинг бирлигини сақлаган ва уни дунёда етакчи давлатга айланишига асос солган дастлабки етакчилар Жорж Вашингтон ва Авраам Линкольн кабилардан илҳом олишади. Россия етакчилари жасоратлари ва сиёсий йўналишларида Пётр I ва Екатерина каби тарихий етакчиларидан илҳом олишади. Шу боис тарихни ўрганиш ёш етакчилар учун ибрат намуналарини белгилашда муҳим аҳамият касб этади ҳамда уларни фидокорлик ва куч борасида ўзлари ибрат олаётган кишиларга эргашишга ундайди.

Биз учун мазкур тадқиқотда энг муҳим жиҳат сиёсий тушунча ва сиёсат белгилашда тарихдан фойдаланиш. Шу боис, ўз умматимиз ва дунёда таъсир кучига эга халқлар тарихини ўрганишимиз зарур. Бу ўрганиш халқлар тарихининг барча тафсилотларига эмас, фақат муҳим нуқталарига эътибор қаратишни тақозо қилади. Бу қуйидагича амалга оширилиши лозим:

Биринчидан: ҳар қандай умматнинг пайдо бўлганидан то ҳозиргача бўлган тарихини умумий тарзда тадқиқ этиш. Бу изланиш умматнинг пайдо бўлганидан бери унга ҳамроҳ бўлиб келган хусусиятлар ҳақида аниқ тасвир беради. Бу эса муайян уммат ҳамда унинг уйғониш ва муваффақиятсизлик давлари ҳақидаги қарашимизга таъсир кўрсатади. Агар бир умматда етакчилик, матонат, ўз масъулиятини адо этиш ва бошқалар масъулиятини ҳам зиммасига олиш каби сифатлар мужассам бўлса, бундай уммат ҳеч қачон йўқолмайди. Агар у қуласса ҳам, тез орада парокандалигини тузатиб, ўзини жамлайди ва дунёни ўз йўлида тарбиялайди.

Агар бир умматда маккорлик ва айёрлик, бошқалар билан кучли алоқалар ўрнатиш, дўст топишда осонлик ва душманларни нейтраллаштириш каби сифатлар мужассам бўлса, бундай уммат дунё учун офатга айланади. У ўз манфаати

йўлида фақат бахтсизлик ва уруш олиб келади. Агар бир халқда маккорлик, қўрқоқлик ва фитнани одат қилиш сифатлари мужассам бўлса, у назорати остидаги ҳар қандай давлат учун беқарорлик манбаи бўлади. Шунинг учун унга ҳар қандай давлатда раҳбарлик мавқеини эгаллаш ман этилиши лозим.

Иккинчидан: халқлар тарихидаги муҳим ўзгаришларни юзага келтирган ҳал қилувчи нуқталарни, уммат фойдасига ёки зарарига ўзгаришлар содир бўлган бу нуқталар вақтидаги дунё ҳолатини ўрганиш зарур. Сиёсатчи бу билан халқаро вазиятнинг ўзгаришини англайди ва бир умматнинг юксалишини, бошқа умматнинг қулашини олдиндан кўради.

Масалан, Ҳудайбия сулҳи Ислом Уммати тарихида ҳал қилувчи воқеа бўлди. Ундан кейин дунё подшоҳларига мактублар юборилди. Қодисия ва Ярмук жанглари эса исломий давлатнинг жаҳон майдонига чиқишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Константинопол фатҳи ҳам Уммат тарихида ҳал қилувчи воқеа бўлган. Бунинг муқобилида, Пётр Iнинг Усманий давлатга қарши Азов денгизи ҳудудида олиб борган уруши – у ерда Қрим татарларига денгиз орқали ёрдам келишини тўсиш мақсадида порт қурилган – Россия подшоҳлиги тарихидаги ҳал қилувчи воқеалардан бири бўлган. Шунингдек, Америка инқилоби ортидан Америка Қўшма Штатлари вужудга келди. Икки жаҳон уруши ҳам тарихда ҳал қилувчи воқеалардан бўлди. Бу ҳал қилувчи нуқталар халқаро вазият, унинг ўзгариши ва ўзгариш сабаблари, айрим давлатларнинг заифлашиши ва бошқаларнинг кучайиши, шунингдек давлатлар бошқаларга қарши тузган сиёсий найранг ва тузоқлар ҳақида тасаввур беради. Албатта, тарих ўзини такрорлайди, ҳар гал турли кўринишда бўлса ҳам.

Учинчидан: умматларни ўраб олган хавф-хатарларни, уларга қарши олиб борилган асосий урушларни, уларнинг тарихий душманларини ва урушларда душманлар кириб келган заиф нуқталарни ўрганиш зарур.

Россия Европани фақат душман деб билади ва тарих буни тасдиқлайди. Чунки Европа Россияга қарши уч марта катта уруш очган: Швеция қироллиги бошчилигидаги Буюк Шимолий урушда, Наполеон қўмондонлигидаги Бородино жангида ва Гитлер Иккинчи жаҳон урушида у ерга бостириб кирганда. Эътиборга молик жиҳат шундаки, Россияга учала марта ҳам

ғарбий дарвозасидан бостириб кирилган. Шу сабабли у ғарбий дарвозасини ҳимоя қилишни тақдирий масала деб билади. Шу боис, Украина НАТОга аъзо бўлишни талаб қилганида, Россия ўта кескин қарши турди. Бу эса Америка турткиси билан ушбу нуқтани алангалатиш учун қилинди ва ниҳоят у 2022 йилда алангаланди.

Тўртинчидан: яқин тарихни ўрганиш зарур, чунки у ҳозирги масалалар билан ўзвий боғлиқдир. Бунинг учун давлатлар амалга оширган сиёсий лойиҳаларни – улар ҳали ҳам давом этмоқдами ёки муваффақият ё мағлубият билан тугаганми, мана шу жиҳатларни – ўрганиш лозим.

Агар муайян масалага оид воқеаларнинг тарихи маълум бўлмаса, ўша масаланинг тарихини ҳисобга олмасдан қилинган ҳар қандай жорий вазият таҳлили чала таҳлил бўлади. Чунки масаланинг тарихи билинмас экан, унинг барча қирралари тўлиқ очилмайди. Масалан, Фаластин масаласига назар солинса, унинг тарихи инглизлар бу ҳудудни мақсад қилиб белгилаган пайдан, ишғол қилиниши ва яҳудийларга берилгунига қадар пухта ўрганилиши зарур. Кейин ундан айрим қисмлар устидан Иордания ва Мисрга бошқариш ҳуқуқи берилгани, «бир давлат» ва «икки давлат» лойиҳалари, яҳудийларнинг Иордания билан муносабатлари ва Фаластин масаласи давомида Иорданияга нисбатан қарашлари, икки давлат ечимига эришиш учун америкаликлар амалга оширган режалар таҳлил қилиниши лозим. Бу жараён 1950 йил Фаластинни икки давлатга бўлиш ғоясини қўллаб-қувватлашдан бошланиб, 1959 йил икки давлат лойиҳасини қабул қилиш, 1994 йилда Осло келишувини ўз манфаатига йўналтириш орқали давом этди ва ниҳоят 2020 йилда «Аср битими»га етиб келди. Шунингдек, Араб тинчлик ташаббусидан нормаллашувга, сўнгра тинчликка ўтиш, яҳудийларнинг сиёсий йўналишлари Иордания ва Саудия ўртасида ўзгариб туриши, уларнинг садоқатлари Британия ва Америка ўртасида алмашиб тургани, сўнгра Америка сиёсий саҳна устидан назоратни қўлга олгани, сўнг АҚШдаги икки партиянинг бўлиниши ва уларнинг ҳар бири яҳудийлардан маълум бир тарафни қўллаб-қувватлаши ҳам ўрганилиши лозим. Шу тариқа, ҳар қандай янги воқеа юз берганда, унинг контексти тушунарли бўлади.

Жуда муҳим бир масалага эътибор бериш зарур: тарихда воқеалар билан ҳақиқатлар кўпинча аралашиб кетади. Баъзи воқеалар бирон-бир уммат ёки давлатда муайян шароитга боғлиқ ҳолда содир бўлган, шунингдек, шароитдан мустақил тарихий ҳақиқатлар ҳам мавжуд. Шунинг учун айнан шу ҳақиқатларни олиб, ўша шароитга боғлиқ воқеаларни тарк этиш лозим. Ислом Уммати қонхўр уммат эмас, гарчи тарихида ички ихтилофлар оқибатида қон тўкилган бўлса-да, улар умматнинг ўз моҳиятидан келиб чиққан эмас. Бу ихтилофлар муайян шароит ва ҳолатлар туфайли ёки уммат ғофил қолган пайтда унга кириб келиб, уни издан чиқарган ёт гуруҳлар таъсири билан юзага келган. Бунга мисол сифатида хаворижлар билан боғлиқ воқеаларни, фотимийлар давлатининг ташкил топишини ва қарматийларнинг Ҳарамни эгаллаб олишини келтириш мумкин. Бироқ бу - Уммат тарихини ўз йўналишидан чиқаргани йўқ. Яъни, дунёга ўз мабдасини ёйиш масъулиятини зиммасига олиб давом этди ва давлати қулагунга қадар шу ҳолда қолди. Сўнгра, мана, у яна ўз давлатини қайта тиклаш учун ҳаракат қилмоқда. Шундай қилиб, муайян ҳолатга боғлиқ воқеа – Умматнинг ихтилофларидаги қонхўрлик ҳолатлари. Бу ҳолат эътиборга олинмайди. Тарихий ҳақиқат эса Умматнинг ўз мабдасини тарқатиш масъулиятидир. Ана шу эътиборга олинади.

Шу тариқа, таъсир кучига эга умматлар, шунингдек олдин таъсирли бўлган ёки келгусида бўлиши мумкин бўлган умматлар ҳақида тарихий манзара ҳосил қилиш сиёсатчи учун муҳимдир. У сиёсий онг билан шўғулланишни истайдими ёки сиёсат белгилашни хоҳлайдими фарқсиз, ҳар икки ҳолда ҳам бу зарурий иш ҳисобланади.

Халқларнинг хусусиятлари

Бу мавзу сиёсий таҳлил учун ҳам, муайян халқ ёки умматга оид сиёсатларни белгилайдиган шахс учун ҳам зарурий масаладир.

Маълум бир давлатда сиёсий етакчилар белгилайдиган сиёсат уларнинг шахсий сифатларидан ажралмайди. Бу сифатлар улар етишиб чиққан халқнинг табиатидан келиб чиққан. Шунинг учун мақсадларни белгилаш ҳам халқларнинг хусусиятларидан ажралмайди. Масалан, бошқалар устидан ҳукмронликка интиладиган халқ ўз мақсадини фақат ўзини ўйлайдиган халқнинг мақсадидан фарқли қилиб белгилайди.

Бошқаларга нисбатан масъулиятини ҳис қиладиган халқ сиёсий мақсадларни табиатан худбин халқ мақсадларидан бошқача қилиб белгилайди.

Халқларнинг хусусиятлари мақсадга етиш учун тутилган режа ва усулларга таъсир қилади. Масалан, зулмни ор деб билган халқ ҳеч қачон зулмга кўникиб қолган халқ тутган йўлни тутмайди, гарчи иккала халқнинг мақсади бир хил бўлса ҳам.

Дунёда етакчи давлатнинг халқлар ва давлатларга нисбатан белгиланган сиёсатида халқларнинг хусусиятларини ҳисобга олиши зарур. Исломий давлат Шом ва Африкада ҳарбий йўл билан кенгайган бўлса, Индонезияга мусулмон савдогарлар кириб келганида Ислом етиб бориб, кенг тарқалди. Шу боис, икки халққа уларнинг табиатини ҳисобга олмай бир хил услуб қўллаш бир хил натижа бермайди, балки муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Шунингдек, немис халқи билан афғон халқи ўртасида ҳам катта фарқ бор. Америка Германияни кўп йиллар ишғол қилиб турди, немислар унга қарши ҳатто бир тош ҳам отишмади. Лекин у Афғонистонни ишғол қилганида, йигирма йил давомида тинчимади ва ниҳоят шарманда бўлиб чиқиб кетди. Шунинг учун сиёсат белгиладиган шахс халқларга оид сиёсатларни белгиланган вақтда уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиши зарур.

Росулulloҳ ﷺ бизга шу ҳақиқатни ўргатдилар. Ҳудайбия куни Қурайш унга музокарачиларни юборганда, у зот ҳар бир музокарачига мос услуб қўлладилар. Қурайш аҳобишни (Қурайш иттифоқчилари бўлган кичик қабилалар) юборганида, уларнинг бошида Бану Ҳорис ибн Абдуманот ибн Кинона аҳобишининг саййиди Ҳулайс ибн Алқама турар эди. Росулulloҳ ﷺ уни кўрганларида: **«Албатта бу киши ўзларига юқори баҳо берадиган қавмдан. Қурбонлик ҳайвонларини унинг олдига чиқаринглар, кўриб қўйсин»**, дедилар. Шунда Ҳулайс ибн Алқама водийдан қурбонлик ҳайвонлари олиб келинаётганини, узоқ вақт тўсиб қўйилганидан уларнинг жунлари тўкилиб кетганини кўрди ва кўрганига ҳурмат изҳор қилиб, Росулulloҳ ﷺ ҳузурларига кирмасдан Қурайшга қайтиб борди. У ҳолатни Қурайшга айтганда, улар унга: «Ўтир, сен оддий бадавийсан, сен ҳеч нарсани билмайсан», дейишди. Шунда Ҳулайс ғазабланиб: «Эй Қурайш жамоаси! Аллоҳга қасам, биз сиз билан бундай ишга иттифоқ тузмаганмиз ва

бундай аҳд қилмаганмиз. Аллоҳнинг уйини улуғлаб келган киши ундан тўсиб қўйиладими? Жоним унинг қўлида бўлган зотга қасамки, ё Мухаммад билан у келган нарсаси (Каъбанинг зиёрати) орасида тўсқинлик қилмайсиз, ёки аҳобишни олиб сиздан юз ўгирамиз», деди. [Ибн Ҳишом, Сийратун-набавия].

Халқларнинг хусусиятларини уларнинг тарихини кузатиш орқали англаш мумкин. Кузатишдан мақсад тарихини батафсил ўқиб чиқиш эмас, балки унинг ҳал қилувчи нуқталарига назар солишнинг ўзи етарли.

Шунинг учун умматнинг уйғониш ва қулаш тарихига, душманлари билан муносабатига, шунингдек унга келган инқирозлар билан қандай курашганига назар солиш зарур. Ана шу босқичларни ўрганиш орқали халқларнинг умумий сифатларини англаб олиш мумкин.

Халқларнинг хусусиятлари улар яшайдиган юртнинг табиати орқали ҳам англонади. Масалан, денгизга очиқ, савдо ва транспорт йўллари ҳамда балиқ овлаш билан машғул юртларда яшайдиган халқларда юрт табиати ва асосий машғулотига мос сифатлар шаклланади. Шунинг учун инглизлар бошқа халқлар билан муомала қилиш ва алоқа ўрнатишда энг қобилиятли халқлардан бири эди. Шу билан бирга, улар энг айёр ва маккор халқлардан бўлган. Араблар эса муҳити оғир юртларда, саҳролар ва баланд тоғлар орасида яшаган. Уларнинг турмуши оғир, таомлари эса қуруқ бўлган. Улар турмуш машаққатларига эътибор бермас эдилар. Балки саҳроларнинг кенглиги уларнинг тафаккур доираларини ҳам кенгайтирган. Аллоҳ уларни оғир турмуш қийинчиликларидан чиқиш учун савдо йўлига ҳидоят қилди. Шу тариқа улар бир томондан бошқалар билан алоқа ўрнатиш қобилиятини, иккинчи томондан куч-қувватни жамлашди. Улар нифоқ ва ёлғонни ёқтиришмас эди. Росулulloҳ ﷺ Бану Шайбон қабиласига нусрат талаб қилиб, уларнинг олдидан чиққанларида улар ҳақида шундай дедилар: «Эй Абу Бакр! Жоҳилиятда қандай шарафли хулқлар бор эди! Аллоҳ у билан уларнинг бир-бирига зулм ўтказишини тўсиб қўярди ва улар шу билан ўзларини ўзаро тийиб туришарди.» [Байҳақий, Далоилун-нубувва]. Шунингдек, юрт табиати ва халқнинг умумий машғулоти унинг умумий сифатларини шакллантирадиган омиллардан биридир. Тарих бунга далил.

Келишув ва тўқнашув

Жамоалар ва давлатлар тарихда ҳеч қачон бошқалардан ажралган ҳолда яшамаган. Агар бу ҳолат жамоалар ва давлатлар тарихида учрамаган бўлса, бугунги кунда давлатлар бошқалардан ажралиб яшай олмаслигини эртақачон тушуниш лозим. Айниқса, бошқалар билан алоқа ўрнатишга интилиши бўлган давлатлар.

Биз бу тадқиқотимиздан ҳануз ўрмонлар қаърида яшаб келаётган қабилалар ва тўдаларни мустасно қиламиз, гарчи уларнинг ўзи ҳам ўзларига ўхшаш бошқа қабилалардан ажраб қолмаган бўлса-да, чунки улар уруш олиб боришади ва бир-бирларининг манфаатларининг таъминлашади. Бироқ уларнинг мустасно қилиниши сабаби улар халқаро майдонда мутлақо таъсир кўрсатишмайди.

Дунё давлатлари ё таъсир кўрсатувчи, ё таъсир остидаги бўлади. Шунинг учун дунёдан четланишга қарор қилган ҳар қандай жамоа ҳам албатта таъсир кўрсатувчи бўлишга қарор қилган давлатларнинг ҳирслари таъсирига дучор бўлади.

Дунёдаги давлатлар бошқалар билан ё ҳукмронлик, ё мустамлака учун тўқнашади. Ҳукмронлик омили ирқ ҳукмронлиги ё миллат ҳукмронлиги ёки мабда ҳукмронлиги хоҳишидан келиб чиқади. Буларнинг барчаси шу доирага киради. Мустамлака омили эса давлатларнинг ресурслари ва бойликларидан ҳарбий ишғол ёки сиёсий-иқтисодий келишувлар орқали фойдаланишни ўз ичига олади.

Бу икки омил халқаро майдондаги ўйинчиларни ё тўқнашувга, ё келишувга етаклайди. Масалан, ирқ ҳукмронлиги Гитлерга арий ирқини тўплаб, Европада ҳукмронлик ўрнатиш мақсадида уруш олиб бориш учун восита бўлган. У Швециядан келаётган темир юкларини ҳимоя қилиш учун Дания ва Норвегияга қўшин юборган бўлса-да, аммо у кўрсатган умумий йўналиш ирқий устунликка интилишдан келиб чиққан эди. Шунинг учун бу омил тўқнашувга етаклади. Ислон давлати ер юзидаги кўплаб давлатларни мабда – яъни Ислон – ҳукмронлиги учун фатҳ қилган. У бойлик ва ресурсларни ҳисобга олмаган. Шу боис Миср ва Шом фатҳи Арабистон ярим оролидаги камбағал юртларнинг фатҳи билан бир хил бўлган. Ҳукмронлик омили бошқанинг ҳукмронлиги билан мурасага кела олмайди, фақат вақтинча келишув бўлиши мумкин. Ундан кейин ўз мабдаси, ирқи ёки қавмининг устунлигини тиклаш учун ҳаракатини қайта бошлайди.

Мустамлака омили қабиҳ омилдир. У кучлини заифни таҳқирлаб, ҳатто қул қилиб, унинг юрти ресурсларини душмани манфаати учун чиқариб олишга етаклайди. Шунинг учун Ғарбнинг капиталистик давлатлари Ислом олами ва Африкани мустамлака қилган даврда мустамлакачилик учун курашни бошқа барча омиллардан устун қўйишди.

Иш шу даражага етдики, Франция Нигерни мустамлака қилди ва Нигер болаларини уран конларида ишлатди. Чиқарилган уран Францияга юборилди ва у ерда атом реакторларини ишлатиб, Францияни электр энергияси билан таъминлади. Нигер аҳолиси эса конларда ҳалок бўлар, қоронғи тушгач ўз юртида ёруғлик топа олмас эди. Мустамлака омили Бельгия қироли Леопольд IIни Африкадаги Конго Республикаси устидан ҳукмронлик ўрнатиб, ўн миллион африкаликни ҳалок қилишга етаклади. Европаликлар учун кечагина оддий «товар» бўлган қул савдосини айтмаса ҳам бўлади.

Ҳукмронлик омили билан ҳаракат қилаётганлар ўртасида тўқнашув юз беради. Шунда икки давлат ўзаро тўқнашиб, чегараларини ҳам қамраб олувчи ҳақиқий уруш ҳолатига кириб боради. Бу уруш тарафлардан бири бўйсунмагунча ва таслим бўлмагунча давом этади, ниҳоят курашдаги кучлироқ тараф кучсиз давлат устидан ҳукмронлик ўрнатади.

Аммо миллий чегаралар муқаддаслаштирилганидан бери бундай тўқнашув халқаро майдонда ёқимсиз ҳолатга айланди. Шу боис давлатлар бу халқаро йўналишни айланиб ўтиш учун референдумлардан фойдалана бошлади. Масалан, Австрияда Германия билан бирлашиш ғояси «Аншлюс» операцияси орқали Австрияни Германияга қўшиб олишдан олдиноқ халқ орасида кенг қўллаб-қувватланган эди. Шунингдек, Россия Украина шарқидаги ажралиб чиқиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлади, кейин ажралиб чиққан Донецк ва Луганск «республикалари»ни тан олди. Кейинчалик бу республикалар Россиядан Украина ҳужумларидан ўзларини ҳимоя қилишни сўради. Бу сценарий русларга халқаро қонунларни бузган бўлиб кўринмаслик учун муҳим эди.

Шунингдек, тўқнашув бир хил йўналиш эгалари орасида ҳам юзага келиши мумкин. Бу муайян давлатнинг ўз гуруҳида, шу орқали бутун дунёда ҳукмронликка интилиши ва бойликлар учун кураш сабабли келиб чиқади. Капиталистик Ғарб

давлатлари мусулмон юртларида қаттиқ тўқнашди. Оқибатда Америка Англиянинг эски мустамлакаларидаги таянчини йўқ қилиб, унинг оёғи остидаги гиламни тортиб олди. Бу ҳудудларни алангалатиш ва малайларни йўқотиш орқали амалга оширилди. Масалан, Америка 2015 йилда «Саудия» бошчилигидаги зарбалар орқали Яманни алангалатди. Бу йўл билан ўша вақтда америкаликлар изидан юрган Ҳусийларга Яман ҳокимиятига кириш имкониятини яратди. Шу билан бирга, Али Абдуллоҳ Солиҳни ўлдириб, у ва тарафдорларининг оёқ остидаги гиламни тортиб олди.

Америка Ироқни, унинг Англияга бўлган тобелигини тугатиш ва бойликларини ўз назоратига олиш учун алангалатди.

Бироқ манфаатлар давлатларни тўқнашувга етаклаганидек, уларни келишувга ҳам етаклайди. Масалан, Америка 1961 йилда Совет Иттифоқи билан ярашиш босқичига киришни ўз манфаати деб кўрди. Бу билан бошқа йирик давлатларнинг истакларини чеклашни мақсад қилди. Аммо манфаатлари тугагач, 1979 йилда бу ярашувни тарк этди.

Душманлик асосидаги тўқнашув билан рақобат асосидаги тўқнашув ўртасидаги фарқни эътиборга олиш лозим. Европа давлатлари билан Америка тўқнашганда, бу уларнинг дунё бойликлари учун рақобатидан келиб чиқади. Чунки Европа наздида Америка ўзи билан бир хил қадрият ва ҳазорий йўналишга эга. Америка Европанинг маҳсулидир. Улар ягона фронт бўлиб, бошқаларга қарши бирлашади ва ўзаро рақобат қилишади. Россия ва Европа ўртасидаги тўқнашув эса рақобатга эмас, душманликка асосланган. Бу душманлик икки фронт ўртасида тарихий хусусият касб этган.

Тўқнашув ва келишув масаласида тадқиқот олиб бориш фақат дунёда фаол давлатларга ёки уларга боғлиқ масалаларга нисбатан зарурдир. Шунингдек, йирик давлат бўлиш учун зарур асосларга эга уммат ва халқлар ҳақидаги тадқиқотда зарурдир. Бошқаларни тадқиқ этиш мутлақо аҳамиятсиздир.

Тарихда тўқнашув ва келишув давлатларни аввало урф-одатларга келишишга, кейин эса барча томонлар ҳурмат қиладиган қонунларни қабул қилишга етаклади. Шунингдек, уларни иттифоқлар тузиш ва халқаро анжуманлар ўтказишга туртки берди.

Давоми бор. □

ТРАМП МАЪМУРИЯТИНИНГ ТАШҚИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УСУЛИ

Аҳмад Хутвоний

Трампа маъмурияти ташқи низоларни ҳал этишда асосий эътиборини «ташқи шерикларга муҳтож эмасмиз», деган фикрга қаратди. Бу ёндашув Трамп билан МАГА (Американи қайта буюк қил) ҳамда «Аввало Америка» шиорларидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлди. Демак, бу маъмурият халқаро шерикларга эҳтиёж сезмаяпти ва муаммоларни ўзи ҳал қилишга қодир. Яъни ечимни бошқаларнинг ёрдамисиз, уларни қўшмасдан ўз зиммасига оляпти. Шу боис унинг муаммоларни ҳал этиш услубида шерикларни четлатиш ва истисно қилиш хусусияти устувор бўлиб қолди.

Бу АҚШ ташқи сиёсатидаги янги ҳолат бўлиб, ҳатто Трамп биринчи марта ҳокимиятга келганда ҳам бўлган эмас. Мисол учун, Трампнинг ҳозирги маъмурияти «Судандаги тўртлик комиссияси» ролини расман бекор қилди. Ҳолбуки, Британия ва Норвегияни ўз ичига олган ушбу комиссия Трампнинг биринчи маъмуриятидан бери мавжуд ва фаол бўлиб келган ҳамда Байден даврида ҳам ўз ишини давом эттирган эди. Шунингдек, ҳозирги АҚШ маъмурияти «Минск Ғуруҳи» ролини ҳам тўхтатди. Ғуруҳ беш йилдан ортиқ вақт давомида Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун масъул бўлиб келган ҳамда Россия билан Францияни ўз ичига олган эди. Трамп маъмурияти бу икки давлат ўртасидаги тинчлик музокараларини фақат ўзи ҳомийлик қилиб ўтказди, ғуруҳга ҳатто маслаҳат ёки илтифот юзасидан ҳам мурожаат қилмади.

Сўнги ташқи низоларда Трамп маъмурияти халқаро шерикларни мутлақо эътиборсиз қолдиришда қатъий турди. Масалан, Россия ва Украина можаросида Европа давлатларини бутунлай нари суриб, улар билан маслаҳатлашмай, Аляскада Путин билан ёлғиз учрашди. Франция ва Британия асосий Европа давлатларини ва Европа комиссиясини Украина сафида туришга чорлади. Улар катта Европа блоги сифатида Украинага яқинлашиб, Россия билан музокараларда Америка ёнида туришга ҳаракат қилишди. Бироқ Трамп уларни ўзига яқинлаштирмади ва Путин билан музокараларни ёлғиз ўзи олиб борди.

Ҳатто айрим рус расмийлари Европа, айниқса Британиянинг Украина муаммосига аралашувига норозилик билдиришди. Британия ролини очикчасига Россия ва АҚШ ўртасидаги жорий музокараларни издан чиқариш мақсадини кўзлайди деб сифатлашди.

Хабарларга кўра, Британия бош вазири Стармер Украина президенти Зеленскийни Трамп билан қандай учрашиш ва унга қандай муносабатда бўлиш масаласида, ҳатто расмиятчилик жиҳатларигача тайёрлаб қўйган. Шундан кейин Зеленский Трамп олдида аввалгидек ҳарбий формада эмас, балки чиройли қора костюмда намоён бўлди. У икки дақиқа ичида Трампа олти марта миннатдорчилик билдирди.

Бу мисоллардан яққол кўриниб турибдики, Америка ташқи сиёсатининг ташқи низоларни бошқаришдаги биринчи асосий жиҳати масалаларни ёлғиз ўзи ҳал қилиш ва халқаро кучларни жараёнга қўшмасликдан иборат. Чунки АҚШ маъмурияти бундай ишни ўзи ёлғиз амалга оширишга қодир, шерикларга муҳтож эмас, деган қатъий ишончда.

Бу сиёсатнинг иккинчи жиҳати эса, имкон борича кўпроқ моддий фойда олишдир. АҚШ маъмурияти бунга низода қатнашган томонларга товламачилик ва босим ўтказиш орқали, ҳатто беҳаёлик билан, уларнинг низосини бошқариш эвазига эришяпти. Масалан, Руанда ва Конго ўртасидаги низони бошқариш жараёнида Америка компаниялари Конгонинг шарқий қисмида жойлашган, микроэлектроника саноати учун зарур бўлган ноёб маъданларга кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги низони бошқаришда келишув имзолангандан кейин Америка компанияларига Покистоннинг улкан нефть захираларини қазиб чиқариш имконияти берилди. Шунингдек, АҚШ ва Покистон ўртасида разведка соҳасидаги ҳамкорлик янада кучайтирилди. Америка-Покистон сиёсий муносабатларини бошқариш масъулияти ҳукуматга эмас, балки Покистон армиясига юклатилди. Ҳукумат эса фақат Трампни Нобель мукофотига номзод қилиб кўрсатиш билан чекланди.

Тайланд-Камбоджа низосини бошқариш борасида Малайзия воситачилигида имзоланган Малайзия келишувидан сўнг Трамп икки давлат ўртасидаги урушни тўхтатишга эришганини эълон қилди. Бунинг муқобили ўлароқ, Америка компаниялари ҳар

икки давлат билан йирик савдо битимларига эришгани эълон қилинди. Шу билан бирга, Камбоджа Трампни Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатишини эълон қилди.

Озарбайжон-Арманистон низосига келсак, икки давлат раҳбарлари ўртасида тинчлик келишуви имзоланиши билан бирга «Зангезур коридори»нинг номи «Трамп коридори» деб ўзгартирилгани эълон қилинди. Туркия режасига кўра, ушбу йўлак Озарбайжонни Арманистон ҳудудида жойлашган, Эрон чегарасига туташ ва Туркияга чиқадиган Нахичеван эксклави билан боғлаши керак эди. Бу режага Россия ва Эрон қаршилиқ билдирган бўлса-да, Арманистон йўлакни 100 йилга Америкага ижарага беришга розилиқ берди. Шу тариқа, йўлак дунёдаги энг муҳим савдо йўлакларидан бирига айланиб, Россия, Хитой ва Эроннинг минтақада ўз йўлак ва лойиҳаларини амалга ошириш йўлини тўсди. АҚШ эса ғоянинг асл ташаббускори бўлган Туркияни дунёдаги энг йирик ва муҳим иқтисодий ва геосиёсий лойиҳалардан бири бўлган Америка лойиҳасини амалга ошириш воситасига айлантирди. Бу ҳақда Озарбайжон президенти Илҳом Алиев «Трамп олти ойдан ҳам кам вақт ичида бир мўъжизани амалга оширди», деди.

Трамппинг бу улкан моддий ютуқларидан ташқари, мазкур келишув Арманистонни Россия таъсир доирасидан ҳам, Россия-Хитой Шанхай ташкилотидан ҳам бутунлай чиқариб олди. Шу билан бирга, Озарбайжоннинг Америка таъсирига бўйсунishi ҳам мустаҳкамланди.

Россия-Украина урушига келсак, бутун Украина ҳудудидаги ноёб металларни қазиб чиқаришдан тушадиган даромаднинг ярмини АҚШ компанияларига бериш ҳақида Америка олдиндан Украинанинг розилигини олишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, ҳозирги Трамп маъмурияти нуқтаи назаридан, инқирозларни ёлғиз ўзи ҳал қилиш ва моддий фойда кўриш Америка ташқи сиёсатининг ташқи низоларни ҳал қилишдаги энг асосий белгиларидан бирига айланди. Бу сиёсий йўналиш халқаро тактикаларни парчалашга, Хитойни изоляцияда ушлаб Россиядан ажратишга, Европани заифлаштиришга ва АҚШнинг халқаро майдонда ягона ҳукмрон куч бўлиб қолишига ҳисса қўшди.

АҚШ энди яхши англаб етмоқдаки, Россия Совет Иттифоқи эмас ва у Ғарбга ҳеч қандай таҳдид солмайди, унинг уч йилдан

бери Украина ботқоғидан чиқолмаётгани АҚШ билан таққослаганда ҳарбий жиҳатдан заифлигини аниқ тасдиқлади. Шу боис унга қарши туриш учун НАТО каби иттифоққа эҳтиёж йўқ. Америкаликлар маблағи ҳисобидан таъминланаётган бундай кераксиз иттифоқни сақлаб туришнинг ҳожати йўқ.

Америка, шунингдек, европаликларнинг жуда заиф эканини ва улар АҚШни Россияга қарши урушга ўз манфаатларини кўзлаб тортаётганини англади. Улар АҚШ хазинасидан бу қадар харажат қилишга арзимаё қолди, чунки улар салмоқли халқаро куч сифатида кўрилмаяпти. Шу боис европаликлар халқаро майдондан чиқарилиши керак. Бу ҳолат 2025 йил 18 август куни Вашингтонда бўлиб ўтган анжуманда яққол намоён бўлди. Анжуманда Британия, Франция, Германия, Италия раҳбарлари, Европа комиссияси, НАТО, шунингдек Украина президенти Зеленский иштирок этди. Улар устоз олдидаги шогирдлардек кўринди, Трамп эса уларни ўз тенги қатори кўрмади. Уларга ҳақоратомуз муомала қилди ва уларни ўз қаршисига ёғоч ўриндиқларга тингловчи қилиб ўтқазиб қўйди. Йиғилишни ярмида узиб, уларнинг кўз ўнгида Россия президенти Путинга қўнғироқ қилди ва ундан нимани истаётганини ҳаммасига эшиттирди. Шу тариқа уларнинг қанчалик хор, ожиз ва аҳамиятсиз эканини кўрсатди.

Шундай қилиб, ушбу учрашув АҚШ томонидан уларнинг энди халқаро майдонда асосий ўйинчилар эмасликларини англатувчи ва ҳал қилувчи эълон сифатида намоён бўлди. Охирги юз йил давомида АҚШ соясига таяниш уларни заифлик ва хорлик ҳолатига етаклади. Улар ҳатто Украинага мустақил равишда хавфсизлик кафолатини таъминлашдан ҳам ожиз қолишди.

Шундай экан, бугунги дунё учта таъсирчан ҳарбий глобал куч: Америка, Россия ва Хитойдан иборат. Аммо ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан у фақат икки глобал куч: Америка ва Хитойдан иборат. □

**УММАТ ЎЛМАС ТИРИК ВУЖУДДИР
ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛИШИДАН ОЛДИН ТЎЛҒОҚ АЗОБИ
БЎЛИШИ ТАБИЙ**

**Абдулмаҳмуд Омирий
Яман вилояти**

Ислом Уммати тасодифан бўлиниб, парчаланмади. Бу – Умматнинг боши бўлган Халифалик қўлатилиши ортидан етган кучли зарбанинг оқибати. Бу билан сиёсий тузум қўлатилди, бошқарув жиҳозлари фаолияти тўхтади ва Уммат бўғинлари парчаланди. Уммат кўзлари қотиб қолган, юзи бўзариб кетган ҳолда ерга йиқитилган улкан бир гигант ҳолига тушди. Уни бу ҳолда кўрган кўплаб жоҳил ва хоинлар бу гигант абадий ўлди деб ўйлашди. Лекин ҳақиқат шуки, Умматнинг юраги ҳануз уриб турибди, тўхтамади ва ўлмади.

Халифалик қўлатилиши тарихдаги оддий воқеа эмас. Балки Муҳаммад Мустафо ﷺ пайғамбар бўлиб келганларидан буён Ислом Уммати бошига тушган фожиаларнинг энг хавфлиси бўлди. Халифалик йўқолиши – Ислом аҳкомларининг татбиқдан тўхташи, шариатнинг ҳукмронликдан четлатилиши, Уммат бирлигининг парчаланиши ва уни мустамлакачи кофирга таслим этилиши демакдир.

Халифалик қандай қўлатилган?

Усманий Халифалик, охири даврда заифлашган бўлишига қарамай, мусулмонларни бир байроқ остида жамлаган, уларни Аллоҳнинг шариати билан бошқарган ва диёрларини ҳимоя қилган сўнгги сиёсий соябон эди. XX аср бошида Британия ва Франция етакчилигидаги кўфр кучлари бу давлатни ичкаридаги ўз малайлари кўмагида парчалаш учун ёввойи ҳайвонлардек ёпирилишди. Уларнинг энг хавфли қўроли Мустафо Камол бўлди, унга Аллоҳнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. У Биринчи жаҳон уруши ортидан Халифаликни бекор қилиш режасини амалга оширди. Ўзини турк армияси қўмондони деб эълон қилган Мустафо Камол «ёлғон озодлик юриши»ни бошлаб, Халифага қарши чиқди ва 1924 йил 3 март куни турк парламенти қарори билан Халифаликни расман бекор қилди. Унга қарши чиққан ҳар бир кишини қамади ва қўвғин қилди.

Усманий Халифаликнинг қўлатилиши сабабларидан:

Инглизлар малайи Мустафо Камол қўли билан амалга оширилган Халифаликнинг расман бекор қилиниши оддий

сиёсий қарор эмас, балки Уммат вужудини ларзага келтирган ҳазорий зилзила бўлди. Бу ишлардан олдин куфр кучлари тил бириктириб, исломий жисм ичидаги ҳалокатли камчиликлардан фойдаланишди. Давлатнинг ички заифлиги, муассасаларнинг тарқоқлиги, маъмуриятдаги коррупциянинг кенг ёйилиши, сиёсий ва шаръий ижтиҳоднинг йўқолиши ва давлатнинг лаёқатга эмас, балки шахсга бўлган содиқликка таяниши, буларнинг барчаси куфр кучларининг қўлида бузғунчилик воситаси бўлиб хизмат қилди.

Халифалик қулатилиши сабабларидан асосийлари:

1 – Исломни яхши тушунмаслик. Тушунчалар воқеликдан ажралиб қолгач, мусулмонларнинг ўз динини тушунишлари сусайди. Ислом ҳаёт низоми бўлиш ўрнига, маросимларга, амалий татбиқ ўрнига, ваъз-насиҳатларга айланиб қолди, оқибатда, одамлар Исломни давлатдан ажралмас дин сифатида ҳис этмай қўйдилар. Фикҳ тор доирага – фақат таҳорат ва ибодатларга – чекланиб қолди, бошқарув, иқтисод ва ижтимоий ҳаёт нафс ва кўр-кўрона тақлид ихтиёрига ташланди. Натижада Ислом одамлар кўз ўнгида ҳаёлий нарсага айланди ва ҳаётда етишмовчилик юзага келди. Ислом мусулмонлар ҳаётида ҳукмрон бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузум эмас, балки шахсий маросимларга айланиб қолди. Аҳкомлар ғойиб бўлди, шариатни татбиқ этиш кўринишлари қисқариб кетди.

2 – Ғарб сақофий ҳужумининг мусулмонлар диёрига кириб келиши. Ғарб ўқ отмади, балки мусулмон онгини парчалаш учун китоблар, тушунчалар ва дастурларни отди. Ғарб «ўзининг ақлга асосланган ҳазоратини Исломдан олинган, демократия Исломга зид эмас» каби фикрларни кенг ёйди ва айрим муфаккирлар бунга алданди. Уммат ҳам ўз ақидасидан аста-секин ўзила бошлади ва ўзини тараққиёт йўлида деб ўйлади. Шу тариқа Ғарб ўз ақли ва қадриятлари билан кириб келди ва Ғарбнинг ривожланиши Ислом ҳазоратидан олинган деб Умматни ишонтирди. Миллатчилик, демократия ва илмонийлик қадриятлари тарғиб этилиб, ҳатто кўп мусулмонлар ўзлари сезмаган ҳолда, мустамлака воситаларини ҳимоя қила бошладилар. Энг кўзга кўринган Ғарб давлатлари – Британия, Франция ва Россия – Усманий Халифаликни парчалаш учун режа тузди, иғво қилди, ажралиб чиқиш ҳаракатларини

қўллаб-қувватлади ва ҳар қандай нуқсондан фойдаланиб, Халифаликка ичкаридан зарба берди.

3 – Малайлар ва жосусларнинг ўрни. Улар орасида энг кўзга кўрингани Мустафо Камол бўлиб, у 1924 йилда Халифаликни расман қулатиш учун «ислоҳот ва янгиланиш» ниқоби остида ишлатилди. Аслида у қулатиш лойиҳасини амалга оширишда Ғарбнинг вакили эди.

4 – Сиёсий фаолиятнинг ҳарбийлаштирилиши. Айрим гуруҳлар ва раҳбарлар ҳукмронлик воситаси сифатида ҳарбий кучга таянишди. Бу эса шаръий мезонларни йўқ қилиб, бўлинишларни янада чуқурлаштирди. Байъат ўз маъносини йўқотди, шариат билан ҳукм юритиш шартлари бажарилмади, таназул бошланди ва Умматнинг ҳокимларни муҳосаба қилиш ва нусратдаги роли четга сурилди.

5 – Халифаларнинг – Шом ва Испанияда содир бўлгани каби – айрим вилоятларнинг Халифалик марказидан ажралиб, мустақил бўлишига эътиборсиз қараши. Бу ўз навбатида, аста-секин Исломий сиёсий бирликнинг муқаддаслигини йўқотди ва «худудий давлат» тушунчасининг сингдирилишига йўл очди. Ғарб эса 1924 йил Халифалик расман қулатилгандан сўнг айна тушунчани амалда тўлиқ мустаҳкамлади. Натижада Уммат бирлаштирувчи давлатсиз ва нусрат берувчи армиясиз парчаланган ҳолда қолди.

6 – Волийларга ҳаддан ташқари ваколатлар берилиши. Волийларга назоратсиз кенг ваколат бериб қўйилиши уларнинг ҳукмронликка бўлган ҳирсларини уйғотди. Оқибатда мустақил қарор қабул қиладиган бўлиб қолишди ва Халифалик марказига қарши бош кўтаришди, вилоятлар кичик давлатларга айланиб қолди. Шу тариқа давлат бирлиги қулади ҳамда Ислом душманларининг ишларимизга бурун суқишлари ва назорат ўрнатишларига, сўнг вайрон қилишларига замин яратилди. Ҳукмронлик ва кенгайишга бўлган ҳирс уларни мустақил подшоҳлардек ҳаракат қилишга олиб келди, оқибатда халифанинг ҳайбати йўқолди.

7 – Умматга, айниқса Усманий фатҳларида, ҳарбий қўмондонликка оид исломий тушунчаларни қўллаш, фикрий тушунчалардан уни бутунлай ғафлатга тушириш. Чунки у пайтда асосий эътибор ҳарбий кенгайишга қаратилди, аммо Уммат Исломнинг фикрий ва сиёсий лойиҳаси асосида

тарбияланмади. Натижада рисолатдан ва Исломий даъватни ёйишдан кўзланган асл мақсад ғойиб бўлди.

8 – Ижтиҳод эшигининг ёпилиши. Давлат ва жамият масалаларида ижтиҳод тўхтаб қолди, ақл эса Ислом доирасида ижод қилишдан тўхтади.

9 – Илм ва саноат соҳасида қолақлашиш. Европа тараққий этган бир пайтда Усманий давлат орқага кетди ва Уммат ичида пастлик туйғуси ҳамда ички мағлубият ҳисси янада чуқурлашди.

10 – Ерларни қаршиликсиз йўқотиш. Душманлар Эрон, Болқон ва Араб ярим ороли каби ҳудудларни Ислом давлатидан ажратиб олишга журъат қилишди, аммо уларга айтарли жавоб қайтарилмади. Натижада давлатнинг ички ва ташқи майдондаги обрўсига путур етди.

11 – Умматнинг умумий онг (ваъйи ом)ини сохталаштириш ва насроний миссионерлик ҳужумига йўл очиш. «Инсонпарварлик, таълим ва ёрдам» шиорлари остида насроний даъват секин-аста кириб келди. У фитна тарқатиб, Уммат фарзандларини ўз дини ва Умматига қарши жалб қилди. Бу ишлар ғарблашув фикрларини, Европа таълимини, либерал ва демократик тушунчаларни тарқатиш орқали амалга оширилди. Шу билан бирга, Халифалик «қолоқлик ва зулм» сифатида тасвирланди.

12 – Миллатчилик чақириқларининг авж олиши. Мусулмонлар орасида араб, турк, курд, арман миллати каби миллатчилик чақириқлари кўзғатилиб, «мустақиллик» ва «озодлик» шиори остида ажралиб чиқиш ҳаракатлари таъсис этилди. Натижада ақида риштаси ўрнини қон ва ирқ риштаси эгаллади, асл мақсад эса Халифаликни парчалаш эди.

13 – Яҳудий-сионистларнинг кириши. Умматни парчалаш лойиҳасини қўллаб-қувватлашда яҳудийлар фаол рол ўйнашди. Бу ишлар Европа томонидан тўлиқ молиявий ёрдам, режалаштириш ва қўллов билан таъминланди. Яҳудийлардан Умматни ичкаридан йиқитиш воситаси сифатида фойдаланилди.

14 – Ўша вақтда Исломга асосланган мабдаий сиёсий ҳизбнинг йўқлиги. Мусулмонлар қулашнинг олдини олиш ёки дарҳол қайта тикланиш йўлида фаолият қиладиган онгли сиёсий уюшмасиз қолдилар.

15 – Айрим маҳаллий раҳбарларнинг хиёнати. Уларнинг энг кўзга кўрингани Шариф Ҳусайн бўлиб, у Британия билан «Улуғ

Араб қўзғолони» деб аталмиш воқеада иттифоқ тузди. Эвазига унга «Араб қироллиги»ни барпо этиш ҳақида ёлғон ваъдалар берилди. Шундай қилиб у Халифаликни қулатиш воситаларидан бири бўлди.

16 – Биринчи Жаҳон уруши. Усманий давлат Германия тарафида урушга кириб, мағлубиятга учради. Бу эса уни бўлиб ташлаш, бунинг оқибатида Халифаликдан қолган қисмини ҳам йўқ қилиш учун энг катта баҳона бўлди. Халифаликни қулатишда энг асосий ролни Британия ўйнади. У миллатчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлади, малай ҳокимларни ўтқазди ҳамда Ғарбнинг «ватанпарварлик» ва «фуқаролик давлати» каби фикрларига чақирди. Халифалик қулатилгандан кейин Британия ташқи ишлар вазири Лорд Керзон парламентда машҳур сўзини айтди: «Биз Туркияни йўқ қилдик. Энди у қайта тикланмайди, чунки биз унинг руҳий қудрати бўлмиш Халифалик ва Исломни йўқ қилдик».

Халифалик қулатилгандан кейин... ким хиёнат қилди ва ким йўлдан оздирди?

Халифалик давлати қулатилгандан кейин мустамлакачи кофирга эшик очилди. У Уммат ичида фасод тарқатиб, унинг сиёсий харитасини ўз манфаатларига хизмат қиладиган шаклда қайта тузди. Тарих ва ҳужжатларнинг исботлашича, миллатчилик ва ватанпарварлик жамоалари бу жиноятда найзанинг учи бўлган. Улар Умматнинг бирлиги ва шарафини ҳимоя қилиш ўрнига, ажнабийга хизмат қилишди, «хўррият» ва «мустақиллик» ниқоби остида Умматни парчалашди ва Исломга қарши курашди!

Сиёсий тажриба такрорий равишда исботладики, араб, форс ва турк миллатчилари ҳамда «миллий мустақиллик» даъватчилари аслида мустамлакачилик қўлидаги бир воситадан бошқа нарса эмас. Улар унинг режаларини амалга оширишди, бўлиниш уруғини сепишди ва Исломга алоқаси йўқ тузумларга қонунийлик тусини беришди. Халифаликнинг бекор қилиниши ортидаги яширин сирлар Ислом ва мусулмонларга қарши халқаро ва маҳаллий тил бириктирувнинг кўламини очиб берди. Бундан маълум бўладики, содир бўлган воқеа оддий сиёсий кўчиш эмас, балки Исломни илдизидан қулатиш учун пухта ўйланган жараён эди. Бу сирларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1) Миллий либосдаги малайларни яратиш. Британия бошчилигидаги Ғарб Халифаликни ўз қўли билан бекор қилмади. Балки Мустафо Камол каби «миллатчи» шахсиятларни яратиб, унга «хуррият ва мустақиллик» тўнини кийдирди. Мустафо Камол Ислом бошқарувини бекор қилиш лойиҳасини амалга оширди. Британия парда ортида туриб, ундан ва издошларидан қурол сифатида фойдаланди. Британиядаги мавжуд ҳужжатлар унинг камолчилар билан келишиб иш олиб борганини ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлаганини исботлайди. Ҳатто бугунга қадар айрим ғарблик сиёсатчилар Халифаликни мусулмонларнинг қўли билан йўқ қилишгани»ни эътироф этишади.

2) Ғарбнинг миллатчи ва илмоний ҳаракатлар билан иттифоқ тузиши. Исломий бирликни бузиш учун турклар ва араблар орасида миллатчилик қўзғатилди. Халифалик бирлаштирувчи куч эди, миллатчилик Умматни парчалади. Бу ҳаракатлар молия, ахборот ва тайёргарлик билан қўллаб-қувватланди. Ислом Уммати тарихида бундай шайтоний режа каби улкан фожа бўлмаган эди. Режани Ғарбнинг ватанпарварлик ва миллийлик ниқобини таққан ифлос қўғирчоқлари амалга оширишди. Улар Умматни майда давлатчаларга бўлиб ташлаб, бир бутун давлатни майда вужудларга айлантиришди ва уни етакчисиз, лойиҳасиз ва иззат-шарафсиз аҳволга келтиришди.

3) Аввал фикрий, сўнг сиёсий ҳужум. Халифалик бекор қилинишидан олдин, мусулмонлар онгидаги Халифалик тушунчасига зарба берилди. Динни давлатдан ажратиш фикри қаттиқ тарғиб қилинди. Жиход, шўро ва Халифалик маънолари бузиб талқин қилинди. Натижада мусулмонлар уларнинг қадр-қийматини англамайдиган бўлиб қолдилар.

4) Халифаликни бекор қилиш вақти олдиндан маълум эди. Усманий давлат Биринчи жаҳон урушида ҳолдан тойдирилиб, ерлари босиб олиниб, таҳқирли Лозанна шартномасига мажбурлангач, 1924 йил 3 март куни Халифаликнинг бекор қилингани эълон қилинди. Бу иш мусулмонларнинг заифлигидан фойдаланиб амалга оширилди.

5) Бу қилмишларга уламоларнинг сукути ва қарши чиқмаганликлари. Кўплаб уламолар бунга ё сукут қилдилар ёки уни маъқулладилар ёхуд Исломнинг боши кесиб ташланаётган

бир пайтда, фақат фуруъ - иккиламчи масалалар билан банд бўлдилар. Халифалик қўлатилишини қаттиқ қоралаган уламолар жуда озчиликни ташкил қилди, улар ё сургун қилинди ёки қатл этилди.

6) Қўлатиш ортидан Исломни бостириш ва манбаларини қуриштириш. Мустафо Камол шаръий мактабларни ёпди, масжидларни музейга айлантирди, азонни араб тилида айтишни тақиқлади, Қуръонни лотин алифбосида ёздирди, ҳижобни очикдан-очик бекор қилди ва шариат ўрнига Швейцария қонунларини жорий этди.

7) Умматнинг қайта ўйғонишидан қўрқиш. Ғарб Ислом ҳеч қачон ўлмаслигини яхши биларди. Шу сабабдан Халифаликни бекор қилиш ва уни тиклаш учун ҳаракат қилаётганларга қарши курашиш зарур бўлди, чунки Халифалик яна бир бор бошланиш нуқтаси бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам бугунга қадар улар Халифалик ҳақида ҳатто сўз юритилишидан ҳам титраб-қўрқишяпти.

Халифаликни қайтариш учун бир нечта ҳаракатлар бўлди, бироқ уларнинг барчаси муваффақиятсизликка учради. Чунки бу ҳаракатлар Умматни Ислом манҳажидан узоқ ҳолда – миллатчилик, ватанпарварлик, илмонийлик ва демократия асосида – қайта тириштиришга уринишган эди. Уларнинг барчаси чанг каби тўзиб-тарқаб кетди. Улар мисоли тирик одамнинг ҳали ўлмай туриб меросини тақсимлаётганларга ўхшади.

Аслида манҳаж биринчи ўринда туриши лозим. Аллоҳнинг амрига асосланмаган амалнинг ҳеч қиймати йўқ. Чунки мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

«كُلُّ عَمَلٍ لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ»

«Бизнинг амримиздан бўлмаган ҳар қандай амал рад қилинади». (Муслим ривояти). Ушбу очик-ойдин набавий қоида Ислом манҳаж ва шариатига таянмаган ҳар қандай амалнинг эшигини ёпади, зоҳири қанчалик фойдали ёки чиройли бўлиб кўринишининг фарқи йўқ. Чунки бу тортишилмайдиган мезон бўлиб, Уммат ўз амаллари, ҳаракатлари, лойиҳалари, ҳатто ниятларини ҳам шу мезон билан ўлчайди.

Агар самимий назар ташласак, ватанпарварлик ёки миллатчилик ёхуд маҳаллийчиликка асосланган ўзгариш ҳаракатларидаги адашиш фақат натижаларда эмас, балки бошланиш нуқталарида ҳам, манҳажнинг ўзида ҳам бўлганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳаракатлар Аллоҳга холис эмасди, кўринишдан шундай эди, холос. Ҳатто улар Ислом ақидасидан эмас, балки мустамлакачилар ясаган, ғарблашганлар безаган ғарбча бегона фикрдан келиб чиққан эди.

Бу ҳаракатлар ўзлари ботқоққа ботиб, унда ўрнашиб олиб, ўша ботқоқни ўзгартирмоқчи бўлади. Улар ҳақида сўз юритишдан мақсадимиз бошқалар фикрини ҳурмат қилиш ёки саъй-ҳаракатларига баҳо бериш учун эмас. Балки, очиқ-ойдин залолат, манҳаждаги жаҳолат ҳамда дунё ва охиратдаги ёмон оқибатнинг хавфини кўрсатмоқчимиз. Шояд бу ишга алданиб қолганлар эс-ҳушларини йиғиб, ҳақ йўлга қайтишса ва кеч бўлмасдан олдин тўғри йўлга эргашишса. Чунки айнан шулар капиталистик тизумни кўтариб чиқишди ва ҳануз уни кўтариб, умрини узайтиришмоқда.

Тўғри, бу исломий ҳаракатларнинг айрим аъзолари яхши ният ва маълум саъй-ҳаракатда бўлишди. Бироқ улар манҳаждаги нуқсон сабабли йўналишни йўқотишди ва, ё динсизлик ҳукмронлиги томон оғиб кетишди ёки кофир халқаро тизумнинг қўғирчоқлари сафидан жой олишди. Ўз навбатида, улардан кўпи йўлдан оғишди ва қуйидаги ҳаракатлар пайдо бўлиб, манҳаж ва тасаввурда ихтилоф юзага келди:

– Ислоҳий ҳаракатлар: Улар мавжуд воқеликни тубдан ўзгартириш ўрнига, уни яхшилашга интилишди.

– Сиёсатдан узоқлашиб, фақат сўфилик ва ибодатгўйлик қилувчи ҳаракатлар.

– Жиходий ҳаракатлар: Улар хатоларга қарши чиққан бўлишса-да, бироқ сиёсий лойиҳадан маҳрумдир.

– Конституцион ҳаракатлар: Улар тоғут режимларга қўшилиб кетишди.

– Инқилобий ҳаракатлар: Улар онгли сиёсий фикрат йўқлиги сабабли кутилган ўзгаришни амалга ошира олишмади.

– Меросий ҳаракатлар: Масалан, салафийлар ва «Ихё ут-турос» (меросларни тирилтириш) жамияти кабилар.

Бугун биз яшаб турган воқелик фақат туб ўзгаришга муҳтож. Ҳақиқат шуки, Уммат ичида Ҳизб ут-Таҳрирдан бошқа ҳеч ким туб ўзгариш учун иш олиб бормаяпти. 50-йилларда Азҳардан чиққан аллома шайх Тақийюддин Набаҳоний] таъсис этган ушбу ҳизб Ислом давлати барпо этишда Росулulloҳ ﷺнинг тариқатларини табанний қилди. Сиёсий онгни вужудга келтириш, ҳизбий сақофат бериш ва қувват эгаларидан нусрат талаб қилишга асосий эътиборини қаратди. Бироқ зўравонликка мурожаат қилиш ёки мавжуд куфр режимлари билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтмади. Ҳар қандай мурса ёки ён беришни рад этди ва Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги сўзларини ўз йўли учун амалий шиор қилиб олди:

«يَا عَمَّ لَوْ وَضَعُوا الشَّمْسَ فِي يَمِينِي وَالْقَمَرَ فِي شِمَالِي عَلَى أَنْ أَتْرِكَ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّى يُظْهِرَهُ اللَّهُ أَوْ أَهْلِكَ فِيهِ مَا تَرَكْتُهُ»

«Эй амаким, агар ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни қўйишса ҳам, бу ишни ҳаргиз тарк этмайман... Ё Аллоҳ бу ишни ғолиб қилади ёки шу йўлда ҳалок бўламан». Бу малай режимлар ҳақиқий исломий ҳаракат қиёфасини бузишга уриниб, дин ниқоби остида «ўргатилган» жамоалар тузиб, улардан режимлар манфаати учун фойдаланишди ва ҳақиқий ўзгаришни тўсиб, ҳақ даъватчиларга қарши кураш олиб боришди... Бироқ шуларга қарамай, Ҳизб ут-Таҳрир ўз принципада собит қолди, йўлини ўзгартирмади, иккиюзламачилик қилмади, шамоллар бўронга айланса ҳам эгилмади. Ўз қонунийлигини бошқарувдаги режимлардан эмас, балки фақат Исломдан олди.

Агар Аллоҳ ва Росулининг амридан бўлмаган ҳар қандай амал рад қилинадиган бўлса, фақат холис исломий манҳажгина бошланиш нуқтаси, белги ва йўл бўлиши лозим. Бас, пайпаслаб ва эгри йўлда юриш етар! Чунки Умматнинг уйғониш уринишлари тахмин ва мустамлакачининг йўналтириши орасида кечди. Халифалик қулатилганда Умматга етган фожиа бир лаҳзада бўлиб қолгани йўқ. Ундан олдин ҳам ушбу таназзулни тўхтатиб қолиш учун кўп уринишлар бўлди. Бироқ уларнинг барчаси асосий бир сабаб туфайли муваффақиятсиз уринишлар эди: соғлом фикрат, тўғри тариқат ва шаръий сиёсий онгнинг йўқлиги.

Шайх Тақийюддин Набаҳоний раҳимаҳуллоҳ «Ҳизбий уюшма» китобчасида шундай дейди: «Уйғониш учун XIII ҳижрий (XIX милодий) асрдан бошлаб бир неча ҳаракатлар юзага келди. Улар - гарчи ўзидан кейингиларда уйғонишга қайта уринишлари учун кучли таъсир қолдирган бўлса ҳам - муваффақиятсиз уринишлар бўлди».

Шайхнинг изоҳлашича, ҳаракатларнинг айна муваффақиятсизлигига қуйидагилар сабаб бўлган:

- Улар аниқ белгиланган фикрат асосига қурилмаган.
- Тўғри тариқатни тутишмаган.
- Бу ишни онгли шахслар амалга оширмаган.
- Тўғри шаръий робитага асосланмаган.

Баъзи исломий ҳаракатлар бузуқ воқеликни ҳақ йўл билан ўзгартириш ўрнига, Исломни шу воқеликка мослаштириб талқин қилишга ва инсон ўйлаб топган тузумларни сақлаб қолишни оқлаш учун Исломни буришга уринишди.

Шу сабабдан, бутун исломий фаолиятни тубдан қайта кўриб чиқиш истак-хоҳиш эмас, заруратга айланди. Чунки Исломнинг ҳақиқий душманлари Халифаликнинг ҳокимиятга қайтишини яхши англаб етишган. Нетанъяху очиқ-ойдин: «Биз Ўрта ер денгизи қирғоқларида Халифалик барпо этилишини истамаймиз», деди. Ундан олдин бошқа Ислом душманлари ҳам худди шу мазмунда баёнотлар берган. Ғарб раҳбарлари такрор-такрор айтган бу каби баёнотлар, Халифалик барпо бўлишини мутлақо рад этаётганлари, айниқса, анави нажас Нетанъяхунинг сўзлари, буларни барчаси уларнинг Исломнинг ягона сиёсий куч сифатида қайтиб келишидан қаттиқ қўрқаётганини очиқ-ойдин намоён этмоқда. Яқинда бу нажас яна баёнот бериб: «Исроил ҳеч қачон шимолий ёки жанубий чегараларида, ёки Ғарбий соҳилда исломий Халифаликнинг барпо этилишига йўл қўймайди, ҳукуматим бу борада орқага чекинмайди ва бўйсунмайди», деб таъкидлади. Бу шундай мазмундаги илк баёнот эмас. Ғарб раҳбарлари илгари ҳам Халифаликнинг қайта барпо бўлишидан ўз қўрқувларини намоён этишган. Масалан, Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр 2005 йилда шундай огоҳлантирган эди: «Исроилни йўқ қилишга, Ғарбни исломий оламдан қувиб чиқишга ва бутун Уммат учун шариат билан ҳукм юритадиган ягона исломий давлат – Халифаликни барпо этишга интилаётган бир ҳаракат

мавжуд». Шунингдек, Россия президенти Владимир Путин 2002 йил декабрда ўз хавотирина билдириб, «халқаро террор Россияга қарши уруш эълон қилди, унинг мақсади Россиядан маълум ерларни ажратиб олиб, исломий Халифалик барпо этиш», деган эди.

Бу такрорий баёлотлардан кўриниб турибдики, бу раҳбарлар исломий Халифалик уларнинг минтақадаги манфаатларига ҳақиқий таҳдид эканини, чунки Халифалик Умматни яна бир байроқ остида бирлаштириб, унинг халқаро майдондаги куч ва нуфузини кучайтиришини англаб етишди.

Бунинг муқобилида, Ғарбнинг бу қўрқувлари Халифаликни барпо этиш фикри етиш қийин бўлган ҳаёл эмас, балки амалий лойиҳа ва илоҳий фарз эканини, мусулмонлар ўзларининг шарафли тарихи ва пок динлари таълимотларига таянган ҳолда уни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилаётганларини яна бир бор тасдиқлади. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло мўмин бандаларига нусрат беришини ваъда қилиб шундай деди:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга уларни ер юзидда халифа қилишни ваъда қилди» [Нур 55]

Шунинг учун Ғарбнинг Халифалик лойиҳасини йўққа чиқариш уринишлари барибир муваффақиятсизликка маҳкум. Чунки Аллоҳнинг иродаси барча иродалардан устун. Ислом Уммати ўз онгини қайта тиклаб, уйқусидан уйғонаётир ва бирлигига эришиш, ўзининг шон-шарафи ҳамда иззатини қайта тиклаш йўлида дадил қадам қўймоқда.

Уммат ўз уйғонишида фикрат, тариқат ва робитани англаб етиб, Исломни унинг давлатида барпо этиш учун теран идрок ва онг билан ҳаракат қилмагунча муваффақиятга эришолмайди. Уйғонишимиз миллатчи режимлар ёки адаштирувчи даъватлар билан эмас, балки фақат Ислом билан ҳамда Росулulloҳ ﷺнинг давлат барпо этишдаги тариқати асосида амалга ошади. Ҳеч кимга сир эмаски, миллатчи ва ватанпарвар жамоалар мустамлакачининг воситалари ҳамда Уммат танига қадалган пичоқдир. Халифалик қулатилгандан бери парчалаш қиличи Уммат танасини чопиб келмоқда. Бу тасодиф ҳам эмас, ўзгармас тақдир ҳам эмас. Балки бу мустамлакачи кучлар миллатчи ва ватанпарвар жамоалар орқали амалга оширган

пухта ўйланган фитнанинг натижасидир. Мусулмонларнинг бирлигини бузиш ва ягона давлатини парчалашда энг катта ролни мана шу миллатчи ҳаракатлар бажариб берди.

Дарҳақиқат, кўплаб холис тадқиқотчилар ва тарих сирларидан бохабар олимлар таъкидлаганидек, бу ҳаракатлар аслида мустамлакачининг маҳсули бўлиб, мақсади сиёсий Исломни йўқотиш ҳамда миллийлик ва сунъий чегараларга асосланган бузуқ альтернативани таклиф этиш эди. Улар ватан қуришмади, балки душманга хизмат қиладиган ва Умматга зарар етказадиган функционал вужудларни ўтқазишди. Умматни озод қиламиз ва етаклаймиз, деб даъво қилган анави ҳаракатлар бўлса, аслида кофир ғарб яратган ушбу бошқарувга рози бўлишди. Улар Умматни орқасидан урилган ханжардан бошқа нарса эмас. Улар мусулмонлар бирлигидан узоқлашиб, золим ҳокимларнинг Халифалик барпо этиш учун фаолият олиб бораётганларга қарши курашиш буйруқларини бажаришяпти. Ҳатто бунинг оқибатида онгсизлик, коррупция ва тобелик кенг тарқалаётган бўлса ҳам.

Мусулмонлар юртлари устидан уларнинг мутлақ ҳукмронлиги ўрнатилганига бир аср ўтиб, улар кофир ғарб сақофатидан озиқланиб келар экан, кофир ғарб уларни қандай кўрмоқда? Улар Умматга нима беришди? Уларни ҳимоя қиладиган Халифаликдан айрилиб, нималарни йўқотишди?

Жавоб қўйидагича:

1 – Уларнинг халқлар этагини ушлаганлар қаторига киритилиши: Кофир ғарб бу картон давлатчаларнинг барчасини ҳануз «учинчи дунё давлатлари» сирасига қўшмоқда. Улар уйғонишдан ожиз, иқтисоди қулаган, илм-фан ва саноатда ҳеч қандай ютуққа эришолмаган, ҳазоратга оид истиқболи йўқ, тараққиёт лойиҳасидан маҳрум давлатлардир. Яъни, улар заифлик ва хорликка дучор бўлиб, ҳақиқий уйғониш лойиҳасига эга бўлмаган ҳолда тобелик орбитасида гир айланишмоқда.

2 – Энг катта хиёнат. Бу режимлар Уммат душманларига қарши мутлақо жанг олиб боришмади. Аксинча, яҳудий вужудини ҳимоя қилиб, уни Умматнинг моли билан қўллаб-қувватлашди. Улар босқинчиларга қарши курашиш ўрнига, Аллоҳнинг Китоби ва Росули ﷺнинг Суннати йўлидан юрадиган ҳар бир қаршилиқ ҳаракатига ва ҳақ даъватни етказаетганларга

қарши уруш очишди. Бу картон давлатлардан ҳеч бири Уммат душманлари билан жиддий урушга киришмади. Агар армиялари ҳаракат қилган бўлса, бу ё шуларнинг тахтини ҳимоя қилиш учун, ёки халқларини бостириш учун, ёхуд кофирнинг нуфузини кенгайтириб, мусулмонларни янада бўлиб ташлаган сохта ҳарбий спектакл бўйича ҳаракатга келишди. Бу ҳол бугун кўз ўнгимизда рўй бермоқда. Бунга энг ёрқин далил – яҳудий вужуди Ғазода амалга ошираётган қаттиқ қамал ва геноцид ҳақида уларнинг шармандали сўкутидир.

3 – Ислом манбаларини қуришиш. Бу режимларнинг барчаси ҳақиқий ўзгариш учун фаолият қилаётган даъват аҳлига қарши қаттиқ тўсиқ бўлиб чиқди. Шариатни ўрнатишга қаратилган ҳар қандай холис исломий ҳаракатни олабўжи қилиб тасвирлашди, ахлоқий бузуқлик ва атеизм каби сиёсий ва ижтимоий фасодга қонунийлик тусини беришди. Оқибатда бенамозлар ва закотдан қочганлар сони кўпайди, ҳижобсизлик ва ахлоқий бузуқлик кучайди. Коррупция турли кўринишларда кенг тарқалди ва Ислом ўз юртида ғариб аҳволга келди. Ҳатто унга қарши «ўртачалик ва мўътадиллик» шиори остида уруш қилинди.

4 – Иқтисодий таназзул ва молиявий кризис. Бу режимларнинг иқтисоди судхўрлик қарзлари билан вайрон қилинди, ишсизлик ортиқча ўсиб кетди, Уммат бойликлари ўғирланиб, Ғарб банкларига қайтмайдиган шаклда жойланди. На ишлаб чиқариш бўлди, на ўзини ўзи таъминлаш ва на ҳақиқий саноат. Фақат хор ва шармандаликка тўла тобелик мавжуд. Пул бирликлари қулади, ишсизлик авж олди, қарзлар кўпайди, умумий мулк ўғирланди, Умматнинг ресурслари мустамлакачилар манфаати учун талон-тарож қилинди.

Уммат ўзининг ҳақиқий мақомига фақат шу ҳокимлар ва ҳаракатларни рад этиб, Исломни аниқ ҳужжат-ишонч билан етказаяётган холис ва онгли етакчилик остида Ислом лойиҳасига қайтсагина эришади. Роббимиз бизни шунга буюрган:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي أَدْعُو إِلَى اللَّهِ عَلَىٰ بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي﴾

«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга - ишончга эгамиз»

[Юсуф 108]

5 – Жамият тўқимасини парчалаш. Улар мазҳабпарастлик ва маҳаллийчилик фитналари оловини ёқишди, Уммат қатламлари орасига шубҳа ва гумон уруғини сепишди. Бунинг барчасини Умматни эмас, режимни ҳимоя қилиш учун хизмат қиладиган мустабид хавфсизлик идоралари орқали амалга оширишди.

6 – Ғарбга мутлақ бўйсуниш. Бу режимларнинг барчаси Ғарб мустамлакачилиги соясида фаолият қилишди, унинг қарорлари ва буйруқларига бўйсунишди, Уммат тақдирини БМТ ва Халқаро Валюта Фонди каби кўфр ташкилотларига боғлаб қўйишди. Бугун мусулмонлар хор аҳволда, уларнинг устидан рувайбиза ҳокимлар ҳукмрон, улар мусулмонлар юртларини бўлиб ташлаб, зўравонлик билан бошқаришди ва энг ёмон азобларга солишди, ҳалол кишиларни таъқиб қилиб, динга нусрат бериш йўлида ҳаракат қиляётган холис ўғлонларни қамашди. Исломий юртларни кўфр давлатлари саҳнасига айлантиришди. Мусулмонларни қурбонлар ва қочқинлар деган рақамларга айлантиришди, юртларини «учинчи дунё» қаторига қўйишди. Улар устидан кўфр боши АҚШ етакчилиги остида зўравон Халқаро Валюта Фонди ва тоғут БМТ ҳукмронлик қилди. Мусулмонлар миллатлар ва давлатлар орасидаги ўз мавқеларидан маҳрум бўлишди. Ҳолбуки, уларнинг Ислом давлати асрлар давомида дунёда биринчи давлат сифатида етук мақомда бўлган эди.

Демак, Ғарб Халифаликни қулатиб, сўнг ташкил этган бу партия ва вужудлар зараркунанда давлатлардир. Улар на уйғонишга асос бўлишади, на Ислом ҳукмини ҳимоя қилишади. Уларни илдизи билан йўқ қилиб, харобалари узра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш лозим. Фақат Халифаликкини Умматни бирлаштиради, шаъну шарафини тиклайди, адолатни қарор топтиради ва мазлумларга ёрдам беради. Барчага аёнки, Халифалик қулатилгандан кейин қатор фожиавий оқибатлар юзага келди. Уларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

1 – Уммат 50дан ортиқ заиф миллий вужудларга парчаланиб кетди, Сайкс-Пико чегараларига бўйсунди. Натижада Ислом Умматининг бирлиги парчаланди, қуввати заифлашди ва у хорижий аралашувлар учун осон нишонга айланди.

2 – Ислом билан ҳукм юритиш йўқолди. Ғарбнинг инсон ўйлаб топган қонунлари ҳукмрон бўлиб, барча шаръий

аҳкомлар тўхтатилди. Натижада зулм ва коррупция кенг ёйилди, ҳеч бир жавобгарлик ёки назоратсиз қон тўкишлар авж олди.

3 – Мусулмонлар бойликлари, айниқса, нефть ва маъданлар талон-тарож қилинди, юртларига Фаластиндан тортиб Ироқ, Сурия, Яман ва бошқаларгача очиқ тажовуз қилинди. Уммат халқлари фақирлик ва маҳрумликда азоб чекаётган бир пайтда, унинг бойликлари ғарб лойиҳаларини молиялаш учун ишлатилди.

4 – Исломий ўзлик йўқолди, унинг ўрнига миллатчилик ва ватанпарварликка асосланган илмоний фикр ҳукмрон бўлиб, ал-вало вал-баро тушунчасини барбод этди.

5 – Аллоҳнинг арқонини тутмаслик оқибатида мусулмонлар пароканда бўлиб кетдилар. Ҳолбуки, Аллоҳ Таоло бизга нидо қилиб, бирликка тарғиб қилади:

﴿وَأَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا﴾

«Барчангиз Аллоҳнинг арқонига боғланинг ва бўлинманг!»

[Олим Имрон 103]

6 – Сиёсий суверенлик йўқолди. Мусулмонлар юртларидаги картон давлатлар сиёсий ва иқтисодий қарорларида ғарбга тобе бўлиб қолди. Улар ўз халқларининг манфаатларига хизмат қиладиган мустақил қарор қабул қилиш қобилятини йўқотди.

7 – Фаластин қўлдан кетди.

8 – Муслима аёл ўзининг Ислом кафолатлаган ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум бўлди, эксплуатация ва камситишга дучор қилинди, тижорат товарига айланди.

9 – Ҳақиқий уламолар ва даъватчилар четга сурилиб, уларнинг ўрнига сарой уламолари улуғланадиган бўлди. Бу аҳвол Умматни чалғитишга хизмат қилди.

10 – Ислом Уммати ўзининг Исломни ёйиш ва унга даъват қилишдаги ролини йўқотди. У энди берувчи эмас, олувчи бўлиб қолди.

Ислом давлати қулатилгандан кейин йўқотганларимиз жуда кўп, ҳаммасини санаб ўтиш имконсиз.

﴿إِنَّهُمْ يَكِيدُونَ كَيْدًا ۖ وَأَكِيدُ كَيْدًا ۖ فَمَهْلِ الْكَافِرِينَ أَمْهَلُهُمْ رُوَيْدًا﴾

«Албатта улар ҳийла-найранг қилишур. Мен ҳам бир ҳийла қилурман. Шундай экан, сиз кофирларга озгина вақт-

муҳлат беринг (қўлларидан келганини қилишсин, эртага албатта абадий жазоларини олажаклар)» [Ториқ 15-17]

Шунинг учун ҳеч бир мусулмон бу режимларга ишонмаслиги ва уларнинг шиорларига алданмаслиги лозим. Балки уларни айбланувчилар курсисига ўтқазиб, рад этиши, фақатгина Ислом лойиҳаси бўлмиш Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик лойиҳасига боғланиши лозим.

﴿وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَن يَنْصُرُهُ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларга нусрат берур» [Ҳаж 40]

Шунинг учун ҳар бир ғайратли мусулмоннинг шаръий ва сиёсий вазифаси Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш учун жиддий ҳаракат қилишдан иборат. Зеро, Росулulloҳ ﷺ бу ҳақда башорат берганлар.

Бугунги кунда Уммат бошдан кечираётган тўлғоқ азоби рошид Халифалик туғилишига тайёргарликдир. Биз бошдан кечираётган бу азоб-ўқубатлар ҳам ўзгартириш ишидаги Аллоҳнинг қонунларидан бир қисмидир. Бас, эй Ислом Уммати фарзандлари, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Сизни ўлди деганларга ишонманг. Аксинча, қўзғалинг ва танага ўз бошини жасадига қайтариш учун фаолият қилаётганлар сафига ўтинг. Ана шунда Халифалик барпо этилади, иззат-қудрат қайта тикланади ва Аллоҳнинг содиқ бандаларига ёрдам бериш ҳақидаги ваъдалари амалга ошади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилган зотларга уларни ер юзида халифа қилишни ваъда қилди»

[Нур 55]

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

«Биз пайғамбарларимизга ва мўминларга албатта нусрат берамиз»

[Ғофир 51]

﴿وَإِنَّ جُنَدَنَا لَهُمُ الْغَالِبُونَ﴾

«Албатта Бизнинг қўшинимиз ғолиб бўлгувчидирлар»

[Софот 173] □

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЖИҲОД АМИРИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ БЎЛИБ ҚОЛДИ?

**Юсуф Арслон
Ҳизб ут-Таҳрирнинг
Афғонистон вилоятидаги
матбуот бўлими аъзоси**

Ташқи ишлар вазирлиги ташқи сиёсатни тартибга солувчи замонавий муассаса. Унинг пайдо бўлиши XVII асрдаги Европага бориб тақалади. Бу вазирлик Ислом оламининг сиёсий тузилмасига Усманий Халифалик таназзули даврида кириб келди ва мусулмонларнинг ташқи сиёсатга бўлган қарашларида тўб ўзгариш ясади. Ушбу мақолада Исломда ташқи сиёсатдан мақсад даъватни олиб чиқиш ва мазлумларга ёрдам беришдан иборатлигини ҳамда бугунги кундаги ташқи ишлар вазирлиги шароитида бу имконсиз эканини баён қиламиз. Бунга сабаб, ҳозирги ташқи ишлар вазирлиги, аслида, миллий давлатнинг илмоний тузумига хизмат қилиш ва «миллий манфаатлар»ни таъминлаш учун ташкил этилган.

Замонавий ташқи ишлар вазирлиги биринчи марта 1626 йилда Францияда ташкил этилган. Ундан олдин Европада ташқи ишлар подшоҳ саройи ёки черков томонидан шахсий, диний ёки ҳокимиятга оид тўрткилар билан бошқарила эди. Бироқ миллий давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда миллий ва илмоний фикрларнинг ёйилиши билан ҳукуматларга ташқи алоқаларини бошқариш учун расмий, доимий ва тизимли идора зарур бўлди. Шундан келиб чиқиб, ташқи ишлар вазирлиги ташкил этилди ва ундан «миллий манфаатлар»га хизмат қилиш, халқаро низом билан муносабат ўрнатиш, келишувлар тузиш ҳамда сиёсий ва иқтисодий манфаатларни таъминлаш мақсад қилинди.

Бунинг акси ўлароқ, Ислом давлатининг ташқи сиёсати Ислом ақидасига ва Исломнинг оламий рисолатига асосланган. Ташқи сиёсат халифанинг асосий вазифаларидан бири эди. Бу сиёсатнинг мақсади мустамлакачилик чегараларини ҳимоя қилиш эмас эди, балки Ислом даъвати майдонини кенгайтириш, унинг йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш ва дунё миқёсида Ислом ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эди.

Миллий давлатнинг замонавий тузуми сиёсий тушунчаларни географик чегаралар ичида тор доирага солиб қўйди. Уруш

тушунчасини ҳам чеклаб, уни фақат «ерни ҳимоя қилиш» билан боғлади. Шу сабабли, уруш учун масъул шахс «жиҳод амири» эмас, балки «мудофаа вазири» дейилди. Исломда эса жиҳод фақат мудофаага чекланиб қолмайди. Балки у, аслида, динни барча динлардан ғолиб қилиш, фитнани йўқотиш ва ҳақни ўрнатиш учун бошданоқ фарз қилинган. Бу пайғамбарларнинг рисолати эди ва Ислом Уммати унга ворис бўлди. Росулulloҳ ﷺ ташқи сиёсатнинг асосини даъват, бунинг амалий йўлини жиҳод қилиб белгиладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ﴾

«Уларга қарши фитна қолмагунча жанг қилинглар»

[Бақара 193]

Росулulloҳ ﷺ нинг давлат сиёсатлари, ғазотлари, подшоҳларга йўллаган мактублари, шунингдек, рошид халифалар ва улардан кейинги халифаларнинг сиёсати ушбу ўзгармас асосни очиқ-ойдин исботлайди. Ушбу ўзгармас асос шуки, Ислом Уммати Халифаликни барпо этиши, ташқи сиёсатини даъват ва жиҳод орқали Исломни кенг ёйиш асосида татбиқ этиши ҳамда инсониятга етакчилик қилиб, уни ҳидоятга бошлаши вожиб.

Милодий XVI асрда Усманий Халифалик ташқи ишлар учун илк расмий ҳайъат ташкил этди ва унга «Раис ул-куттоб» ёки «Раис афанди» номи берилди. Бу ҳол Усманий Халифалик таназзулининг бошланиши билан бир вақтга тўғри келди. Ушбу ҳайъат насроний юнон зодагонлари томонидан бошқарилар эди. Улар Халифалик давлатининг фуқаролари бўлишса-да, Исломга амал қилишмасди. Ҳайъат марказий аҳамиятга эга эмас, балки асосан ташқи ёзишмалар билан шуғулланар эди. XVII асрда у аста-секин кенгая бошлади.

XIX асрда Европа маърифат асри таъсирида Усманий давлатда ғарбпарвар зиёлилардан иборат янги элита пайдо бўлди. Мустафо Рашид Пошо, Али Пошо, Фуод Пошо ва Митҳат Пошолар шулар жумласидандир. Айнан шу кимсалар Европа услубида ташқи ишлар вазирлиги ташкил этишди, ғарб қонунларини кўчириб олишди ва шу орқали «Танзимот даври» (1839-1876 йиллар) деб аталган даврни бошлаб беришди. Ушбу даврда, 1836 йили Усманий давлатда илк расмий ташқи ишлар вазирлиги «Назорат ул-хорижия» номи остида ташкил этилди

ва унга Мустафо Рашид Пошо етакчилик қилди. У фақат вазиргина эмас, балки Танзимот даврига асос солган «Гулхона фармони»ни тайёрлашда асосий роль ўйнади. Рашид Пошо янгиланиш йўналишига эга бўлиб, Франция ва Британиядаги дипломатик фаолияти даврида ғарб либерал фикрлари таъсирига тушган эди.

Митҳат Пошо ғарб либерал фикрларидан таъсирланган оқимнинг энг кўзга кўринган намояндаларидан бири эди. У Машрутия конституциясига илк чақирувчилардан ва 1876 йилдаги Усманий конституциясининг асосчиларидан бири бўлган. «Ислохотчилар» деб аталган бу зиёлилар Усманий давлат тузилишига ғарб либерал қийматларини киритишга интилишди. «Танзимот даври»нинг энг кўзга кўринган белгиларидан бири шуки, жиҳод амалда давлат ташқи сиёсатидан четлатилди ҳамда унинг ўрнига дипломатия ва ғарб билан миллий манфаатлар асосида муносабат ўрнатиш қўйилди.

Худди шу даврда ғарб услубида ички ишлар, адлия, таълим, молия каби бошқа вазирликлар ҳам ташкил этилди ва замонавий бюрократик тузилма киритилди ҳамда у исломий юртларда то ҳозиргача сақланиб келмоқда.

1876-1909 йилларда Халифаликни бошқарган султон Абдулҳамид II ушбу «ислохот»ларга қатъий қарши туриб, давлатда Исломнинг ўрнини тиклашга уринди. Бироқ анъанавий уламолар бу таназзулни илдизи билан ҳал қиладиган ечимга эга эмасдилар, аксинча, улар ҳар қандай ўзгаришга қарши турдилар. Бошқа томондан хорижий таъсир ва машрутия ҳаракатини ташқи қўллаб-қувватлаш йўналишининг давом этишига ёрдам берди. Шунини таъкидлаш лозимки, бу ислохотлар зоҳирда Усманий давлатни қутқаришни мақсад қилган бўлса-да, амалда уни қутқаролмади. Аксинча, унинг қулаши ва ўрнига илмоний республика барпо этилиши учун замин яратди.

Машрутия ҳаракати «Бирлик ва тараққиёт жамияти» ва Мустафо Камол каби кимсалар пайдо бўлиши билан авжига чиқди. Мустафо Камол 1924 йили Халифаликни батамом бекор қилиб, илмоний Туркия республикасини эълон қилди. Бу туб бурилишнинг таъсири фақат Туркия билан чекланмади, балки

Эрон, Афғонистон каби бошқа мусулмон юртларга қадар етиб борди.

Масалан, Эронда Усманий конституциясидан таъсирланган маршрутиячилар ва ғарбпараст муфаккирлар 1906 йили конституция ва парламент тузишни бошлашди. Маршрутияга содиқ ҳарбий сифатида фаолиятини бошлаган Ризо Шоҳ Паҳлавий ҳокимиятга келгач, давлатни янгилашга чақирган энг актив шахслардан бири бўлди. Эронни янгилаш сиёсатини Паҳлавий репрессия, давлатни марказлаштириш, форс миллатчилиги ва уламоларни сиёсатдан четлатиш асосида давом эттирди. Давлат муассасаларини Европа услубида қайта ташкил этди ҳамда Британия ва ғарбпараст элита кўмагида Эронни илмоний давлат сари йўналтирди. Бу ҳаракат, ўзидаги ғарб таъсирлари билан, Эрон жамиятини то бугунга қадар ғарб кадриятлари ботқоғига ботириб қўйди.

Афғонистонга келсак, XX асрнинг 20-йилларида Омонуллоҳ Хон Туркия тажрибасидан илҳомланиб, монархия тузумини ислоҳ қилиш ва уни замонавий қонунлар билан алмаштиришга ҳаракат қилди. Бу йўналишда энг таъсирли шахслардан бири Усманий ислоҳот ҳаракатидан қаттиқ таъсирланган Маҳмуд Таразий бўлди. У Халифалик ҳудудида бир неча йил яшаганидан сўнг Афғонистонга қайтгач, журналлар таъсис этди ва янгиланиш фикрларини тарқатди. У Омонуллоҳ Хон ва баъзи етакчиларнинг фикрини шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Маҳмуд Таразий Афғонистондаги маршрутия ҳаракатининг фикрий асосчиси ҳисобланади. У орқали давлат муассасаларини, жумладан ташқи ишлар вазирлигини ғарб услубида ташкил этиш жараёни бошланди.

1919 йили Маҳмуд Таразий Афғонистоннинг илк расмий ташқи ишлар вазири этиб тайинланди. Шу вақтдан юртнинг ташқи сиёсатини систематик равишда «илмонийлаштириш» жараёни бошланди.

Ташқи ишлар вазирлиги ўзининг замонавий тузилмаси билан илмоний муассасадир. Унинг асосий вазифаси миллий давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, халқаро муносабатларни тартибга солиш ва халқаро кучлар билан алоқа қилишдан иборат. Уларнинг уруш ҳолатидаги кучлар бўлиш-бўлмаслигининг фарқи йўқ. Ташқи ишлар вазирлиги миллий давлатлар глобал тузумга хизмат қилиши ва либерал

қадриятлар доирасида фаолият юритиши учун тузилган. Шу сабабли, исломий давлатлар ташқи ишлар вазирликларининг ғазо масаласи каби инқирозларда фақат оғзаки қоралов баёнотлар билан чекланиб, амалий қадам ташламаётгани ажабланарли эмас.

Бугунги ташқи ишлар вазирлиги ғарб тушунчалари асосига қурилган муассаса бўлгани учун, табиийки, унинг раҳбарлари ғарб қадриятларига мойил, исломий тафаккурдан маҳрум ҳамда фақат манфаат ва муроса мантиғи устун бўлган кимсалардир. Бу йўналиш янги эмас. Чунки Усманий давлатдаги илк ташқи ишлар идораси Исломга алоқаси йўқ насроний юнон элиталари томонидан бошқарилган. XIX асрда уни Рашид Пошо каби ғарбпараст малайлар бошқарди. Бугун эса Ислом оламидаги ташқи ишлар вазирликлари Ислом аҳкомларига амал қилмайдиган шахслар томонидан бошқарилмоқда. Улар манфаатни принципдан устун қўйишни яхши ўзлаштирган бўлиб, Исломий мақсадларни фақат хаёлий шиор ёки сиёсий тўсиқ деб билишади.

Исломий юртларнинг ташқи ишлар вазирлиги Усманий Халифалик таназзули даври маҳсули ва ғарб илманий фикрининг бевосита натижасидир. У Исломни даъват ва жиҳод орқали ғолиб қилишга асосланган Исломий ташқи сиёсатнинг ўрнига келган. Шу билан Умматнинг ташқи сиёсати оламий рисолатдан мағлуб дипломатияга айланиб, унинг йўналиши иқтисодий, ўзи миллий давлатлар чегаралари билан чекланган ҳолга келди.

Агар Уммат ўз Исломий ташқи сиёсатининг аслига қайтмаса ва Халифалик давлати доирасида жиҳоднинг ролини қайта тирилтирмаса, ташқи ишлар вазирлиги Исломий манҳажни амалга ошириш у ёқда турсин, унга хоҳиш ҳам билдирмайди. Гарчи унинг масъуллари соқолли, саллали ва исломий лақаб олишган бўлса ҳам! □

«РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ» ЛОЙИҲАСИ ВА «TIR» ТИЗИМИ – ИНВЕСТИЦИЯ НИҚОБИ ОРТИГА ЯШИРИНГАН ИҚТИСОДИЙ МУСТАМЛАКАЧИЛИК ЛОЙИҲАСИДИР

Баҳо Ҳусайний

Ироқ ҳукумати бугун «Ривожланиш йўли» деб аталган, Гранд-Фао порти лойиҳасини амалга оширишга жадал киришмоқда. Маълумки бу лойиҳа айни портни Форс кўрфази билан боғлаб, Ироқ орқали Туркия ва Европага чиқишни кўзда тутувчи лойиҳадир. Ушбу жараён ҳозирда TIR (Халқаро Автомобил Транспорти) тизимини жорий этиш билан бир вақтда амалга оширилмоқда. Лойиҳа гўё иқтисодий уйғониш ва савдо риштаси сифатида тақдим этилиб, Ироққа унинг цивилизацион ролини қайтариши даъво қилинмоқда. Аслида эса, бу ташаббус Ироқнинг бойликлари ва географик мавқеи устидан Ғарб-Туркия-Форс кўрфази ҳукмронлик қилиш тизимининг бир қисми, холос. Шунингдек, бу ташаббус халқаро йўлаклар ва энергия тақсимотининг бир бўлаги бўлиб, Умматнинг иродаси ва ҳақиқий манфаатидан йироқдир.

Биринчи: «Ривожланиш йўли» лойиҳаси ва халқаро TIR тизими нима?

«Ривожланиш йўли» бу автомобил йўли ва темир йўлдан иборат бўлиб, Гранд-Фао портидан бошланади. У жанубий ва марказий вилоятлар — Басра, Зиқор, Бобил, Бағдод ва бошқалардан ўтиб, шимолда Ниноя орқали Захода якунланади. Сўнг Туркия орқали Европага ўтади.

TIR тизими бу БМТ ва Халқаро Автомобил Транспорти Уюшмаси (IRU) назорати остида жорий этиладиган халқаро божхона тизимидир. У юкларнинг ўтиб кетишини тезлаштириб, ҳар бир давлатда қайта-қайта божхона текширувларига йўл қўймайди, чунки бу ягона муҳр ва электрон кузатув орқали амалга оширилади.

Назорат воситалари қуйидагилардан иборат: божхона органларига олдиндан маълумот юбориш учун TIR-EPD платформаси; юк машиналарини кузатиш учун Ироқнинг «Урук» платформаси; шунингдек, сунъий йўлдошлар орқали фазовий кузатув қурилмалари.

Иккинчи: Лойиҳанинг асл моҳияти ва унинг мустамлакачилик кўлами:

Зоҳирда:

Европадан Форс кўрфазига юк ташиш вақтини 60–80 фоизга қисқартириш, юк ташиш харажатларини эса 38 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Инвеститсиялар, иш ўринлари яратиш ва инфратузилмани ривожлантириш.

Аслида:

Бу жараён Ироқ суверенитетини ташқи кучлар манфаатлари йўлида гаровга қўймоқда:

Туркия ўз ҳудуди орқали юкларни Европага йўналтиришдан геосиёсий жиҳатдан фойда кўрмоқда.

Форс кўрфази давлатлари Эрон ва Сувайш каналига бўлган боғлиқликка барҳам беради. Ғарб эса ресурслар учун тезкор қуруқлик йўлини қўлга киритиб, денгиз хавфсизлигига муҳтож бўлмайди.

Ироқ фақат транзит йўли, марказ эмас:

Бу лойиҳа саноатни ҳам, қишлоқ хўжалигини ҳам юксалтирмайди, балки Ироқни транзит йўлакка айлантиради.

Давлатнинг ишлаб чиқариш қувватини ривожлантиришга қаратилган миллий стратегия мавжуд эмас.

Хорижий компаниялар ҳукмронлиги:

Лойиҳани бажарувчи ҳамда йўл ва хизматларни бошқарувчи компаниялар Туркия, Хитой ва Форс кўрфази компанияларидир.

Бошқарув шартномалари эса ўн йиллаб давом этиб, Жаҳон Банки ва Ғарб ташкилотлари назорати остида амалга оширилади.

Халқ иродаси ва Умматнинг четлатилиши:

Лойиҳа Умматга тақдим этилмади.

У на шаръий назоратга, на ҳақиқий сиёсий жавобгарликка бўйсундирилмайди.

Учинчи: хавфсизлик ва сиёсий камчиликлар

Хавфсизлик жиҳатидан сушт ҳудудлар — Ниноя, Анбар ва чегара минтақалари.

Бу ерларда қурол контрабандаси хавфи, қуролланган гуруҳлар фаолияти ва барқарорликка таҳдид мавжуд.

Марказий ҳукуматнинг айрим вилоятлар устидан назорати сушт.

Суверенитет устидан ташқи назорат:

Туркия мазкур лойиҳадан Ниноя ва чегара йўлакларида ўз нуфузини кучайтириш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин.

Форс кўрфази давлатлари эса инвестиция ниқоблари орқали иқтисодий кириб боришга интилмоқда.

Шаффофликнинг йўқлиги:

Омма учун эълон қилинган шартномалар мавжуд эмас.

Даромадларнинг тақдири номаълум бўлиб, уларнинг «давлат ортидаги давлат» воситалари орқали талон-торож қилиниши тахмин қилинмоқда.

Тўртинчи: Даромадларни ким назорат қилади?

Ўтиш тўловлари, божхона тўловлари ва суғурта маблағлари молия вазирлиги, божхона қўмитаси ва чегара йўлаклари бошқармасига йўналтирилади. Бироқ улар маълум сиёсий ва маъмурий коррупция муҳитида бошқариляпти.

Маблағларнинг халқ манфаати ёки миллий инфратузилмани ривожлантириш учун сарфланишига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Бешинчи: Лойиҳага шаръий муносабат

TIR тизими ва унга доир шартномалар Ғарб ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳукмронлиги остида бўлиб, кутилаётган Ислом Давлати барпо этилган тақдирда, уни ўз савдосини шариат ҳукмларига мувофиқ тарзда мустақил назорат қилиш қобилиятидан маҳрум қилади.

Лойиҳа Ироқни иқтисодий жиҳатдан тобе қилади, ўз ички салоҳиятига таяна олмайди. Шу билан бирга, у Исломдаги иқтисодий ва сиёсий мустақиллик тамойилига зиддир.

Уммат қарор қабул қилишда иштирок этмайди. Ҳақиқий ҳокимият Умматга эмас, балки чет элликлар ва компанияларга тегишли. Бу ҳолат ҳокимиятнинг асли Умматникидир деган асосий қондани бузади.

Шаръий ечим: Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик тuzуми

Албатта, ҳақиқий иқтисодий уйғониш ва Ироқнинг табиий бойликлари ҳамда географик жойлашувидан самарали фойдаланишни кафолатлаш мамлакатни мустамлакачилик лойиҳаларига боғлаш орқали юзага келмайди. Балки бу қуйидагилар орқали амалга ошади:

Географик жойлашув ва бойликларни мустамлакачи кофир манфаатига эмас, балки Ислом йўлида сафарбар этувчи

Пайғамбарлик минҳожиди асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш.

Уммати ташқи муҳтожликдан озод этувчи ўзини ўзи таъминлаш режаси доирасида транспорт, саноат ва қишлоқ хўжалиги тизимини яратиш.

Сиёсий ва иқтисодий иродани ғарбга тобеликдан озод қилиш ҳамда ҳар бир лойиҳани шаръий назоратга бўйсундириш.

Лойиҳани Ислом рисоласини зиммасига олган Уммати лойиҳасига айлантириш, уни фақат юк машиналарини ўтказадиган ва мустамлакачининг ҳукмронлигини амалга оширадиган қўғирчоқ давлат даражасида қолдирмаслик.

Эй Ироқдаги мусулмонлар!

Иқтисодий шиорларнинг зийнатли безакларига алданманг. Ривожланиш ва инвестиция номи билан юртингизнинг сотилишига рози бўлманг.

Бойликларингиз ва географик мавқеингиз исломий лойиҳангиз хизматида бўлишини талаб қилинг.

Суверенитетга хиёнат қилаётган ҳамда Ғарб, Туркия ва Форс кўрфази билан сизларнинг манфаатларингиз ҳисобидан тил бириктираётган ҳукмдорлар ва агентлардан ҳисоб сўранглар.

Ҳақиқий уйғониш ҳам, суверенитет ҳам, қадр-қиммат ҳам Аллоҳнинг шариати билан ҳукм юритадиган ва Уммати эксплуатация, хорлик ва тобеликдан ҳимоя қиладиган Халифалик давлатидагина амалга ошади.

﴿إِنِ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ﴾

«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир»

[Юсуф 40] □

**ТУШУНЧАЛАР ЎЗГАРИШИ БИЛАН ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАМ
ЎЗГАРАДИ
ХАНСО БУНГА ЁРҚИН МИСОЛДИР**

Райён Ийсо – Мосул

Буюк Ислом ҳукмлар, ибратлар, мукаммал тартиб ва шаръий қонунлардан иборат бўлиб, одамларни бахтсизлик ва таназзул ҳолатидан юксаклик, иззат, фахр ҳолатига кўтарди, майда ишлар билан ўралашмайдиган даражага олиб чиқди. Бугунги мавзумизда биз Исломнинг илк даврида мусулмонлар ҳаётидаги жуда кўп ибратли воқеалардан фақатгина биттасига тўхталамиз.

Саййидимиз, пайғамбаримиз ва ҳабибимиз Муҳаммад ﷺ қалбига нозил қилинган Ислом даъвати, албатта, фақат эркакларга хос бўлиб қолмаган. Балки, аёллар ҳам ўша муборак даъватнинг марказида туриб, АллоҳАзза ва Жалланинг каломини улуғлаш йўлида жонларини фидо қилдилар. Бунга шаҳида Сумайя бинти Хайёт биз учун энг яқин мисолдир. У Ислом билан шарафланганига қисқа муддат бўлганига қарамай Ислом йўлида шаҳид бўлган биринчи аёл эди. Шундан биз динимизнинг нақадар буюклигини ва унинг барча инсонларни қамраб олишини англаймиз. Чунки ҳар қандай инсон Исломга кирса, унинг зиммасига шу дин учун Абу Бакр Сиддиқ, Умар Форуқ, Усмон Зиннурайн ва Али Каррор у каби улуғ саҳобалар сингари масъулият тушади.

Шу нуқтаи назардан биз улуғ саҳобия Хансо – Тамозир бинти Амр ибн Ҳориснинг сийратига тўхталамиз. У буюк Ислом тарихида катта таъсир қолдирган аёл бўлган. Росулulloҳ ﷺ уни «Арабларнинг энг кучли шоири» деб таърифлаганлар. Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه уни ҳар сафар кўрганида, ундан шеърларидан айтиб беришини сўрар эди. Чунки унинг шеърлари гўзаллиги ва осонлиги билан қалбга беихтиёр кириб борар, гўё зилол сув жилвасидай таъсир этар эди. Шунингдек, тилшунослар «Хансо» сўзининг луғавий маъноси «оҳу» эканини қайд этганлар.

Хансо ҳижратнинг саккизинчи йили Макка фатҳидан кейин Исломни қабул қилди. У ўз қабиласи Бану Сулайм вакиллари билан Росулulloҳ ﷺ ҳузурига ташриф буюрди ва Аллоҳ Таолонинг фазли билан унинг Исломи гўзал бўлди. Росулulloҳ ﷺ унинг шеърларини тинглаб, унга:

«هَيْهَ يَا خُنْسَاءُ!»

«Ҳайда, ё Хансо!» дер эдилар.

Хансо жоҳилият даврида ўлдирилган акалари Сахр ва Муовия учун кўп йиғлаган, бунни кўпчилик билади. Хансонинг бу ҳақда жуда кўп байтлари бор. Ҳатто бу мотам унинг шеъриятида Исломдан кейин ҳам устувор бўлиб қолган.

Хансо акаси Сахр ҳақида бундай марсия айтди:

Оқаётган ғуборми-ёшми, оғрияптими ё кўзларим?

Хонадон аҳлим биттику, ё битмасму ёшларим?

Эсласам акамни доим ёшларим ёноқларим ювар,
Сахр учун бўзлаяпман, йиғи билан беқарор турар.

Унинг танаси янги ҳали, тупроқ остида ётар,

Хансо умри бор экан, ҳамиша йиғлаб ўтар.

Нолалари ҳеч сўнмас, ожиза ҳеч нарсa қилолмас,

Сахр учун йиғлаб Хансо, ҳақлидир бўзлаб кетар,

Замон Хансога зулм қилди, зотан, зарар келмай нетар.

Хансонинг бу ҳоли ҳақида қавмидан айримлар Росулulloҳ ﷺ нинг халифаси Умар ибн Хаттоб  га шикоят қиладилар. Чунки акаси ҳақида айтган шеър ва марсиялари шундай тарзда ифодаланган эдики, бундан унинг Аллоҳнинг қазо ва ҳикматига сабр қилмаётгани кўриниб турар эди.

Айтишларича, Хансо бир эҳтиёж билан йўлга чиқиб, Мадинадан ўтиб қолади, у билан қавмидан бир неча киши ҳам бўлади. Умар ибн Хаттоб  нинг ҳузурига боришганда, мана ўша Хансо, унга насиҳат қилиб қўйсангиз, яхши бўларди, йиғиси жоҳилиятда ҳам бор эди, Исломда ҳам тўхтамаяпти, дейишади. Умар  туриб, яқинлашади ва «Эй Хансо!», дейди. Хансо бошини кўтариб: Мендан нима истайсиз? – дейди.

Умар: Кўзингизнинг чети нимадан яраланди?

Хансо: Бу Музар саййидлари учун йиғлаганим сабабли бўлди.

Умар: Улар жоҳилиятда ҳалок бўлишди, жаҳаннам ўтинларидир.

Хансо: Отам-онам сизга фидо бўлсин, шунинг учун ҳам мен ёниб-аламланяпманда.

Умар: Менга шеърларингиздан ўқиб беринг.

Хансо: Мен сизга бугунгача айтганларимдан эмас, балки ҳозир айтганимдан ўқиб бераман, дейди ва бир неча байт ўқиб

беради. Шунда Умар  «Уни тек қўйинглар, у умрбод ғамгин бўлиб ўтади», дейди ва уни бу байтларидан қайтармайди, аксинча Хансога ичи ачишиб, унга юмшоқ муомала қилади.

Бу Хансонинг жоҳилиятда ва Ислоннинг қисқа даврида икки акаси билан бўлган ҳолати ҳақида эди. Аммо Исломига келсак, дин қалбининг энг тўрида пухта жойлашди. Ўз динини яхши тушунди ва ҳаётга нима мақсадда келганини тўғри англади. Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг Араб ярим оролидан ташқаридаги илк фатҳларида иштирок этишга шошилди. Ўғиллари билан бирга Ироқни фатҳ этиш учун йўл олди. Бу фатҳ Ислоннинг алп-арслонларидан бири Саъд ибн Абу Ваққос  саркардалиги остида амалга ошди. Жанг бошланадиган кечада Хансо тўрт нафар ўғлига бундай дейди: «Эй ўғилларим! Сиз Ислонни ихтиёран қабул қилдингиз, ҳижратга ҳам ўз хоҳишингиз билан чиқдингиз. Ундан бошқа илоҳ йўқ бўлган Аллоҳга қасам! Албатта, сиз бир отанинг фарзандлари бўлганингиздек, бир онадан туғилдингиз. Мен отангизга хиёнат қилган эмасман, тоғангизни шарманда қилган эмасман, насабингизни пастлатган эмасман ва сулолангизни булғаган эмасман. Ўзингизга яхши маълум: Аллоҳ мусулмонлар учун кофирларга қарши урушда улкан мукофот тайёрлаб қўйган. Шунинг билан, абадий диёр фоний диёрдан афзалдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй мўминлар, сабр қилинг ва сабру тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлинг ҳамда доимо (жиҳод учун белингиз боғлиқ ҳолда) ҳозир турунг! Ва Аллоҳдан қўрқингизким, (шунда) шояд нажот топгайсиз!» [Оли Имрон 200]

Эрталаб – Аллоҳнинг изни ила – соғ-саломат турсангиз, душманингизга қарши жангга ақл-фаросат билан киришинг ва Аллоҳдан Унинг душманлари устидан нусрат беришини сўранг. Жангга қаранг, агар у ўз пойчасини шимариб, этакларини кўтариб, шиддат билан бошланса, қўшинни олов тиллари ўз исканжасига тортса, сиз айнан ўша пайт аланга қаърига ўзингизни отинг. Уруш энг авжига чиққанида урушнинг калласини олинг, ана шунда ўлжа ҳам сизники бўлади, иззат-шараф ҳам, жаннатдаги мангу диёрда муқим бўлиш ҳам сизники бўлади».

Фарзандлари унинг васиятини тингладилар, сўнг Қодисия жангига кириб, барчалари шаҳид бўлдилар, биттаси ҳам оналари олдиға қайтмади. Фарзандларининг вафоти ҳақида хабар Хансоға етиб келганда, у на ваҳимаға тушди, на улар учун акалари Сахрга йиғлаганидек йиғлади. Балки сабр қилди ва машҳур сўзини айтди: «Мени ўғилларимнинг шаҳидлиги билан шарафлантирган Аллоҳға ҳамд бўлсин! Роббимдан Ўзининг раҳматида улар билан қовуштиришини сўрайман».

Умар ибн Хаттоб  Хансоға тўрт фарзандининг маошини бериб турарди. Улардан ҳар бириға 200 дирҳамдан бериларди. Бу ҳолат Хансо  вафот этгунига қадар давом этди.

Шу тариқа, Ислом Хансонинг ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимға нисбатан тушунчалари, фикрлаши ва турмуш тарзини ўзгартирди. Ўз фарзандлари – жигарпораларини бир кунда йўқотиб мусибатланганиға қарамай, фарзандларига атаб битта бўлса ҳам марсия айтгани ривоят қилинмаган.

Шундан келиб чиқиб айтмоқчимизки, мусулмон ўз эътиқоди, турмуш тарзи ва ҳаётдаги позициясини Ислом фикри ва тушунчалари асосида ўзгартирмаган бўлса, ўз воқелигини ҳам шунга асосламаган бўлса, демак, у ўз динини тушуниб етмабди, Ислом билан бўлган муносабатида уни ҳаёт минҳожи қилиб олмабди. Агар шундай қилса бу йўл уни Аллоҳ Таолонинг ризосига элтиши, Аллоҳнинг раҳматиға ноил қилиб, жаннатға киритиши мумкин. Аллоҳға қасамки, мана шу энг буюк ютуқдир.

Ё Аллоҳ! Ҳар бир нарсани қамраб олган раҳматинг, караминг ва фазлинг ила бизға раҳм айла. Бизни саййидимиз ва етакчимиз Мухаммад  ҳамда саҳобалар у билан афв ва раҳматинг қароргоҳида жамул-жам айла, эй раҳмдилларнинг раҳмлиси!

Улуғ саҳобаларнинг порлоқ номлари орасида Мусъаб ибн Умайр ﷺ фидойилик ва собитқадамликда ёрқин намунадир. Бу зот даъват машъаласини унинг илк давридаёқ кўтариб чиқди. Макканинг энг афзал ёшларидан бири бўлиб, чиройи, хушбўйлиги ва фаровон ҳаёти билан танилди. Саҳобалар: «Биз Маккада Мусъаб ибн Умайрдан фаровонроқ ҳаёт кечирган кишини кўрмаганмиз», деб гувоҳлик берганлар.

Бу улуғ саҳобий, жамиятда юқори мавқега эга бўлишига қарамай, яшарин даъватнинг бошидаёқ Росулulloҳ ﷺ нинг даъватидан таъсирланиб Исломни қабул қилди. Онаси Ханнос бинти Молик унинг Исломга кирганини эшитганда унга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ҳатто уни Росулulloҳ ﷺ билан учрашишдан тўсиш учун уйига қамаб қўйди. Аммо Мусъаб ﷺ динида собит қолди ва янада кўпроқ иймон, қатъият ва азм билан йўлини давом эттирди.

Биринчи Ақаба байъатидан кейин Росулulloҳ ﷺ Мусъаб ибн Умайрни Мадинага Исломнинг илк даъватчиси ва элчиси сифатида танладилар. Шу тариқа, у ерда мусулмон жамиятининг илк пойдеворини қуриш шарафи шу инсонга насиб этди. Мадинада унинг қўлида Исломни қабул қилганлардан энг машҳурлари Асъад ибн Зурора, Саъд ибн Муоз ва Усайд ибн Ҳузайр бўлди. Барчалари Исломнинг биринчи давлатини барпо этишда асосий роль ўйнадилар.

Мусъаб ﷺ Бадр ғазотида қатнашди, Уҳуд ғазотида эса мусулмонлар байроқдори бўлди. У жасорат билан жанг қилди ва Росулulloҳ ﷺ ни ҳимоя қилиб, шаҳид бўлди. Байроқни ушлаб турган ҳолда икки қўли кесилди, шунда байроқ ерга тушди ва саҳобалар уни кўтариб олдилар. Жангдан кейин унинг пок жасади топилганда, унга тўлиқ кафан топилмади: бошини ёпсалар, оёқлари кўриниб қолар, оёқларини ёпсалар, боши кўриниб қоларди.

Ҳа, шундай. Иймон инсоннинг йўлини ўзгартиради ва фаровон мўл-кўл ҳаётдан кечиб, мабда йўлида ўзини қурбон қилувчи зотга айлантиради. Чунки ёшлар исломий ҳаётни қайта бошлаш учун даъватнинг оғир масъулиятини кўтаришга қодирдир. Мусъаб ﷺ бунинг ёрқин намунаси ва ибрат

манбаидир. Бир яхши сўз киши қалбини очиши ва ўзгариш олиб келиши мумкин, агар у истаса. Мусъабнинг сийрати саҳобий ҳақидаги шунчаки бир ҳикоя эмас, балки сабот, содиқлик ва ихлосда чуқур дарсдир. У қисқа умр кўрди, аммо гўзал таассуротга лиммо-лим умр кечирди.

Ҳақиқатда, Мусъаб  Ислоннинг биринчи элчиси ва Ислонга ҳақиқий ўзгариш олиб келган пешқадамлардан бири эди. Келинг, қалбларимизда иймон чироғини ёқайлик, Мусъаб каби байроқни кўтариб, ҳаётимизни роҳат-фаровонликка эмас рисолатга айлантирайлик, кунларимизни креслога эмас минбарга айлантирайлик. Сиз бу замоннинг мусъаби бўлинг! Чунки Уммат ҳамон интизорлик билан кутмоқда.

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

АСР СУРАСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالْعَصْرِ ۱ إِنَّ الْإِنْسَانَ لَفِي خُسْرٍ ۚ إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَاصَوْا

بِالْحَقِّ وَتَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ ۝۳﴾

«Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар)» [Аср 1-3]

Росим Абу Маъмун Хотир

Аср сураси ҳижратдан олдин нозил қилинган маккий сурадир. У уч оятдан иборат бўлиб, Кавсар ва Наср суралари каби Қуръоннинг энг қисқа сураларидан бири ҳисобланади. Унга Аср сураси номи берилгани Роббимиз асрга қасам ичгани билан боғлиқ бўлиб, у замон ёки унинг бир қисмини англатади.

Аср сурасининг оятлари оз ва қисқа бўлишига қарамай, далолатлари кўп, маънолари улуғ ва асослари балоғатлидир. У Ислом манҳажи ва усулини жамлаб, диннинг белгиларини ва рукнларини намоён қилди, Қуръон илмлари ва мақсадларини ўз ичига олди. Жуда ихчам ва энг гўзал баён услубида Аср сураси инсоннинг бахти ёки бахтсизлиги нимада эканини изоҳлади, ғалаба ва муваффақият сабабларини зиён ва йўқотишдан ажратиб баён қилди. Имом Шофеий] бу сура ҳақида шундай деганлар: «Агар Аллоҳ Таоло одамларга шу сурадан бошқа ҳужжат нозил қилмаганида ҳам, у уларга етарли бўлар эди».

Аср сураси ҳақида тафаккур қилинганда қуйидагича ҳулосалар чиқади:

1 – Аср вақтига қасам. Аммо нега Роббимиз қасам ичди? Биз унга ишонишимиз учунми? Албатта йўқ. Чунки Аллоҳ ҳақдир ва У ҳақдан бошқани айтмайди. Демак, У бизга айтган ва хабар берган нарсаларнинг муҳимлигига эътибор беришимиз учун

қасам ичди. Шундай қилиб, сура қизиқтирувчи очилиш билан бошланди. Аср сураси қасам услуби билан бошланади. Қасам – таъкид услубларидан бири бўлиб, ундан кейин келадиган маънонинг нақадар аҳамиятли эканини билдиради. Бу эътибор ва диққат қаратилмоғи исталган нутқ услубларидан ҳисобланади. Аллоҳ Таоло асрга қасам ичди. Чунки у аҳамиятли, мақоми улкан ва мартабаси улғудир. Шу билан бирга, у ажойиботларга тўла: бир уммат кетади, бошқаси келади; тақдир ҳукмлари ижро этилади, аломатлар намоён бўлади. Вақт эса ўзгармас ҳолатда қолади: кеча ортидан кун келади, кунни эса кеча ҳайдайди.

2 – «الْإِنْسَانِ» Инсон» сўзидаги «ал» таъриф ҳарфи умумийликни англатади. Яъни ҳар бир инсон – оқ ёки қора, бой ёки камбағал, араб ёки ажамлигидан қатъий назар – барчаси зиёндадир. Бу эса ҳар бир инсоннинг тўлиқ зиёнда эканини исботлайди. Аср сураси инсонларни икки тоифага ажратиб кўрсатади: бири зиёнга учраган тоифа, иккинчиси эса хорлик нажот топиб, умумий зиёндан мустасно қилинган тоифа. Улар Аллоҳ Таоло ушбу сурада мустасно этганлардир.

3 – Аллоҳ Таолонинг (لَفِي خُسْرٍ) деган қавли инсоннинг зиёнга ғарқ бўлганини ва унинг ҳар томондан зиён билан ўраб олинганини англатади. Бу ифода «Албатта инсон хосир (зиён кўрувчи)дир» дегандан кўра балоғатлироқ маънони ифодалайди. Зиён фойданинг акси бўлиб, унинг маъноси ҳалокат ва камайишдир. Аср сурасида зиёндан мурод эса дўзахга кириш, Жабборнинг ғазабига дучор бўлиш, жаннатга кирмаслик ва Аллоҳ Таолонинг розилигига ета олмасликдир. (لَفِي)даги таъкид ломи инсон уни ҳар тарафдан ўраб турган зиёнга кўмилганини билдиради. Шунинг учун инсон нажот йўлини қидириши лозим. Кофир ҳам, мунофиқ ҳам, мушрик ҳам, муртад ҳам хосирдир. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай деган:

﴿وَمَنْ يَتَّخِذِ الشَّيْطَانَ وَلِيًّا مِّن دُونِ اللَّهِ فَقَدْ خَسِرَ خُسْرًا مُّبِينًا﴾

«Кимки Аллоҳни қўйиб шайтонни дўст тутса, бас, у очиқдан-очиқ зиён қилибди» [Нисо 119]

﴿وَحَسِرَ هُنَالِكَ الْكَافِرُونَ﴾

«Ва ўшанда кофирлар зиёнкор бўлишди»

[Ғофир 85]

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِرِينَ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир» [Оли Имрон 85]

4 – Сўнгра Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَّصَوْا بِالْحَقِّ وَتَوَّصَوْا بِالصَّبْرِ﴾

«Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу Ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар)» [Аср 3]

Бу ҳар бир инсонга етадиган умумий зиёндан мустаснодир. Зиёндан фақат иймон келтириш, солиҳ амал қилиш, бир-бирига ҳақни ва сабрни тавсия қилиш билан сифатланганларгина қутулиб қоладилар. Демак, айнан шу «илло» инсонни зиёндан нажот берувчи шартдир. У қуйидагилардан иборат:

1 – Аллоҳ буюрган ҳар бир нарсага иймон келтириш.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا ءَامِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ءَالِكِتِبِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَى رَسُولِهِ ءَالِكِتِبِ الَّذِي نَزَّلَ مِنْ قَبْلُ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَكِئَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ ءَالْأَخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«Эй мўминлар! Аллоҳга, Унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган китобларига иймонингиз комил бўлсин. Кимки Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди»

[Нисо 136]

2 – Солиҳ амал. Солиҳ амал Аллоҳнинг ҳақларига оид ҳамда бандаларининг ҳақларига оид фарз ва мустаҳаб бўлган барча яхшиликларни ўз ичига олади. Солиҳ амал шаръий буйруқларга амал қилиш ва тақиқланган ишлардан тийилишдир. «Солиҳот» сўзидаги «ал» таъриф ҳарфи жинс таърифи бўлиб, у умумийликни англатади. Демак у барча солиҳ амалларни ўз ичига олади ва улар уч доирани ҳам ўз ичига олади: Банданинг Роббиси билан алоқаси, яъни ақоид ва ибодатлар, масалан намоз, рўза ва дуо. Инсоннинг ўзи билан алоқаси, яъни кийим-кечак ва емишлар. Инсоннинг бошқалар билан алоқаси

муомала ва жазоларни ўз ичига олади. Солиҳ амал иймоннинг меваси бўлиб, ундан ажралмайди. У иймоннинг пок белгилари ва етилган самараларидандир.

Солиҳ амалнинг Аллоҳ Таолонинг ҳузурида қабул бўлиши учун унда икки шарт топилиши зарур:

а) Амал холис ният билан бажарилиши, яъни фақатгина Аллоҳ Таолонинг розилиги учун адо этилиши лозим. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى»

«Амаллар ниятларга боғлиқдир. Ҳар бир кишига ниятига яраша (ажр берилади)». (Бухорий ва Муслим ривояти). Яна Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ لَا يَقْبَلُ مِنَ الْعَمَلِ إِلَّا مَا كَانَ لَهُ خَالِصًا وَابْتِغَى بِهِ وَجْهَهُ»

«Аллоҳ Таоло фақат Ўзи учун холис қилинган ва розилиги исталган амалнигина қабул қилади». (Насоий ривояти).

б) Амал Суннатга мувофиқ бўлиши. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿لَيَبْلُوكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا﴾

«Сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун» [Мулк 2]

Имом Розий шундай деган: «Амал энг холис ва энг тўғри бўлиши шарт. Агар амал холис бўлиб, лекин тўғри бўлмаса, қабул қилинмайди. Шунингдек, агар амал тўғри бўлиб, аммо холис бўлмаса ҳам қабул қилинмайди. Холислик – амал фақат Аллоҳ Таолонинг розилиги учун бўлиши, тўғрилиқ эса – Суннатга мувофиқ келишидир».

3 – Ҳақни тавсия қилиш. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ﴾

(Бир-бирларига Ҳақ (ўйли)ни тавсия қилганлар). Тавосий – ўзаро насиҳат қилишдир. Росулulloҳ ﷺ дедилар:

«الَّذِينَ النَّصِيحَةُ، قَالُوا: لِمَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأُمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَاقِبَتِهِمْ»

«Дин насиҳатдир». Саҳобалар: «Кимга, эй Аллоҳнинг Росули?» деб сўрадилар. У зот ﷺ: «Аллоҳга, Унинг Китобига, Росулига, мусулмонларнинг имомларига ва оммасига»,

дедилар. (Бухорий ва Муслим ривояти). Али ибн Абу Толиб عليه السلام шундай деганлар: «Мўминлар насиҳатчи, мунофиқлар эса алдоқчидир». Ҳақни тавсия қилиш солиҳ амаллардан биридир. Аллоҳ Таоло у аҳамиятли бўлгани учун алоҳида зикр этди ва унга эътиборни қаратди. Чунки баъзи одамлар нажот топиш учун фақат иймон келтириб, солиҳ амал қилиш кифоя деб ўйлайдилар ва бошқаларнинг аҳволи уларни қизиқтирмайди.

4 – Сабрни тавсия қилиш. Аллоҳ Таоло марҳамат қилади:

﴿وَتَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ﴾

(Бир-бирларига (мана шу ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия қилганлар). Қандай қилиб биз ҳақни тавсия қилишга муҳтож бўлсак, худди шундай сабрни тавсия қилишга ҳам муҳтожмиз. Яъни Аллоҳга итоатда сабрни тавсия қилиш, Аллоҳнинг маъсиятидан тийилишда сабрни тавсия қилиш ва Аллоҳнинг оғир тақдирларига сабрни тавсия қилиш лозим. Аллоҳ Таоло сабрни тавсия қилишни ҳақни тавсия қилишга улади. Ҳолбуки, сабрни тавсия қилиш ҳақни тавсия қилишнинг бир қисмидир. Лекин сабрнинг аҳамияти ҳамда нажот топиш ва зиёндан қутулишдаги улкан таъсирини баён қилиш учун у алоҳида зикр этилди. Сабрнинг алоҳида зикр этилиши шуни англатадики, ҳаққа даъват қатъият ва сабрни талаб қилади. Чунки даъватчи ва ислоҳ қилувчиларга тоғутлар ва уларнинг ёрдамчиларидан озор етиши мумкин. Шунинг учун улар даъватни кўтаришда сабрли бўлиб, етадиган озорларга тоқат қилишлари лозим. Ҳақ йўли райҳон ва гуллар билан тўшалган йўл эмас, балки тўсиқлар, тиконлар ва турли тўсқинликлар билан ўралгандир. Унда собит қолиш эса гўзал сабр ва кучли иродани талаб қилади.

Аср сурасида маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришнинг аҳамиятли эканига ишора қилинган. Чунки бу амални адо этган киши кўпинча одамлар озорига дучор бўлади. Шунинг учун уларга сабрни тавсия қилиш зарур бўлди. Бу ҳақида Луқмон ҳаким ўғлига шундай васият қилган:

﴿يَبْنَى أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَصْبِرْ عَلَى مَا أَصَابَكَ إِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ﴾

«Эй ўғилчам, намозни тўқис адо эт, яхшилиikka буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр қил. Албатта мана шу ишларнинг мақсадга мувофиғидир»

[Луқмон 17]

Демак, илк икки шарт – иймон ва солиҳ амал – инсоннинг ўзини камолга етказди. Охирги икки шарт – ҳақни тавсия ва сабрни тавсия қилиш – унинг бошқаларни камолга етказишида намоён бўлади. Мана шу тўрт шартни тўлиқ бажарган инсон зиёндан омон қолиб, улкан ютуққа эришади. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Сурия режими билан яҳудий вужуди ўртасида расмий учрашувлар бўлиб ўтмоқда		
Al Jazeera телеканали 2025 йил 29 июлда хабар беришича, 24 июль куни Франция пойтахти Париж шаҳрида Сурия ҳукумат делегацияси билан (Исроил) делегацияси ўртасида Америка ҳомийлигида учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашув 2000 йилдан бери илк ва энг юқори даражадаги воқеа сифатида қайд этилди. Учрашув Сурия жанубида кескин кучайган вазият ва (Исроил)нинг мунтазам ва кучайиб бораётган аралашуви ортидан ўтказилди. Сурия делегациясига ташқи ишлар вазири Асъад Шайбоний раҳбарлик қилди, таркибида ташқи ишлар ва разведка идоралари масъуллари бор эди. (Исроил) делегациясига стратегик ишлар вазири Рон Дермер раҳбарлик қилди.		
Манбаларга кўра, мазкур учрашув бу даражадаги илк учрашув бўлиб, у Сурия собиқ ташқи ишлар вазири Фаруқ аш-Шара билан (Исроил) ташқи ишлар вазири Эҳуд Барак ўртасида Америкада Вашингтон ҳомийлик қилган тинчлик музокаралари доирасида ўтказилган учрашувдан бери кузатилмаган эди. Бу сўнгги учрашувга ўхшаш тарзда амалга оширилди.		
Париж учрашувигача Сурия билан босқинчи вужуд ўртасида билвосита мулоқотлар бўлиб ўтган. Кейин 12 июль куни Озарбайжон пойтахти Бакуда тўғридан-тўғри учрашув ўтказилгани яҳудий вужуди ОАВ манбалари томонидан таъкидланди.		
Ал-Ваъй: Америка инқилоб даврида жиҳодчи жанговар фракцияга раҳбарлик қилган шахс орқали, ўзининг аввалги икки қўғирчоғи – Башар ва Ҳофиз орқали қўлга киритганидан ҳам каттароқ натижаларга эришди.		
Сурия муфтийсининг ўғли шайх Билол Рифоий жума минбаридан Жан-Жак Руссо назариясига эргашишга ҳамда садоқатни Умматдан «ватан»га кўчиришга чақирмоқда		
Шайх Билол Усома Рифоий жума хутбаларидан бирида, исломий сиёсий лойиҳа дунё давлатлари кўрсатган қаттиқ душманлик ва макр сабабли ўз мақсадига ета олмаганини айтди. У: биз мумкин бўлган нарсаларнинг энг афзалини – фуқаролик лойиҳасини қабул қилишимиз лозим, унда «садоқат ватанга» бўлади, деб баён қилди. Унинг сўзига кўра, Сурия		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
шундай воқелик сари кетмоқда. У яна шундай деди: «Шом аҳли кескинликни ёқтирмайди, балки ҳар бир нарсага аста-секин етиб боришни ёки Аллоҳ ижозат бергунига қадар фуқаролик лойиҳасига қўшилишни маъқул кўради». Сўнгра у жума хутбасида йиғилганларга Жан-Жак Руссо, унинг лойиҳаси тафсилотлари ҳамда Ислоннинг унинг фикрлари ва фуқаролик тушунчасига нисбатан раъйи ҳақида сўзлай бошлади. У шаръий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳайъат тузишга чақирди. Бу ҳайъат фуқаролик тушунчасини қайта ўрганиб, Ислон билан фуқароликни уйғунлаштириш имкониятини кўриб чиқиши лозим. Унинг таъбирига кўра, натижада мавжуд имкониятлар доирасида Аллоҳ Таолони рози қиладиган кўринишда чиқишлари зарур. Унинг фикрича, катта давлатлар маъқуллаган фуқаролик тушунчасини юртимизда мустаҳкамлаш орқали бу қон оқиб турган жароҳат тўхтатилиши мумкин. Ал-Ваъй: Масжид минбарлари ва жума хутбаларида одамларга Ислон ва унинг ҳукмларини ўргатувчи йўлбошчи деб кўриладиган шахслар тилидан гумроҳ ғарб турмуш тарзини яратган ғарб ҳазоратининг асосларига даъват қилинаётгани – ғарбнинг фикрий ва ҳазорий ҳужуми Ислон Уммати фарзандларига қай даражада чуқур таъсир кўрсатганининг очиқ-ойдин далилидир. Шунингдек, бу ҳолат жиноятчи режим қулатилгандан кейин Сурияда ҳокимиятни қўлга олганларнинг фикран банкротлигини кўрсатмоқда.		
Аун Ларижонийга шундай деди: «Биз ички ишларимизга ҳар қандай тарафдан бўладиган аралашувни рад этамиз»		
France 24 телеканали 2025 йил 13 августда тарқатган хабарга кўра, Ливан президенти Жозеф Аун Эрон Олий миллий хавфсизлик кенгаши котиби Али Ларижонийга мамлакатнинг ички ишларига ҳар қандай аралашув рад этилишини маълум қилди. Шунингдек, у ҳукуматнинг (Ҳизбуллоҳ)ни қуролсизлантириш ҳақидаги қарорига қарши эронликлар билдирган баёлотларни «фойдали эмас» деб баҳолади. Ларижонийнинг Байрутга ташрифи, ўтган ҳафта ҳукумат армияга шиалар гуруҳини қуролсизлантириш учун амалий режа ишлаб чиқиш топшириғини берганидан сўнг рўй берди. Мазкур		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
гуруҳни унинг иттифоқчиси Техрон молия ва қурол билан таъминлаб келмоқда. Режа йил охирига қадар тайёрланиши лозим. Бу эса Америка босими ҳамда (Исроил) Ливанда янги ва кенг қамровли ҳарбий юриш бошлаши мумкинлигидан хавотирлар таъсирида содир бўлмоқда. Бу ҳолат яҳудий вужуди билан (Ҳизбуллоҳ) ўртасида бир неча ой давом этган вайронкор тўқнашувдан кейин пайдо бўлиб, ундан Ҳизбуллоҳ ҳолсиз ҳолда чиққан эди. Аун шундай деди: «Қурол кўтариш ва хорижий кучларга суяниш тақиқланган». Шу муносабат билан Ливан президенти идораси баёнот чиқарди. Унда Ауннинг эронлик масъул билан учрашуви давомида айтган сўзлари келтирилди: «Биз ички ишларимизга ҳар қандай тарафдан бўладиган аралашувни рад этамиз». Шунингдек, унинг изоҳлашича: «Ливан ҳеч қачон ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашмайди ва уларнинг хусусиятларини, жумладан Эронникини ҳам ҳурмат қилади. Бироқ ўзининг ички ишларига ҳеч кимнинг аралашшини қабул қилмайди». Ал-Ваъй: Америка одатдагидек ўз таъсир доирасида айланувчиларга эътибор бермайди. Эрон ҳукумати Афғонистон, Ироқ ва Шомда Америка учун катта хизматлар қилиб, миллионлаб мусулмонларнинг қонини тўкишда иштирок этган бўлса-да, Америка унинг нуфузини синдириш ва аввалги мавқеига қайтаришдан тийилмади. Бу минтақада ундан кўзланган мақсадлар адо этилгандан кейин рўй берди. Ҳатто кеча ундан қаттиқ қўрққанлар ҳам бугун унга қарши жасорат қилди.		
Ироқ парламентида муштлашув содир бўлди		
Айн ахборот агентлиги – 2025 йил 5 август. Ироқ парламенти мажлиси катта тарангликка гувоҳ бўлиб, у айрим депутатлар ўртасида муштлашувга айланди. Бу ҳолат Федерал хизмат кенгаши аъзоларини тайинлаш бўйича овоз бериш пайтида содир бўлди ва натижада мажлис тўсатдан тугатилди. Айн агентлигининг Бағдоддаги муҳбирига кўра, Координация рамкаси (шиа) депутати Ало Ҳайдарий билан Азм		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
иттифоқи (сунний) депутати Раъд Даҳлакий ўртасида овоз бериш ва номзод кўрсатиш тартиби бўйича қаттиқ оғзаки тортишув чиқди. Бу тортишув кейин жисмоний тўқнашувга айланди. Айн агентлигига кўра, парламентдаги хабардор манбалар маълум қилганидек, парламент спикерининг биринчи ўринбосари ва шиа блоки раҳбарларидан бири Муҳсин Мандалавий юз берган тўқнашув сабабли мажлисни тугатишга мажбур бўлди. Мажлис икки депутат ўртасидаги тортишувга гувоҳ бўлди ҳамда бу ташкилий ноаниқлик ва залда тартибсизликка олиб келди. Манбаларнинг айтишича, Ироқ парламентида жойлашган курд пешмерга кучларининг хавфсизлик бўлими Ҳайдарий ва Даҳлакий ўртасидаги низони тарқатиш учун аралашди. Ал-Ваъй: Америка 2003 йилда Ироқни ишғол этганидан бери мамлакатнинг таркибий қисмлари ва аксар сиёсий йўналишлари билан манипуляция қилиб, Эрон билан нуфуз учун тортишув ҳолатида ҳаракат қилиб келмоқда. Хулоса қилиб айтганда, бу кучлар билиб ёки билмай Америка режаларини – гоҳ «шиачилик» номидан, гоҳ «суннийлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» номидан – амалга оширмоқда. Шу тариқа, сиёсий тузилмалар ўзларини мустамлакачилик учун бўйсундирилган енгил воситага айлантирмоқда ва ўз ораларида фақат бир-бирлари билан «муштлашиш»ни билишади.		
Сисий режими яҳудий вужудидан газ импортини икки бараварга оширмоқда		
Миср бош вазири Мустафо Мадбулий шундай деди: «Нью Мед Энержи» компанияси – (Исроил)нинг Левиафан газ конидаги шериги билан тузилган келишув 2019 йилда имзоланган битимни 2040 йилгача узайтиришдир». У шундай таъкидлади: «Бу келишув Мисрнинг Фаластинни қўллаб-қувватлаш позициясига таъсир қилмайди».		
Бу Мисрнинг, бир неча кун аввал яҳудий ОАВ ва (Исроил) энергетика вазири айтган хабарга нисбатан илк расмий баёнотидир. Ушбу хабарда Қоҳира (Исроил)нинг «Нью Мед Энержи» компанияси билан 35 миллиард долларлик газ		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
етказиб бериш шартномасини имзолагани ҳақида маълум қилинган эди. (Исроил) энергетика вазири Эли Кохен ўша вақтда мазкур келишувни мамлакати тарихидаги «энг йириги» деб таърифлади.		
Мадбулий шундай деди: «(Исроил)нинг Левиафан газ конидаги шериги «Нью Мед Энержи» компанияси билан тузилган келишувни узайтириш ҳақида эълон қилинган хабар юзасидан баҳс ва шов-шувлар юзага келди. Аслида ушбу шартнома 2019 йилдан бери мавжуд бўлиб, ҳозиргача амал қилмоқда».		
У шундай қўшимча қилди: «Биз келишган ягона нарсa – ушбу шартнома муддатини 2040 йилгача узайтиришдир. Улар ишлаб чиқариш кўпайишини кутмоқда ва шу боис бу ўсишнинг Миср газ тизимига қўшилишини сўрашмоқда. Чунки Миср давлати минтақавий энергия маркази ҳисобланади».		
У қатъий таъкидлади: Шартнома Мисрнинг Ғазода инқироз бошланганидан бери қатъий ва очиқ бўлиб келаётган позициясига таъсир қилмади. Бу позиция Фаластин масаласини тугатиш ёки фаластинлик биродарларни ўз ерларидан кўчиришга қаратилган ҳар қандай уринишларни рад этади.		
Қоҳира ушбу газ таъминотини ички талабнинг бир қисмини қоплаш учун ишлатади. Шунингдек, унинг маълум қисми Идку ва Дамиятдаги суюлтириш станциялари орқали суюлтирилган газ шаклида Европа ва Осиё бозорларига қайта экспорт қилинади.		
Ал-Ваъй: бош вазир Мадбулий халқни алдашга бефойда уринмоқда, аслида у фақат ўзини алдайди. Миср режими Ислом ва фаластинликларга қилган хиёнатлари ҳақида томлаб китоблар ёзилса бўлади. Бу хиёнатларнинг бошида яҳудий вужудини йўқ қилишга ҳаракат қилиш ўрнига уни тан олиш туради.		
Икки жасур йигит Мисрдаги хавфсизлик марказида бир нечта офицерни гаровга олиб, Ғазодаги қамални тўхтатишни талаб қилди		
Қоҳира - «Қудсул Арабий»: Ижтимоий тармоқларда икки йигит полиция бўлимига бостириб кириб, офицерларни гаровга олгани ва Рафаҳ чегара пунктини очишни талаб қилгани		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
тасвирланган видео тарқалди. Орадан фақат бир неча соат ўтиб, ички ишлар вазирлиги воқеани рад этувчи баёнот эълон қилди. Видеода Ҳилвоннинг 15 Май туманида истиқомат қилувчи, олдин 6 ой қamoқда ўтириб, кейин озод этилган Мухсин Муҳаммад Мустафо ва унинг тоғаваччаси Аҳмад Шариф кўринди. Улар Маъсара полиция бўлимининг тўртинчи қаватида жойлашган миллий хавфсизлик идорасига бостириб киргани ҳақида гапиришади. Йигитлар миллий хавфсизлик ходимларидан бир нечасини тахминан беш соат гаровда сақлагани ҳақида сўзлаб, ҳокимиятдан Рафаҳ чегара пунктини дарҳол очишни талаб қилди. Улар бу талаб орқали ғазо аҳолисини уларнинг ҳаётларига таҳдид солаётган очликдан қутқаришни кўзлаганлар. Видеода йигитлардан бири темир эшик ортида гаровда ушланган шахс билан гаплашиб, унга уйига қайтмаслигини билишини таъкидлаб айтади. Шунда эшик ортидаги шахс ундан чиқишга рухсат сўраб, ҳеч қандай озор етмаслигига ишонтирмоқчи бўлади. Видео тарқалганидан бир неча соат ўтгач, хавфсизлик манбаси видео сохта эканини айтди. Ички ишлар вазирлигининг расмий саҳифасида исми айтилмаган манба номидан эълон қилинган баёнотда, мазкур масалага оид тарқатилган ҳужжатлар воқеликка ҳеч қандай алоқаси йўқлиги айтилди. Манба баёнотига кўра, хавфсизлик идоралари уларни тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланган шахсларни қўлга олди. Манба «Ихвон» жамоасини мамлакат эришган барқарорликка путур етказиш учун ҳақиқатни доим бузиб кўрсатаётгани ва миш-мишлар тарқатаётгани ҳамда Миср халқи бунга яхши билишини таъкидлади.. Ички ишлар вазирлиги раддия эълон қилгандан кейин айрим телеграм каналларда видео тарқалган. Унда ушбу амални содир этган икки шахс аудио баёнот орқали бу амални ўзлари содир этганини эълон қилиб, ҳеч қандай ташкилот ёки сиёсий гуруҳга мансуб эмасликларини таъкидлаган. Улар ўзларини, ўз		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
таъбирларича, Умар ибн Хаттоб ва Амр ибн Оснинг авлодлари деб ҳисоблашини айтишган. Улардан бири амалиётнинг мақсади азиз Миср халқини ўлик ҳолатдан уйғотиш ва Ҳазадаги биродарларимизга қарши қирғинни тўхтатишдан иборат эканини таъкидлади. Кўринишидан, видео амалиётдан олдин ёзиб олинган, чунки у қўшимча қилиб шундай деди: «Амалиёт 2025 йил 25 июл, жума куни тонгда амалга оширилади, видео эълон қилинган пайтга келиб биз қўлга олинган бўламиз». Амалиётга «Ҳадид 17» номи берилди ва уни ўз зиммасига олиш баёноти ижтимоий тармоқлардаги қўлловчи аккаунтлар орқали эълон қилинди. Ал-Ваъй: Барча цензура, маълумотларни яшириш ва қоралашларга, шунингдек хиёнатлар ва хоинлар кўплигига қарамай, Умматда яхшилик ҳануз мавжуд. Зеро, ҳар бир хиёнатнинг муқобилида, ҳар қандай тўсиқларга қарамай Ислом Умматининг бирлигига ишонадиган кўпгина ихлослилар мавжуд. Лекин улар ўз саъй-ҳаракатларини тартибга соладиган ва куч-ғайратларини самара беришига олиб борадиган бир оқим ва лойиҳага муҳтождирлар. Улар шу орқали Умматга Аллоҳнинг шариати ҳукмронлиги остида султонини қайта берадиган туб ва тўлиқ ўзгаришни амалга ошира оладилар.		
Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири: Фаластин давлати тузилмагунча яҳудий вужуди билан ҳеч қандай муносабат ўрнатилмайди		
Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Файсал ибн Фарҳон, унинг мамлакати Фаластин давлати барпо этилмагунча (Исроил) билан ҳеч қандай муносабат ўрнатмаслигини таъкидлади. У қатъий урғу бериб шундай деди: «Можарони тугатиш ва Фаластин давлатини тузиш вақти келди». Унинг фикрича, «Исроил ва Фаластин ўртасидаги тинчлик минтақада тўлақонли тинчликка эришишнинг асосий йўлидир». Саудиянинг «Ихбория» телеканали хабар қилишича, бу сўзлар Нью-Йоркдаги БМТ қароргоҳида бўлиб ўтган «Фаластин масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш ва икки давлат ечимини		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
амалга ошириш»га бағишланган юқори даражали халқаро анжуман доирасида у ўтказган матбуот анжуманида айтилди. Ал-Ваъй: Оли Сауд Ислом Уммати онгининг бутун Фаластин ва у билан бирга барча мусулмон диёрларининг яҳудийлар ва Ғарбнинг Оли Сауд ва бошқа малайларида озод бўлишидан камига рози бўлмайдиган бўлиб ўсганидан қўрқмоқда. Шунинг учун улар Ғарбдан Фаластиннинг кичик бир қисмида сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан яҳудий вужудига бўйсунадиган «ярим давлатча»ни қабул қилишини илтижо қилишга шошилишмоқда.		
Суриялик маҳбус Усома Жоур Ливандаги Румия қамоқхонасида вафот этди		
2025 йил 13 август куни суриялик маҳбус Усома Жоурнинг Ливандаги Румия қамоқхонасида вафот этгани эълон қилинди. У Хомс вилоятининг Қусайр шаҳрида туғилган. Қамоқхона манбаларига кўра, оғир қамоқ шароити ва қасддан тиббий эътиборсизлик сабабли Жоурнинг соғлиги ёмонлашган ва бу унинг ўлимига олиб келган. Жоур Ливанда Сурия қўзғолонини қўллаб-қувватлаши ва унда иштирок этгани сабабли ҳибсга олинган эди. Ҳолбуки, у Ливанда ҳеч қандай фаолият олиб бормаган. У 2012 йили ўз шаҳри Қусайр қулаб, аҳолиси бутунлай қувиб чиқарилгандан ва шаҳар Ливан «Ҳизбуллоҳ»и томонидан ишғол қилинганидан кейин у ерга қочиб борган эди. У ҳибсга олинганидан кейин Ливанда турли хавфсизлик бўлимлари ўртасида у ёқдан бу ёққа кўчирилди ва қаттиқ қийноққа дучор этилди. 2019 йили бир ливанлик судья уни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Бунинг ортидан у яна қийноққа дучор бўлиб, ақлдан озди ва махсус камерага жойланди. У ерда давосиз қолдирилиб, соғлиги ёмонлашди ва охирида у вафот этди. Ал-Ваъй: Мана бу заифҳолларнинг аҳволи. Улар Аллоҳ Таолодан қўрқмайдиган, инсоний ва ахлоқий қадриятларни ҳисобга олмайдиган давлатларда яшаётганлари учун одамлар орасидан ёрдамчи топа олмайдилар. Бундай давлатлар ҳатто ўзлари унга амал қилишни даъво қиладиган қонунларни ҳам,		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Ўзлари имзо чеккан инсон ҳуқуқлари ва маҳбус ҳуқуқларига оид шартномаларни ҳам ҳурмат қилмайди. Бунга қўшимча, Ливандаги жирканч тоифавий тузумда тоифачилик таассублари мавжуд бўлиб, улар сиёсатчилар, хавфсизлик масъуллари ва суд органлари қарорларига ҳукмронлик қилади. Бу муаммодан чиқиш йўли фақат Аллоҳнинг шариатини ўрнатишдир. Зеро, у одамларни ғамхўрлик ва адолатда дини, мазҳаби ёки ирқига қараб ажратмайди, балки барчани баробар қўллаб-қувватлайди.		
Хитой уйғурларга қарши геноцидни янада кучайтирмоқда!		
Хитой яқинда Шарқий Түркистондаги ишғол жиноятини мустаҳкамлаш масаласини муҳокама қилиш ҳамда сўнгги йилларда бошланган «Шинжон бошқарув чоралари» деб аталган дастурга оид тадқиқотларни кучайтириш мақсадида йиғилиш ўтказди. Мазкур йиғилишни Урумчи шаҳрида Уйғур автоном районидаги Ижтимоий фанлар уюшмаси ва Шинжон университети ташкил этди.		
Шарқий Түркистондаги хитойлик «Танритаг» ахборот агентлиги баёнотига кўра, 20 август кўни Урумчи шаҳрида «Шинжон бошқарув чоралари» деб аталган йиллик назарий йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Хитой коммунистик партияси Марказий қўмитаси ташкил этди. Йиғилишда Хитой коммунистик партияси Марказий қўмитасининг Бирлик бўлимига қарашли 8-идора директори ўринбосари Ху Лианхэ Хитой режимининг Шарқий Түркистонда амалга ошираётган бошқарув ва назорат ишлари ҳақида ҳисобот берди. Шунингдек, хитойлик бир қатор мутахассислар «маданий озуқа» каби мавзулар юзасидан нутқ сўзлашди.		
Баёнотда таъкидланишича, ушбу йиғилишга тайёргарлик даврида Хитой ва Шарқий Түркистондаги университетлар, партия мактаблари ҳамда тадқиқот марказлари очиқ илмий мақолалар қабул қилди. «Шинжон бошқарув чоралари» мавзусида жами 590та илмий мақола қабул қилинди ва улардан 57таси йиғилишда муҳокама учун танлаб олинди. Шунингдек, ушбу мақолалар муаллифларига миннатдорлик сертификатлари топширилди.		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Сўнгги пайтларда Хитой Шарқий Түркистонда ўз ишғоли ва геноцид жиноятини назарий жиҳатдан асослаб бериш йўлида янада жиддий ҳаракат қилмоқда. Сўнгги бир неча ой ичида у кетма-кет бир нечта тадқиқот марказларини ташкил этди. Жумладан, 1 август куни Шинжоннинг 5-ишлаб чиқариш ва қурилиш компаниясига қарашли Шуанхэ шаҳри Шинжон Ижтимоий фанлар академияси билан стратегик ҳамкорлик шартномасини имзолади ҳамда «Шинжон Ижтимоий фанлар академиясининг 5-компаниясига қарашли Чегара ҳудудларини бошқариш институти» ташкил этилганини эълон қилди. Шу йил апрель ойида Шинжон полициясига қарашли Сиёсат ва ҳуқуқ университети Шинжон полицияси ўқув марказида «Шинжонни қонун билан бошқариш институти»ни очди. Ал-Ваъй: Хитой Шарқий Түркистонда уйғур мусулмонларини йўқ қилишга қаратилган тизимли жиноятларига илмий ва академик тус бермоқда. Агар мусулмонларнинг ўзларига мансуб ва уларнинг масалаларини ҳимоя қиладиган давлати мавжуд бўлганида, Хитой тарихда мисли кам учрайдиган бундай жасорат билан уларга тажовуз қила олармиди?! □		

ҲАЗОДАГИ ФИТНА

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَحْسِبِ النَّاسَ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَمَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ ۖ وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ الْكَاذِبِينَ﴾

«Алиф, Лом, Мим. Одамлар «иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон воситасида), албатта Аллоҳ («иймон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур» [Анкабут 1-3]

Ибн Касир бу оятнинг тафсирида шундай дейди: Аллоҳ Таолонинг ушбу

﴿أَحْسِبِ النَّاسَ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَمَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ﴾

(Одамлар «иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?!) деган сўзи инкор қилувчи савол, унда Аллоҳ Таоло мўмин бандаларини улардаги иймон даражасига қараб албатта синовдан ўтказажагини айтмоқда ва бу ҳақда:

«أَشَدُّ النَّاسِ بَلَاءً الْأَنْبِيَاءُ ثُمَّ الصَّالِحُونَ ثُمَّ الْأَمْثَلُ فَلِلْأَمْثَلِ، يُبْتَلَى الرَّجُلُ عَلَى حَسَبِ دِينِهِ، فَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ صِلَابَةٌ زِيدَ فِي الْبَلَاءِ»

«Одамлар ичида энг оғир синовга дучор бўладиганлар анбиёлар, кейин солиҳлар, сўнгра улардан кейинги даражадагилардир. Инсон динига қараб синовга дучор қилинади, агар динида қатъий турса, унинг синови янада кучайтирилади», деган саҳиҳ ҳадис мавжуд.

Аллоҳ Таоло инсониятни яратиб, уларнинг ҳар бири учун – иймонлари қанчалигига қараб – албатта маълум фитналарни қўйди. Аллоҳ бу фитналарни қўйишдан, улардан қайсиниси буларга сабр қилиб, Аллоҳга таваккул қилади ва бунинг учун Аллоҳнинг ёрдамига муваффақ бўлади, қайсиниси нотўғри қарор қабул қилиб, Аллоҳнинг амрларини писанд қилмай, иймони заифлик қилади, шуни билиш-кузатиш мақсадида шундай қилади.

Бугун Ҳазо фитнаси, унда юз бераётган воқеалар ва мусулмонларнинг дунёнинг шарқу ғарбида унга нисбатан тутган позицияси ҳам бутун Уммат дучор этилган фитналардан биридир. Кўпчилик мусулмонлар (мунофиқлар, сусткашлар ва уларнинг йўлидан юрганлар ҳамда яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштираётганлар бундан мустасно) бугун «агар Ҳамас қилган ишини қилмаганида эди,

бу воқеалар ҳам содир бўлмаган бўларди, ўз аҳли орасида бу қадар улкан қирилиш ҳам бўлмаган бўларди, юртлари вайрон бўлиши ва аҳолисининг очликка гирифтор бўлиши ҳам юз бермасди, демоқдалар. Бу гаплари билан улар очикдан-очик: «улар яшаётган бўларди», демоқчилар. Гўё мусулмон инсон ҳайвонлар каби фақат ейиш ва кўпайиш учун яратилгандек (Аллоҳ асрасин). Албатта бу мусулмонларнинг ҳоли ва уларнинг мақсади эмас. Бироқ ҳайвонлардек ҳаёт кечиришга ўзлари рози бўлганларни биз онгли мусулмон деб ҳисобламаймиз. Чунки онгли мусулмон ўз иззат ва шарафини душманлар кўз ўнгида қайтариб олишга интилади. Аллоҳ Таоло ғазо воқеаларидан олдин ҳам, улар давомида ҳам инсонлар учун ибрат бўлиши учун икки яқин мисол келтирди: Биринчи: 2023 йил 6 февралда Туркия ва Суриядаги айрим ҳудудлар деярли тўлиқ вайрон бўлди. Жумладан Туркиянинг Қаҳрамон ва Марашли минтақаларида рўй берган улкан зилзила юзлаб турар-жой биноларини эгалари бошига қўлатди. Юзлаби жабрланди. Туркияда ҳалок бўлганлар сони 44 212 нафар, Сурияда 5 914 нафар бўлди. Яъни жами ҳисобда бир неча сония ичида 50 мингдан ортиқ инсон ҳалок бўлди. Иккинчи: 10 ва 11 сентябрь кечалари Ливиянинг Дарна шаҳрида Даниэль бўронидан кейин икки сув тўғони фожиавий равишда ўпирилди. Оқибатда тахминан 30 миллион куб метр сув дарё йўналиши бўйлаб одамларни уйлари билан оқизиб кетди ва 4 333 киши вафот этди. Бу аламли офатнинг ҳисоби ҳали яқуний эмас. Биз Аллоҳ Таолодан уларнинг барчасини раҳмат қилишни сўраймиз.

Шундан англаш мумкинки, одамлар – якка шахс сифатида ҳам, жамият сифатида ҳам – ҳар қандай лаҳзада турли йўллар билан ўлим шарбатини тотмай қолмайдилар. Зилзилада ва тошқинда ҳалок бўлганлар жанг майдонларида эмас эдилар. Улар душманга қарши қўрол кўтармагандилар, балки эртанги гўзал кун орзусида тинч ва хотиржам ўхлаб ётган эдилар. Нега улар шу тарзда бирданига ҳалок бўлдилар? Чунки Аллоҳ Азза ва Жалла шуни ирода қилганди. У ўз бандаларининг ишларини Ўзи хоҳлаганидай ва хоҳлаган тарзда тадбир қилади. Шунинг учун ҳам ғазода шаҳидларимиз сонининг кўплиги мужоҳидларни айблашимизга асос бўлмайди. Чунки мужоҳидлар душманни расво қилдилар, барча мудофаа даражаларини йўққа чиқариш, куч билан бир нечтасини асирга олиш ва кўплаб қўрқоқ аскарларини ўлдириш билан бу тўнғиз давлатчанинг жуда нимжон эканини фош этдилар. Аслида, минтақадаги исломий юртлар ҳокимлари душман билан тил бириктириб, хиёнат қилишмаганида бу «давлат» вужудга ҳам келмасди, сақланиб ҳам қолмасди. Шунингдек, уларнинг ортида мусулмон юртларини бошқариб турган бошқа хоин ҳокимлар ҳам бор. Ғазода ҳалок бўлган мусулмонлар Аллоҳ улар учун белгиланган ажаллари ҳеч қандай зиёда ёки камайтирилмасдан келгани сабабли ўлдилар. Ҳатто қўрқоқ ва хоин душман қўлида шаҳидлик шарафига ноил бўлдилар. Қўрбонлар сони кўплигини пеш қилаётган кимсаларга айтар сўзимиз шуки, ғазоликларнинг барчаси Туркия зилзиласи каби зилзилада ўлишлари ҳам мумкин эди, ёки Индонезияда бир неча йил олдин юз берган даҳшатли цунами каби цунамида чўкиб ҳалок бўлишлари ҳам мумкин эди. Ўша цунамида тахминан 227 минг киши ҳалок бўлган. Бас, Аллоҳ Азза ва Жалланинг бу дунёда ўз бандаларининг ишларини тадбир қилишига эътироз қилиш учун Ғазодаги шаҳидлар сони ҳаргиз сабаб бўлмайди. Бу ўринда биз ушбу улкан мусибат олдида ўзимизни ўзимиз: мен ғазо фитнасида ғазоликлар томонда турибманми, ёки унда фитнага дучор бўлиб, унга орқа ўгириб, аҳлини айблаб, ўзларини ва ҳаракатларини ҳақоратлаб, бу ишларининг қийматини камситяпманми? дея тергашимиз керак.

Аллоҳим, бизга ҳақни ҳақ ҳолича кўрсатгин ва унга эргashiни насиб эт, бизга ботилни ботил ҳолича кўрсатгин ва ундан четлашишни насиб эт. □

**УММАТ ВА УНИНГ АРМИЯЛАРИГА НИДО: ҲАЗО ЁРДАМГА ЧАҚИРМОҚДА ЖАВОБ
БЕРУВЧИ КИМ БОР?! КИМ АЛЛОҲНИНГ МУҚАДДАС ДАРГОҲЛАРИ УЧУН НУСРАТ
ҚУЧАДИ?**

«Израэль хайом» газетаси хабарига кўра, жинойтчи Трамп қонхўр Нетаняхуни Ҳазодаги ҳарбий амалиётларни тезлаштиришга буюрган ва Ҳазони тўлиқ босиб олиши учун яшил чироқ ёқиб берган. Американинг бунга яшил чироқ ёқиб берганиги бу жинойтчи давлатнинг Ҳазодаги аҳлимиз қони тўкилишига бевосита шерик, Умматнинг биринчи рақамли душмани, босқинчи вужуднинг ҳимоячиси ва унинг жинойтларининг ҳомийси эканини яна бир бор яққол исботлаб турибди.

Икки йилдан бери давом этаётган бу ваҳший тажовузда Ҳазодаги инфратузилма мунтазам равишда йўқ қилинди, қамал ва қасддан очликка солинди, қатли омлар ва мажбурий кўчиришлар содир этилди. Бироқ, шунга қарамай, душман Ҳазони бўйсундирилмади. Аммо урушни тўхтатмади. Аксинча, Америка ёрдами билан қирғин ва кўчириш сиёсатини давом эттирди. Душмanning бу жинойтларига анави хоин режимлар ҳам унинг чегараларини қўриклаш ва у билан муносабатларни нормаллаштириш билан шерик бўлишди. Бу шерикликнинг бошида Миср ва Иордания ҳукмдорлари турибди.

Эй мусулмонлар!

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِلَّا تَتَغَفَرُوا يَعْذِبْكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا وَيَسْتَبْدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ﴾

«(Эй мўминлар) агар (жиҳодга) чиқмасангиз, (Аллоҳ) сизни аламли азоб билан азоблайди ва ўрнингизга бошқа бир қавмни келтириб қўяди» [Тавба 39]

Бугун шаръан фарз бўлган амаллар:

Америка билан ҳар қандай алоқани ўзиш: элчихоналари билан ҳам, базалари билан ҳам, компаниялари билан ҳам, манфаатлари билан ҳам.

Зудлик билан армияларимизни ҳаракатга келтириб, Ҳазо ва Фаластинни – дарёдан то денгизгача – озод қилиш.

Сионист вужудни ҳимоя қилаётган ва Умматни кишанлаб турган хоин режимларни афдариш.

Рошид Халифалик барпо этиш. Фақат Халифалик мусулмонларни ягона байроқ остида бирлаштиради ва Умматнинг душманига қарши шундай жанг олиб борадики, уни ё нусрат тўхтатади ёки шахидлик.

Эй офицерлар ва аскарлар!

Ҳокимларнинг хиёлати сизни зиммангиздаги жавобгарликдан озод қилмайди. Аксинча, сукут сақлаётганингиз учун гуноҳ сизнинг ҳам зиммангизга юкланмоқда. Албатта бу босқинчиликни қўпориб ташлаш ва хоин ҳокимларни афдариш учун энг аввал ҳаракатга келишга одамлар ичида сиз лойиқсиз.

Эй уламолар, даъватчилар ва муфаккирлар!

Умматни қўзғатинг, уни жиҳодга ундаб сафарбар этинг ва Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан қўрқманг.

Эй Уммат халқлари!

Майдонларни тўлдиринг, ҳукумат саройларини қамал қилинг, Америка ва сионист душмanning элчихоналарини ёпинг ҳамда уларнинг ҳар қандай таъсирини юртларингиздан қувиб чиқаринг.

Бугун, Ҳазо сизга нола қилмоқда, Ақсо масжиди ёрдам сўрамоқда, қонлар дарё бўлмоқда. Аллоҳнинг нидосига жавоб беринг ва кечикманг!

Қўзғалган иззат топади, орқада қолган хор бўлади. Шубҳасиз, Аллоҳ Ўзига ёрдам берганларга нусрат беради. Аллоҳ кучли ва қудратлидир.

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونََ لِلَّذِينَ كَفَرُوا لَئِنْ كُنْهُ لِلَّهِ﴾

«То бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар уларга қарши жанг қилинглар!» [Анфол 39] □